

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№4. 2023



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023



КОНСТИТУЦИЯ —
ҲАММАМИЗНИКИ

ИЗЛАНИШЛАР ЮТУҚЛАР ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари, айниқса, охириги йилларда инсонга, ўсиб келаётган ёш авлодга, уларнинг таълим-тарбиясига кўрсатилаётган эътибор ўз ижобий самарасини бермоқда. Бунга лавҳамиз қаҳрамони Чарос Анварбекова ёрқин мисол бўла олади.

Ч.Анварбекова 1999 йил 26 январда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган, миллати ўзбек. У ёш агроном сифатида креатив, инновацион ғояларини ҳаётга татбиқ этиб, Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш йўналишида илмий изланишлар олиб бормоқда. Чарос ўзининг салоҳияти, билимга интилиши, изланувчанлиги ва ўқишдаги муваффақиятлари билан тенгдошлари, қўйингки, барча ёшларга ўрнак бўлмоқда. У етакчилиги, ташаббускорлиги ва жамоат ишларида фаоллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Чарос 2019 йилда Маҳмуд Мирзаев номли ички стипендия соҳибаси бўлар экан, 2020 йилда Ёшлар академияси томонидан ташкил этилган Қишлоқ хўжалигида ёшларнинг инновацион лойиҳалари Республика танловида ўзининг “Интенсив тоқзор ва кўчатзорлар барпо этиш технологияси” лойиҳаси билан қатнашиб, ғалаба қозонди ҳамда 123 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди. Шу йилнинг ўзида у “Йил талабаси” танловида “Йилнинг энг яхши тарғиботчи-ташвиқотчи талабаси” номинацияси ғолиби бўлди.


2021 йил ҳам омадли йил бўлиб у “Йилнинг энг яхши инноватор талабаси” номинацияси, Россияда ўтказилган истеъдодлилар танловида “Шўрланган ерларда интенсив тоқзор ва кўчатзор барпо этиш лойиҳаси” билан қатнашиб, “Энг яхши ижтимоий лойиҳа” номинацияси, Волонтерлар ассоциацияси томонидан ўтказилган “Йил волонтери” танлови ғолиби бўлди. У кўплаб стартап ва инновацион лойиҳалар соҳибасидир.

2021-2022 йилларда Ч.Анварбекова Ўзбекистон Республикасида бакалавриат учун таъсис этилган Беруний номли давлат стипендияси соҳибаси бўлиши ҳам унинг катта ютуқларидан биридир. Бу ютуқнинг мантиқий давоми сифатида у 2022 йилда Ўзбекистон талабалар алманахида Ўзбекистоннинг Энг иқтидорли ТОП-100 талабалари сафига қабул қилинди.

2021-2022 йилларда у халқаро ва республика миқёсидаги танлов ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, 150 дан ортиқ диплом ва сертификатларни қўлга киритди. Халқаро ва

**Анварбекова
Чарос
Анварбек қизи,**

**Тошкент
давлат аграр
университети
“Узумчилик ва
узумни дастлабки
қайта ишлаш”
мутахассислиги
бўйича 1-босқич
магистранти.**



республика миқёсидаги илмий нашрларда қишлоқ хўжалиги соҳасида 48 та илмий мақоласи ва тезислари чоп этилган. Жумладан, 2019-2022 йилларда АҚШ, Италия, Белоруссия, Ҳиндистон, Польша, Дания, Нидерландия, Канада, Россия, Туркия каби давлатларда “Ток кўчатларини иссиқхоналарда етиштириш”, “Токзорларда ҳосилни парвариш қилиш, териш, саралаш ва жойлаштириш”, “Қуртак пайванд усуллари”, “Интенсив тоқзор учун ток кўчатини етиштириш”, “Мевали дарахтларни пайванд қилишнинг умумий қоидалари”, “Цитрус мевали ўсимликлар кўчатини етиштириш” мавзусидаги мақолалари чоп этилган.

“ Чароснинг сайёи-ҳаракатлари, эришган ютуқлари, албатта, тегишли жамоат ва давлат ташкилотларининг эътиборидан четда қолмади, натижада, у жорий йилда Зулфия номидаги давлат мукофотини олишга сазовор бўлди.

— Ўқишда, ишда нимага эришган бўлсам, барчасига авваламбор мамлакатимизда яратилган имкониятлардир. Бунинг учун давлатимиз раҳбариятига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Қолаверса, бу ютуқлар ота-онамнинг менга берган тарбияси, устозим, профессор Камолдин Султоновнинг қўллаб-қувватлаши, уларнинг менга кўрсатаётган амалий ва маънавий ёрдамлари натижасидир деб биламан, — дейди мақоламиз қаҳрамони.

Чароснинг ушбу сўзларини тинглар экан - ман, шундай ёшларимиз борлигидан қувондим ва олдимизга қўйган марраларга эришишимиз муқаррарлигига ишонч ҳосил қилдим.

Маҳмуд ТОИРОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАГРАР СЕКТОРНИ ЗАМОНАВИЙ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ
РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни қондириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини маънан ва жисмонан эскирган техникалар ўрнига замонавий ва ресурс тежамкор техникалар билан таъминлашни раъбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харидини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги ягона тартиби 2023 йил 1 апрелдан бошлаб жорий қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-7-сон қарорида назарда тутилган субсидиялар барча маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этилади;

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмлари, истисно тариқасида, **2025 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан** (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштиру-

ви йиғимларидан ташқари) ва **утилизация йиғимидан озод қилинади** ҳамда тадбиркорлик субъектларига эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини **270 кунгача бўлган муддатга кечиктириб тўлашга рухсат берилади;**

халқаро молия институтлари томонидан лизинг компанияларига ажратилган маблағлар доирасида **ўзини ўзи банд қилган шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатларини лизингга беришга рухсат этилади;**

2. 2023-2024 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун жами **2,6 триллион сўм йўналтирилсин**, шундан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июлдаги ПҚ-335-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштирилган 100 миллион АҚШ доллари-дан 2022 йилда ўзлаштирилмасдан қолган **670 миллиард сўм** (59 миллион АҚШ доллари) миқдоридаги **мблағ техника хариди учун 10 фоиз ставкада 10 йилга кредит ажратиш учун;**

800 миллиард сўм (70 миллион АҚШ доллари) – халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун **лизинг ташкилотларига жойлаштириш ҳисобига;**

1,1 триллион сўм (100 миллион АҚШ доллари) – халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштириш ҳисобига.

Бунда:

хизмат кўрсатадиган тижорат банклари томонидан лизинг ташкилотларига **кредит ажратилишида гаров таъминоти сифатида лизингга бериладиган техникалар ва суғурта полиси қабул қилиниши мумкин;**

халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан харидорларга қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг маржаси йиллик **3 фоиздан ошмаган ставкада 10 йилгача бўлган муддатга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги буюртмаси асосида лизингга берилади.**

3. Тижорат банкларига лизинг компанияларига қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш учун қарз маблағларини гаров таъминоти сифатида сотиб олинadиган қишлоқ хўжалиги техникасини, кредитнинг бутун даври учун қарз маблағларини қайтармаслик хатарларидан **100 фоиз гаров сифатида суғурта полисини ёки учинчи шахсларнинг кафиллигини қабул қилиш орқали ажратиш тавсия этилсин.**

Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **ўн кун муддатда тижорат банклари томонидан гаров таъминоти сифатида қабул қилинадиган суғурта компаниялари томонидан тақдим этиладиган қарз маблағларини қайтармаслик хатарларидан суғурта полиси (шартномаси)нинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этсин.**

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **икки ой муддатда** суғурта бозорини такомиллаштириш, хавф-хатарларни тўғри баҳолаш, айниқса, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун ресурслар ҳисобига кредитларга нисбатан суғурта операциялари устидан пруденциал назоратни кучайтириш бўйича таклиф киритсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо ва-

зирлиги **ҳар йили 1 октябрга қадар маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда кейинги йил учун қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришнинг мақсадли параметрларини ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.**

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили тақдим этиладиган **қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришнинг мақсадли параметрлари ва етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари турларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришнинг молиялаштириш манбаларини** уларни ажратиш давлари кесимида шакллантирсин ҳамда Жамғармадан маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари иловага мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д.Кудбиев ва қишлоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2023 йил 29 март*



ЧИГИТ ЭКИШ ВА ҒЎЗА НИҲОЛЛАРИГА БИРИНЧИ ИШЛОВ БЕРИШНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ

Маълумки, республикаимиз ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Зарафшон воҳасида чигит экиш ва униб чиққан ғўза ниҳолларига биринчи ишлов бериш тадбирлари бошлаб юборилган бир паллада, водий вилоятларида улар ҳали бошланмаган бўлади. Шундан келиб чиқиб, чигит экиш ва ниҳолларга биринчи ишлов беришни сифатли ўтказишга доир тавсияларни бир мақола таркибиде беришга қарор қилдик.

Тўғри, пахта етиштиришдаги барча агро-техник тадбирлар муҳим. Аммо чигит экиш ва ўниб чиққан ғўза ниҳолларига биринчи ишлов беришнинг ўрни алоҳида. Бу тадбирларнинг сифати сеялқалар, култиваторлар ва чопиқ тракторларнинг техник ҳолатига боғлиқ эканлиги пахтакорларга яхши маълум.

Бундай машиналарнинг техник ҳолати эса мавсум олдидан ва иш давомида қисмларнинг созиқ даражасига қараб баҳоланади. Соз машина ўз вазифасини сифатли бажаради, смена ва мавсум давомида бузилмасдан ишлайди, агротехник талаблар тўла бажарилади.

Тракторларни созлаш ва тўғри ишлатиш қоидалари:

- ёнилғи, мой ва бошқа суюқликлар томчиламайди; ҳамма детал, узел ва агрегатлар пухта маҳкамланган;
- ўлчов, ёритиш ва электрон асбоблар яроқли; капотлар, ойналар ва кабина эшиклари шикастланмаган ва синмаган;
- ишқаланувчи қисмлар мойлаш схемасига асосан ёлланган;
- двигател енгил ўт олади, барқарор ишлайди, бегона шовқин ёки товуш чиқмайди;
- ёнилғи ва мой сарфи меъёردа, ёнилғи билан таъминлаш ва газ тақсимлаш системасининг бирикмалари маҳкам;

- двигателнинг қуввати номинал даражада, трактор зўриқмасдан ишлайди;
- илашиш муфтаси зарур узатмаларни эркин, қадалишларсиз қўшилишини ва ажралишини таъминлайди, шатаксырамай ишлайди;
- карданли узатма бирикмаларидаги радиал ва бўйлама тирқишлар меъёрида, “тепмасдан” айланади;
- орқа кўприк ва бошқариш механизми тақиллаш, шовқиндан холи;
- тракторни раvon ва кескин бурилиши, ишончли тормозланиши таъминланади;
- рул чамбарагининг эркин буралиш йўли меъёрида, рул механизми ва ғилдираклар соз;
- гидравлик осииш системаси машиналарни раvon кўтаради ва туширади, механизмлар ишончли, бирикмалардан суюқлик томчиламайди;
- электр қурилмалари двигателни раvon юргизишни ва тунда йўлни яхши ёритилишини таъминлайди;

Чигит экиш сеялқаларини созлаш ва тўғри ишлатиш қоидалари:

- чигит солинадиган банкаларда тешикларнинг бўлмаслиги (чигит илиниб қолмайди, ерга тўкилмайди);
- банка тубига жойлашган чигит тўзитгич ва узатмалар тишларининг бутунлиги (банкага со-

лингачи гитлар бир-бирига ёпишиб қолмайди, шикастланмайди, деталлар яхши айланади);

- гит сарфи меъерини ростлайдиган за-слонка дарчаларининг энгил очилиб – ёпилиши (дарчалар энгил созланади);

- уруғ ўтказгичларда ёриқлар ва тешиклар йўқ (гит тўкилиб кетмайди);

- сошникнинг тагидаги пичоғи ўткир, жағлари керилган, полозининг олд томонини ёй шаклида кўтарилган бўлиши (гит тушадиган ариқчалар белгиланган ўлчамларда очилади, полоз олдида тупроқ тўпланиб қолмайди);

- сошник орқасида жойлашган зичлагич гилдиракча, загортачлар ва прикаткани ўз ўқлари атрофида эркин айланиши, юзаларининг текис бўлиши (эгатлар сифатли чиқади, уруғ устидаги тупроқ яхши зичланади);

- сошник секциясидаги пружиналарнинг со-злиги ва тўғри ўрнатилганлиги (пружиналарда за-рур таранглик ва унинг миқдорини тўғри танлаш имкониятлари бўлади);

- сеялкадаги барча ростлаш механизмлари-нинг (гит сарфи меъери, экиш чуқурлиги, пружиналарнинг таранглиги) созлиги (гит фермер, агроном томонидан белгиланган миқдорда ва чуқурликда экилади);

- “Кейс-1200” сингари пневматик сеялкаларда уяга тушадиган гит сони, гитнинг кўмилиш чуқурлиги, уялар орасидаги масофа, уяларнинг тупроқ билан зичланиш даражаси даланинг ўзида ростланади.

Пахтачилик культиваторни созлаш ва тўғри ишлатиш қоидалари:

- культиватор рамалари эгилмаган, улар трак-торга маҳкам қилиб, ерга нисбатан параллел ҳолда ўрнатилсин (ишлов бериш чуқурлигининг бирдайлиги таъминланади);

- олдинги ва орқа грядиллар стойка, тутқич ва қулфлар воситасида рамаларга пухта бирикти-рилсин, бунда штангалар ерга параллел бўлсин (ишлов бериш кенглиги бирдай сақланади);

- грядилларнинг носоз втулкалари янгиларига алмаштирилсин, қулфлардаги маҳкамловчи болтларнинг резбалари едирилмаган бўлсин (грядиллар ортиқча тебранмайди);

- минерал ўғит бункерларида тешиклар ва ёриқлар бўлмасин, ўғит солиш аппаратининг ҳамма қисмлари энгил айлансин, ўғит солиш меъерини ростловчи механизм соз бўлсин (ўғит нобуд бўлмайди);

- пичоқлар ва стрелкасимон панжалар штан-галарга шундай маҳкамлансинки, бунда улар-нинг тиглари узунасига ер сатҳига тегиб турсин, юмшаттич панжалари ва очарларни ерга ботиш бурчаги тупроқ шароитига қараб созлансин (агре-гатнинг тортишга қаршилиги ошмайди);

- ишчи органларнинг кўтарилиш баландлиги ҳамда ерга ботиш кучи грядил поводокларидаги пружина қулфи халқаларини суриш билан рост-лансин (баландлик ва куч меъерида сақланади);



- ишчи органлар завод шароитида тайёрланган ва стойкаларга пухта маҳкамланган бўлсин (ишчи органлар тезда едирилмайди, сифат таъминланади);

- пичоқлар ва панжаларнинг қирқиш қирралари ўткир, қийшаймаган ва кертисиз бўлсин (бегона ўтлар тўла нобуд бўлади, тупроқ майин чиқади);

- барча ишқаланувчи сиртлар мойлансин, култиватор бўялсин (деталлар узоққа чидайди).

Пахта сеялкалари ва култиваторлар юқоридаги талабларга жавоб берса, чигит белгиланган меъёردа сарфланади, экишда сифат

таъминланади, ғўза қатор ораларидаги тупроққа майин ишлов берилади ва нимжон ниҳоллар шикастланмайди.

Ќўза ниҳолларини тўла ундириб олиш, уларни ривожланишини тезлаштириш ва пахта майдонларини бегона ўтлардан тозалашда ғўза қатор ораларини тўлиқ ва сифатли юмшатиш катта аҳамиятга эга. Ќўза қатор ораларида майин, майдаланган тупроқ хосил қилиш, ундаги намликни узоқ сақлаб туриш ва далаларда бегона ўтларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймаслик култивациянинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Механизаторлар ғўза қатор ораларини биринчи култивациялашга пухта тайёргарлик кўришлари ва бу тадбирни ўта зийраклик билан амалга оширишлари керак. Чунки бу пайтда ғўза ниҳоллари ва уларнинг илдизлари ниҳоятда нозик ва мўрт бўлади. Эътиборсизлик билан берилган биринчи ишлов бир қисм ниҳолларни нобуд бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларни олдини олиш ва тадбирни сифатли ўтказиш тубандаги талабларни тўла-тўқис бажарилишига боғлиқдир:

- далаларда ғўза ниҳоллари униб чиқиб, қаторлар яққол кўриниши билан биринчи култивацияни бошлаш (акс ҳолда агрегатни тўғри юргизиб бўлмайди);

- ишчи органларни тупроққа бирмунча юза ботадиган қилиб ўрнатиш (акс ҳолда нозик ғўза илдизлари ўрнидан кўзғалади ва ниҳоллар нобуд бўлади);

- биринчи култивацияда трактор тезлигини пасайтириш;

- ёмғирдан кейин тупроқ бетини қатқалоқ босган ёки бегона ўтлар эндигина униб чиқаётган бўлса култиваторларга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: ротацион юлдузча – 8 комплект (ниҳоллардан 3-5 сантиметр узоқликда ва 3-5 см чуқурликда); пичоқлар – 8 та (4 – та чап кесувчи, 4 – та ўнг кесувчи) 6-8 см чуқурликда; стрелкасимон панжалар (ғозпанжалар) – 5 дона, 12-14 см чуқурликда;

- қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида култиваторга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: дисксимон юмшаткич – 8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5-7 см узоқликда ва 6-8 см чуқурликда; пичоқлар-8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9-10 см узоқликда ва 6-8 см чуқурликда; стрелкасимон панжаларни (ғозпанжалар) – 5 дона, эгатнинг ўртасига 12-14 см чуқурликда ўрнатиш.

Шундай қилиб, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларида юқоридаги тавсияларга амал қилинса, чигит экиш ва ғўза қатор оралари тупроқларида ишлов бериш агрегатларини ишга тўғри тайёрлаш ва улардан дала шароитида унумли фойдаланишга эришилади.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д., проф.,
Абдирасули ИБРАГИМОВ, т.ф.д.,
ҚХМИТИ**

ҒАЛЛАЧИЛИКДАГИ МУҲИМ ПАЛЛА

*Ғалла парваришида апрель ойида амалга ошириладиган
агротехник тадбирлар*

Дунёда иқлимнинг кескин ўзгариши натижасида бир қатор ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигига ўзининг жиддий таъсирларини кўрсатмоқда. Бунинг натижасида ғаллани озиклантириш, суғориш ҳамда касалликларга қарши кураш чоралари ҳар йилгига нисбатан 7-10 кун кечикиб амалга оширилмоқда. Ғаллачиликда апрель ойи ғалла ҳосилининг тақдирини ҳал қиладиган ой ҳисобланиб, бу даврда ғалладан юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган муҳим агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширишни тақозо этади.

Бугунги кунда айрим фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластер раҳбарлари ғалла майдонларини озиклантириш, суғориш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишларини бироз кечиктириб амалга оширишмоқда.

Республикада экилган бошоқли дон экинлари апрель ойида тўлиқ найчалаш фазасида ривожланади. Найчалаш даври 30-35 кун давом этиб, бу даврда ўсимлик ўзи учун ўсув даври давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди.

Ғалла ниҳоллари тўла найчалаш даврида найча ичида бошоқ шаклланиши бошланган бўлиб, ўсимлик озуқа элементларига, азотга ва бир қатор макро ҳамда микроэлементларга талаби юқори бўлади. Найчалаш даврида бегона ўтларга қарши гербицидлар билан ишлов бериш тавсия этилмайди. Ушбу тадбир дон ҳосилдорлигининг 15-20 фоизга пасайишига олиб келади.

Юқоридаги жараёнлардан келиб чиқиб, апрель ойида баҳорги озиклантириш ишларини ғалланинг ривожига қараб мақбул муддатларда экилган, ҳозирги кунда найчалаш фазасида ри-

вожланаётган ғалла майдонларига физик ҳолда карбамид 260 кг/га, аммиакли селитра 350 кг/га азотли ўғитлар билан озиклантириш, ривожланиш паст бўлган кеч экилган ғалла майдонларида апрел ойида азотли ўғитларни ўзлаштириш ҳолатига қараб икки марта озиклантириш ишларини амалга ошириш тавсия этилади. Бунда биринчи озиклантириш гектарига 200-250 кг, 15-20 кун ўтказиб, иккинчи озиклантиришда гектарига физик ҳолда 100-150 кг меъёردа ўтказиш тавсия этилади.

Ғалла майдонларида озиклантириш ишлари амалга оширилгандан сўнг минтақа тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига 650-750 м³ меъёрдa шарбат усулида суғоришни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғаллазорларда апрель ойининг биринчи ўн кунлигида касаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлар билан ишлов бериш яхши самара беради.

Ўсимлик ўсиш ривожланишида биологик ва физиологик жараёнларнинг жадаллашишига илдишдан ташқари барги орқали фотосинтезни фаоллаштириш ҳисобига 35-40 фоиз озуқа баргидан суспензия усулида амалга оширилади. Ғаллани баргидан озиклантиришни апрель ойи давомида 2-3 марта амалга ошириш ўзининг ижобий на-

тижаларини бериш тажрибаларда ўз исботини топган. Барг орқали озиклантиришда гумин кис-



Суспензия учун эритма тайёрлашда найчалаш даврида 12 кг карбамид минерал ўғити ёки ГеоГумат (1 л/га), УзГуми, Гумимакс (0,5 л/га), Агрозим (3 л/га), Зеребраагро (100 млгр/га), Аминозол (1,0-3,0 л/га), Лебозол (3,0-5,0 л/га), YieldOn (2,0 л/га) каби кимёвий воситаларни 300 литр сувга аралаштириб, ғалла майдонларига сепиш кузги бугдой ўсимлиги илдиизидан оладиган озиқа элементларидан ташқари баргдан озиклантирилиши натижасида ўсимликнинг барг сатҳи қалинлашади, касаллик ва зараркундаларга чидамлилиги ошади, фотосинтез жараёни яхшиланади. Ўсимлик баргида ҳосил бўладиган органик моддаларнинг кўпайиши натижасида ғалла ҳосилдорлигининг 5-6 центнергача ортишини, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари клейковина миқдори 2-3 фоизга, дон таркибидаги оксил миқдори 1,5-2 фоизга, дон натураси 10-15 фоизга, 1000 дона дон вазни кўрсаткичини 1,5-2 граммга ортишини таъминлайди.

лоталарга бой бўлган, макро ва микроэлементларни ўзида мужассамлаштирган биоўғитлар билан озиклантириш тавсия этилади.

Бошоқли дон экинларида найчалаш фазада бутун ўсув даври давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 55-60 фоизини тўплайди. Бу фазада ўсимликнинг вегетатив органлари, энг асосийси, поялар сонининг кўпайиши ҳисобига азотли ўғитга бўлган талаби энг юқори ҳамда ғалла ниҳоллари туллаш жараёнидан найчалашга ўтади. Ўсимликнинг найлаш даврида маҳсулдор поялар, поялар ичида бошоқлар шаклланиб ривожланади.

Кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатадики,

эрта муддатларда сентябрь ойида экилган ғалла майдонларида апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида бошоқлаш фазасига ўтиши кузатилади. Ғалла бошоқлаган даврда азотли ўғитлар билан қўшимча озиклантириш ишларини амалга ошириш ҳосилдорликнинг 4-5 центнерга ортишини таъминлайди. Бунда гектарига 150-200 кгдан физик ҳолда азотли ўғитни бериш яхши самара беради.

Апрель ойида ёғингарчилик кўп бўлиши кузатилса, бошоқли дон экинлари ўта узок вақт сугорилса, айрим ғалла навларини ётиб қолишига ҳамда занг ва бошқа касалликларга мойиллиги ортади, шунинг учун апрель ойидаги ғалла сугоришда эҳтиёт бўлиши талаб этилади.

Умуман, апрель ойида ғаллазорлардаги тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан доимий равишда 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш зарур бўлади.

Баҳор ойларини серёғин, ҳаво ҳароратини паст бўлиши ғаллазорларда замбуруғли касалликлар, зараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлар кўпроқ тарқалишига олиб келади. Шунинг учун уларнинг олдини олиш ва қарши кураш чораларини кўриш ўта муҳимдир.

Баҳор ойларининг серёғин келиши ғаллада замбуруғли касалликларидан сариқ ва қўнғир занг, септариоз, ун-шудринг, фузариоз касалликлари билан зарарлашини инобатга олиб доимий кузатув ва қарши кураш чораларини эртароқ амалга ошириш тавсия этилади. Акс ҳолда, бу тадбирларнинг кечиктирилиши ғалла майдонларида замбуруғли касалликларни эпидемиясининг кучли ривожланиши, атрофга кенг тарқалиши оқибатида доннинг сифати ва ҳосилдорликнинг 25-30 фоизгача пасайишига олиб келади.

Ғалла майдонларида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ёки бўлмаса касалликлар билан зарарланган майдонларга ўсимликлар ҳимояси ва карантин агентлиги рўйхатидан ўтган фунгицидларни ҳаво ҳарорати 15-18°C бўлганда Виальто Супер 33% 0,3 л/га, R-ULTRA Super 33% к.э. 0,3 л/га, Суперфар 50% эм.к. 0,16-0,18 л/га, Титул Дуо к.э.к. 0,2 л/га, Дуазол к.э.к. 0,2 л/га, БИ-КОНАЗОЛ 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Топ-Кроп 40% к.э.к. 0,25-0,3 л/га, Диканазол 40% к.э. 0,2 л/га, Энтоликур 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, каби фунгицидлар билан гектарига

Ушбу зараркундаларга қарши Имитрин 20% эм.к. 0,1 л/га, Киллер экстра 10% эм.к. 0,1 л/га, Агрофос-Д 55% эм.к. 0,5 л/га, Дуэт 55% эм.к. 0,5 л/га, Кинфос эм.к 0,25 л/га, Имидашанс, с.э.к. 0,1 л/га, Имидаклоприд Оригинал 35% сус.к. 0,1 л/га каби инсектицидлар билан гектарига 300 литр меъёрда ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов бериш тавсия этилади.

Бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришда юқоридаги тавсиялар асосида белгиланган агротехника чора-тадбирларни ўз муддати ва меъёрларига амал қилган ҳолда сифатли бажарилиши ғалладан кафолатли юқори ва сифатли ҳосил олиш учун пухта замин яратилади.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот
институти директори, к.х.ф.д., профессор.

Кузги буғдойни суғориш ЧДНСга нисбатан 70-75-60% да ўтказилганда дон ҳосилдорлиги 39,0-54,6 ц/га ни ташкил этган бўлса, ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тупроқ намлигида суғорилганда ушбу кўрсаткичлар ўртача 41,2-57,1 ц/га.ни ташкил этиб, 2,2-2,5 ц/га миқдорида қўшимча дон ҳосили олишга эришилди. Маъдан ўғитларнинг таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги буғдой навлари маъдан ўғитларнинг юқори меъёрларини қўллаб парварिश қилиш унинг

[illegible]

Ўтказилган уч йиллик тажриба натижаларига кўра, чўл минтақасининг тақирсимон тупроклари шароитида энг юқори дон ҳосили кўз-

ги буғдойнинг “Ғозғон” навини эрта 01-05.10 муддатда экиб, маъдан ўғитларни NPK 180:120:90 ва 250:175:125 кг/га меъёрларини қўллаб, суғориш ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тартибида 58,5-58,6 ц/га ни ташкил этди. Агар кузги буғдойни экиш 15-20.10 муддатига тўғри келса, уни NPK 250:175:125 кг/га меъёрида қўллаб, суғоришни ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тартибида ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жорий йилнинг баҳор мавсуми қуруқ, ёгингарчиликларсиз бўлаётганлиги тупроқ намлигининг паст бўлиши, ўсимлиқнинг тупроқдаги макро ва микроэлементларни ўзлаштиришида ижобий рол ўйнамаслигига олиб келмоқда. Бошоқли дон экинлари учун бу даврда оптимал ҳаво ҳароратга (20-25°C), озуқага ҳамда сувга бўлган талаби юқори бўлади.

Маълумотларга кўра, ўқариқлар оралиғи дон ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатмайди, лекин сувнинг ортиқча сарф бўлишига, истеъмолчилар сарф-харажатларининг ошишига олиб келади.

Агар фермер хўжалиги 50 га майдонга кузги буғдой уруғларини ундириб олиш учун суғоришда кўндаланг ўқариқлар оралиғини 300 метрдан олса, сув солиғи учун 4 млн. сўм, кўндаланг ўқариқлар оралиғини 50-60 метрдан олса, сув солиғи учун 1 млн.

600 минг сўм маблағ харажат қилади, ёки ўқариқларни қисқа олиш эвазига 2 млн. 400 минг сўм маблағни иқтисод қилади.




Аниқланишича, кўндаланг ўқариқ оралиғи 50 метрдан олинганда, дон ҳосилдорлиги 55,3 ц/га ни, сув сарфи 800 м³/га ташкил этган. Ўқариқлар оралиғи 100 метр бўлганда ҳосилдорлик 55,1 ц/га ва сув сарфи 1200 м³/га ни ташкил этган. Шу тариқа ўқариқлар оралиғи 200 метр бўлганда ҳосилдорлик 53,3 ц/га ва сув сарфи 1600 м³/га ни, 300 метр бўлганда ҳосилдорлик 54,1 ц/га ва сув сарфи 2000 м³/га ни ташкил этган.

Шунингдек, майдоннинг ортиқча намланиши эвазига ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Бу ҳолда, ортиқча намланган майдонда суғоришга берилган сув сизот суви билан бирлашиши, сизот (шўр) сув билан бирга тупроқнинг юза қатламигача кўтарилиши ва сувнинг парланиши таъсирида тупроқнинг юза қатламида туз қолиб кетиши – иккиламчи шўрланиш юзага келиши мумкин.

Буғдой навларининг сувга бўлган талаби ҳам турлича бўлиб, республиканинг жанубий минтақаси оч тусли бўз тупроқлари шароитида буғдой навларининг суғоришга таъсирчанлигини аниқлаш тажрибаларида суғориш сони ошиши билан ҳосилдорликнинг ошиб бориши кузатилди. Ҳосилдорлик андоза “Краснодарская-99” навида ФОН вариантда 31,4 ц/га, ФОН+2 суғориш вариантыда 40,5 ц/га, ФОН+3 суғориш вариантыда 50,6 ц/га, ФОН+4 суғориш вариантыда 57,8 ц/га бўлди (1-жадвал).


Дала тажрибаларида ўрганилган маҳаллий буғдой навларининг иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамлилиги юқорилиги аниқланиб, ФОН+2 суғориш вариантыда навлар ҳосилдорлиги 47-52,2 ц/га, ФОН+3 суғориш вариантыда 56,9-60,3



1-расм. Ўқариқлар оралиғининг сув сарфи ва дон ҳосилдорлигига таъсири.

Суғоришлар сонининг буғдой ҳосилдорлигига таъсири

T/P	Вариантлар	Навлар номи	Ҳосилдорлик, ц/га	Нам тўплаш (ФОН) вариантга нисбатан фарқи, ц/га	ФОН+2 суғориш (ЧДНС 60%) вариантга нисбатан фарқи, ц/га	ФОН+3 суғориш (ЧДНС 70%) вариантга нисбатан фарқи, ц/га
1	Нам тўплаш (ФОН)	Краснодарская-99	31,4			
2		Ғозгон	37,1			
3		Яксарт	38,5			
4		Ҳисорак	37,3			
5		Бунёдкор	36,4			
6	ФОН+2 суғориш (ЧДНС 60 %)	Краснодарская-99	40,5	9,1		
7		Ғозгон	47,0	10,0		
8		Яксарт	52,2	13,8		
9		Ҳисорак	49,1	11,8		
10		Бунёдкор	49,2	12,8		
11	ФОН+3 суғориш (ЧДНС 70 %)	Краснодарская-99	50,6	19,2	10,2	
12		Ғозгон	56,9	19,8	9,8	
13		Яксарт	60,3	21,8	8,1	
14		Ҳисорак	58,0	20,7	8,9	
15		Бунёдкор	59,1	22,7	9,9	
16	ФОН+4 суғориш (ЧДНС 75 %)	Краснодарская-99	57,8	26,4	17,4	7,2
17		Ғозгон	64,6	27,6	17,6	7,8
18		Яксарт	66,3	27,9	14,1	6,0
19		Ҳисорак	64,6	27,3	15,5	6,6
20		Бунёдкор	65,1	28,7	15,9	6,0



2-расм. Ўқариқлар
оралиғининг узоқ олиниши
таъсирида ернинг ортиқча
намланиши.

ц/га, ФОН+4 суғориш вариантыда 64,6-66,3 ц/га ни ташкил этди.

Тадқиқотлардан маълумки, кузги буғдой етиштириш технологияларида тупроқ унумдорлигини ошириш, чиринди ва озуқа моддаларнинг тақчиллиги мувозанатини таъминлаш, тупроқ эрозиясини камайтириш, тупроқда намликини сақлашда органик ўғитлардан фойдаланиш муҳим ўрин тутиши илмий асосланган. Шу-

нинг учун, барча суғориладиган майдонларда суғоришни фақат шарбат усулида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ойбек АМАНОВ, к/х.ф.д., профессор,
Диёр ЖўРАЕВ, к/х.ф.д., к.и.х.,

Ғулomжон УЗАҚОВ, к/х.ф.д., к.и.х.,
Нормўмин ЁДГОРОВ, к/х.ф.д., к.и.х.,
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот
институтини.

ДЕҲҚОН ДАЛАСИДА БАРАКА УНМОҚДА

Сабзавот ўсимликларининг иссиқликка бўлган талабига кўра IV-гуруҳга кирувчи - помидор, қалампирлар, бақлажон, бодринг каби иссиқсевар ўсимликлар ўсиши учун 20-30°C ҳарорат қулай ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда помидор, ширин қалампир, аччиқ қалампир ва бақлажон кўчатларини экишнинг энг мақбул муддати апрель ойи ҳисобланади.

Ушбу иссиқсевар экинларининг кўчатларини етиштириш ишлар феврал ойидан бошланган бўлиб апрел ойида кўчатларининг ёши 40-45 кунлик, илдиз тизими яхши ривожланган бўлади, бўйи эса 18-20 см, барглари 5-7 донани ташкил этади, айнан шу кўчатларни экиш тавсия этилади. Шу билан касалликлардан холи кўчатлар экиш учун танлаб олинади.

Помидор, ширин қалампир, аччиқ қалампир ва бақлажон кўчатларини экиш муддатлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, кўчатлар Республиканинг жанубий вилоятларида: эртаги навлар мартнинг III ўн кунлигида, ўрта ва кечпишар навлар апрелнинг I-II ўн кунлигида; марказий вилоятларда эртапишар навларни апрелнинг I-II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлар эса апрелнинг II-ярмидан бошлаб май ойининг I-ярмигача; шимолӣ вилоятларда эртапишар навлар апрелнинг II-ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг III-ўн кунлигидан то майнинг I-ўн кунлигигача, уруғ билан эса очик майдонга апрелнинг II-ўн кунлигида экилади.



Кўчатларни очик майдонга экишда ҳам уларни ўсув ва мева пишиш даврига эътибор қаратиш лозим. Масалан, помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари кўчати у қадар нишаб бўлмаган далаларда 70x25(30) см, текис майдонларда 90x25(30) см, узун палакли навлар 90x40 см, (140+70)x25см, ширин қалампир эса 70x30 см ёки бўлмаса 90x25 см, бақлажон 70x30(40) см ёки

90x25(30) см схемаларда экиш тавсия этилади.



Очик майдонга кўчатлар экишда, албатта, тупроқ нам бўлиши лозим, кўчатларни экиш ишлари тугатилгандан сўнг, ушбу майдонлар яхшилаб суғорилади.

Помидор тупроқ намлигига талабчан бўлиб, ўсув даври давомида сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳар галги суғоришда 500-600 м³/га ҳисобида ўртача 18-20 мартаба, сизот суви юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-боткоқ тупроқли майдонлар 600-800 м³/га ҳисобида бир оз камроқ 12-15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8-12 ҳосил ёппасига пишиш арафасида 5-7 кунда суғорилади. Ширин қалампир ва бақлажонни ўсув даврида помидорга нисбатан бир оз камроқ суғориш лозим.



Маълумки, ҳар бир сабзавот етиштиришда қўшимча озиқ моддалар билан озиқлантириш талаб этилади. Томатдош экинлар ҳам озиқа моддаларга жуда талабчан ҳисобланади, шунинг учун уларни бўз тупроқли майдонларда (25-30 т/га гўнг берилганда) соф ҳолда 180-200 кг азотли, 140-160 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғитлар билан, ўтлоқи тупроқли майдонларга эса 140-150 кг азотли, 100-120 кг фосфорли ҳамда 80-100 кг калийли ўғитлари билан озиқлантириш бориш лозим. Органик ўғит (гўнг) ва фосфорли ўғитнинг 75% ҳамда калий ўғитини 50% кузги шудгорлашдан олдин солинади. Кўчатларни экишдан аввал фосфорли ўғитнинг қолган қисми ва азотли ўғитнинг 20% ҳамда азотли ўғитнинг қолган 80% иккига тенг бўлиб, биринчи қисмини кўчатлар тутиб олгандан кейин, қолган қисмини эса калий ўғитининг қолган 50% билан аралаштирилиб ўсимликлар мева туғиш даврида солинади.

Помидор, ширин қалампир ва бақлажонни қўшимча озиқа сифатида органик, яъни йирик шохли чорва моллари гўнги (шалтоғи) билан “шарбат” усулида озиқлантириш яхши самара беради.

Оқбош карамнинг ўртаги муддат учун маҳаллий “Тошкент-10”, “Саратони” ҳамда “Термиз-2500” навлари кўчатлари жанубий минтақаларда 10-20 май, марказий минтақаларда 15 апрелдан 1 майгача ва шимолий минтақаларда 1-15 апрелда 70х35(40) см схемада экиш тавсия этилади.



Экилган кўчатлари тўлиқ тутиб олгандан 16-18 кун ўтгач, ўсимликларга комплекс ишлов берилади, бунда ўсимлик қатор оралари 15-16 см чуқурликда юмшатилади, бегона ўтлардан тозалангач, суғорилади.

Юмшатиш билан бирга ўсимлик минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимлик 150 кг азот, 100 кг фосфор, 50 кг калий билан соф ҳолда озиқлантирилади.

Бодрингнинг маҳаллий “Ранний—645”, “Узбекский—740”, “Зиллол”, “Наврўз”, “Ифор”, “Шабнам” сингари серхосил навлари уруғлари республиканинг жанубий минтақаларда 1-15 апрель, марказий минтақа вилоятларида 10-20 апрель, шимолий минтақаларида эса 20-30 апрелда экиш тавсия этилиб, уруғлар 70х30 см, 90х20 см экиш схемада, 4-5 см чуқурликка экилади.

Уруғ сарфи гектарига ўртача 4-5 кг. ни ташкил этади. Бодринг ниҳоллари уруғ палла чиқарганда биринчи, битта чинбарг даврига киргандан иккинчи марта яғаналаш тадбирлари ўтказилади.



Парваришlash ишларида ўсимлик қатор ораларига махсус агрегатлар билан 15-16 см чуқурликда ишлов берилади, ўсимлик атрофини мунтазам юмшатиб, озиқлантириб борилади. Бодрингни озиқлантиришда соф ҳолда 180 кг азот, 100 кг фосфор ва 75 кг калий ўғити бериш тавсия этилади. Ерга асосий ишлов берилганда органик ўғитнинг ҳаммаси, фосфор ва калийнинг 75% солинади. Биринчи озиқлантиришда фосфор ва калийнинг қолган 25%, азотнинг 50%, иккинчи озиқлантиришда азотли ўғитнинг қолган 50% берилади.

Тарвуз, қовун уруғлари республиканинг марказий минтақасида эртаги навлари 15 апрелгача,



ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10-20 апрелда, шимолий минтақаларда эртаги навларни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача экиш тавсия этилади.

Экиш учун қовуннинг маҳаллий эртапишар “Рохат”, ўртапишар “Кўк тинни”, “Суюнчи-2”, “Олтин водий”, “Лаззатли”, “Олтинтепа”, “Кичкинтой”, “Обиновот”, “Гурвак”, “Бўрикалла”, кечпишар “Тўёна”, “Гурлан”, “Амударё”, “Гулоби Хоразмий”, “Зар гулоби”, “Саховат”, тарвузнинг эртапишар “Уринбой”, “Ширин”, “Манзур”, “F₁ Чиллаки”, “Крисби”, “Кримстар свит” навлари тавсия этилади.



Полиэтилен экинлари уруғини экишда қатор оралири 210–280 см. ли кенг эгати олинади. Бу полиэтилен экинлари қатор оралирига тўрт ғилдиракли тракторлар билан ишлов бериш имконини беради. Экиш шакли қовун учун (210+70):2х70, тарвуз учун (270+90):2х70 см. схемада уруғлар 3–6 см чуқурликка экилади. Бунда уруғ сарфи гектарига майда уруғли қовун ва тарвузларда 4 кг ни, йирик уруғли тарвузларда 5–6 кг уруғ ни ташкил этади.

Бамия - бу ноанъанавий экин бўлиб, йилдан-йилга Республикаимизда оммалашаётган сабзавотлардан биридир. Бамянинг 45–50 кунлик 3–4 чинбарг чиқарган ниҳоллар апрель ойида далага ўтказиш учун тайёр бўлади. Кўчатларни 25–30 апрелда, 70×40 см схемада экиш тавсия этилади.

Бамяни бутун ўсиш даврида ҳудудлардаги, об-ҳаво шароити эътиборга олиниб, 2 мартдан 5 мартгача суғориш ўтказилади. Бамяни суғориш меъёри, яъни бир марта суғориш учун бериладиган сув миқдори ва мавсумий суғориш меъёри бутун ўсиш даврида бериладиган сув миқдorigа, иқлим шароити, тупроқ унумдорлиги



ва унинг физик-сув хусусиятлари, ерости суви сатҳининг чуқурлиги, агротехника даражаси ва нав таъсир кўрсатади. Суғориш суви сарфи меъёри енгил (қумли ва қумоқ) тупроқда бамия гуллаунча гектарига 500–600 м³, гуллаш даврида 700–800 м³, ўрта қумоқ тупроқларда гуллашгача 600–700 м³ гуллаш даврида 800–900 м³, бўлиши керак.

Бамяга бизнинг шароитимизда органик ва минерал ўғитлар билан бирга солинганда яна самарали бўлади. Бунда 20–30 тонна гўн, 150–200 кг калий хлор, 230–250 кг аммофос кузги шудгорлашдан олдин солинади. Бўз тупроқларда гектарига азот 120–200 кг, фосфор 140–150 кг, калий 90–100 кг, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботлоқ тупроқларда азот 140–150 кг, фосфор 140–150 кг, калий 100 кг ҳисобида берилади.

Маълумот учун: бамядан озиқавий, иқтисодий ва саноатда фойдаланиш усуллари мавжуд. Истеъмол қилинадиган бамия мевалари таркибида углевод, оксил, мой, темир, кальций, тола, тиамин, никотинамид, рибофлавин ва аскорбин кислотаси мавжуд. 100 г бамянинг пишган уруғлари таркибида 20% гача ёғ ва 20–23% хом борлизин миқдори юқори бўлган протеин ҳамда С витамини мавжуд.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,

Сабзавот, полиэтилен экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.



СОЯ ЭКИНГ, БОЙ БЎЛИНГ

Соё етиштиришида қўлланиладиган агротехник тадбирлар

Дунёда глобал иқлим ўзгариши жараёни ҳамда дунё аҳолисининг сони йилдан-йилга ортиб бориши билан борлиқ аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда турли тупроқ шароитларига чидамли соя навларини экилиши етиштириладиган соя дони маҳсулотларининг кўпайишига олиб келади. Бу, албатта, ўсиб бораётган аҳолининг оқсилли маҳсулотларга бўлган талабини янада тўлароқ қондиришга хизмат қилади. Ҳозирда Республикада суғориладиган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, майдон ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, бир майдондан икки марта ҳосил олиш, каби долзарб вазифалар мавжуд.

Соя дуккакли ўсимлик сифатида барча қишлоқ хўжалик экинлари кузги бошоқли дон экинлари, ғўза, маккажўхори, сабзавот экинларининг барча турлари учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Соя экинини экиш ва ундан мўл ҳосил етиштиришда тупроқ унумдорлиги ҳамда сув таъминоти яхши бўлган майдонларни танлаб олиш, шунингдек, экинни тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ерларга экин экишдан олдин ишлов бериш.

Сояни экишдан аввал тупроққа ишлов беришда майдонни ўтмишдош экин ҳамда бегона

ўт қолдиқларидан яхшилаб тозалаш, текислагич мосламалар билан сифатли текислаш, дала атроф қирғоқларини чизеллаб юмшатиш, экин учун берилиши керак бўлган фосфорли, калийли минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини гектарига соф ҳолдаги фосфор 90 кг ва калий 60 кг миқдорда 100 фоиз берилишини таъминлаш керак. Ҳар бир экин учун фосфорли ва калийли ўғитларни тупроқнинг ҳайдов қатламига кўмилиши ўсимликнинг бу ўғитлардан фойдаланиш самарасини оширади.

Уруғликни экишга тайёрлаш.

Республикаимизнинг тупроқлари таркибида соя ўсимлигига мослашган туганак бактерияларнинг штаммлари мавжуд эмаслиги сабабли соя экинини экишдан аввал, албатта, биоўғит (Нитрогин) билан 1 гектар майдонга сарфланадиган уруғликларга мавжуд биопрепаратнинг биридан сарфланиш меъёрига амал қилган ҳолда ажратилган уруғликларга экиш олдида ишлов берилиши керак, акс ҳолда, соя ўсимлиги илдизда биологик азот тўплашда фаолият кўрсатувчи туганаклар ҳосил бўлмайди.

Уруғликларни биоўғит (Нитрогин) билан ишлов бериш қуйидаги тартибда ўтказилади. Нитрагин билан ишлов беришда қуёш нуридан

панада бўлган жойда биопрепаратни уруғларга бир хилда сепилади ва уруғлар яхшилаб аралаштирилиб, бироз муддат устини мато билан ўраб қўйилади. Нитрагин билан ишлов берилган уруғларнинг ўша куннинг ўзида экилиши тавсия қилинади. Акс ҳолда, бактериялар ўз кучини йўқотиб самара бермаслиги мумкин.

■ Экиш.

Сояни экиш учун энг мақбул муддат тупроқнинг 0-10 см. қатламдаги ҳарорат 12-14 даража бўлганда ҳудудларда энг мақбул экиш муддати ҳисобланади. Соя уруғини униб чиқиши учун 120-130 даража самарали ҳарорат (10 даражадан юқори бўлган) керак бўлади.

Экиш учун 60 см, 70 см қатор орасига соя навлари уруғларининг йирик-майдалигидан келиб чиққан ҳолда гектарига 50-70 кг меъёрда уруғлик сарфланиши, ҳар гектар майдонда ўртача 330-400 минг туп кўчат бўлишини таъминлашга эришилади. Соя уруғларни экишда пневматик типда ишлайдиган сеялкалардан фойдаланиб, уруғни 4-5 см чуқурликка экиш керак.

Асосий майдонларга сояни экиш муддати жанубий минтақалар учун март ойи иккинчи ўн кунлигидан бошлаб-апрел ойининг биринчи ўн кунлиги, марказий минтақаларда март ойи охири-апрель ойининг биринчи ярмида, шимолий минтақаларда эса апрель ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб апрел ойи охирига қадар экишни яқунлаш тавсия қилинади.

Соянинг барча навларида экилган уруғларни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш энг яхши синалган вариант ҳисобланади. Агар соя уруғлар экилгандан сўнг тупроқда намлик етарли бўлмаса, албатта, экилган майдонга енгил уруғ суви берилиши керак. Бунда қўллатмай суғоришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Суғоришда сув қўллаб қолган жойлардаги уруғлар ўз унвчанлик хусусиятини йўқотади. Натижада, экин майдонида кўчат сийрак бўлиб қолишига сабаб бўлади.

■ Қатор орасига ишлов бериш.

Кенг қаторлаб экилган барча қишлоқ хўжалик экинлари сингари соя ўсимлигига ҳам униб чиқгандан сўнг тупроқда ҳаво алмашишини таъминлаш, иссиқлик ва сув ўтказувчанлигини яхшилаш мақсадида қатор орасига культиватор билан ишлов бериш

ўтказилади. Бунда культиватор КРХ-4 ишчи органларининг чуқурлиги камида 10-12 см., ўсимликдан эса 8-10 см. узоқликда жойлаштирилиши ҳамда ишлов бериш жараёнида кесак кўчмаслигига эътибор берилиши керак. Соянинг ўсув даври давомида тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда камида 2-3 марта қатор оралари-га культиватор билан ишлов берилиши талаб этилади.

Бундан ташқари, соя майдонини бегона ўтлардан тозалаш, ўсимлик туплари атрофини юмшатиш мақсадида ўтоқ ва кетмон чопиқ ишлари бажарилиши керак. Тупроқ шароитига кўра сизот сувлари юза жойлашган майдонларда 1 марта чуқур чизеллаш ўтказилиши тавсия қилинади.

■ Озиқлантириш.

Соя ўсимлигидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун маълумотларга кўра, ўртапишар навларга соф ҳолда 90-120 кг азотли, 90 кг фосфорли ва 60 кг калийли ўғитлар берилиши керак.

Соя ўсимлигининг илдизидаги мавжуд туганак бактерияларни ҳаводаги азотни ўзлаштириши фақат уруғларни нитрагинлаб экилгандагина амалга ошади. Соянинг шоналаш даврига қадар биринчи марта азотли ўғит билан озиқлантирилиши керак. Бунда гектарига соф ҳолдаги азот ҳисобида 40-50 кг миқдорида минерал ўғит культиватор ўғитлагич билан ўсимлик қатор орасига 12-14 см чуқурликка берилиши керак.

Сояни иккинчи марта азотли ўғит билан озиқлантириш ўсимлиқни шоналаш-гуллаш даврида ўғитлагич культиватор билан азотли ўғитни соф ҳолда гектарига 50-70 кг миқдорида 16-18 см чуқурликка солинади. Азотли ўғитларни бундан кеч муддатларда берилиши ўсимлиқнинг ўсув даврининг чўзилиб кетишига сабаб бўлади.



■ Суғориш.

Соянинг ўсув даври давомида шоналаш босқичида тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда гектарига ўртача 600-650 м³ меъёрда биринчи марта, гуллаш-дуққаклаш даврида иккинчи марта, дуққаклаш донни тўлишиш даврида учинчи марта гектарига 700-750 м³ меъёрда, соя донини пишиш босқичида намликни сақлаб туриш мақсадида ҳар 15-20 кунда суғориб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Соя экинини дастлабки ўсув даврида, яъни шоналашда суғоришни йўлга қўйилмаса, ўсимлик бўйининг ўсиши секин бўлади. Соя ўсимлигини гуллаш дуққаклаш даврида чанқатиб қўйиш олинадиган дон ҳосилининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади.

Суғоришнинг ўз вақтида амалга оширилиши майдондаги микроиқлимнинг меъёрда бўлишини таъминлайди. Майдонда намлик етишмаганда соя дони майда бўлиб қолиши кузатилади, натижада, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

■ Зараркундаларга қарши кураш.

Соя ўсимлигига ўргимчаккана, шира, оққанот каби сўрувчи зараркундалар ва кузги тунлам, кўсак қурти каби кемирувчи зараркундалар жиддий зарар келтиради. Ўсимликларда зараркунда ва ҳашаротларга қарши курашни уйғунлашган ҳолда биологик ва кимёвий қарши кураш чораларини қўлланилиши керак.

Сўрувчи зараркундаларга қарши олтинқўз имагосини белгиланган нисбатларда ва тартибда соя майдонларига тарқатилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, кимёвий курашда комплекс таъсир этувчи препаратлардан фойдаланиш керак. Комплекс таъсир этувчи препаратлардан фойдаланилганда бир вақтнинг

ўзида сўрувчи ҳамда кемирувчи зараркундаларга қарши курашилади.

Шира, оққанот, тамаки трипсиға, қурт личинкаларини катта ёшга ўтмаганларига қарши қуйидаги “Ваулент” 0,4 л/га, “Индокс” 0,4 л/га, “Индоксамектин” 0,7 л/га, “Римон стар” 0,15 л/га, “Эмафос” 0,8 л/га ва бошқа инсектицид препаратлар билан тунда ишлов бериш лозим. Шунингдек, “Биослип БВ” микробиологик препаратидан 3 л/га қўллаш мумкин.

Юқорида келтирилган кимёвий препаратларнинг бирини (кўрсатилган меъёрларига амал қилган ҳолда) тракторга тиркалган ОВХ пуркагичи билан гектарига 300 литр сув сарфланган ҳолда пуркалиши тавсия қилинади.

Соя ўсимлигига катта зарар келтирувчи ўргимчакканага қарши профилактика учун гектарига 30-40 кг дан олтин гугуртни чанглатиш, зарур бўлган вақтда кимёвий препаратлардан Омайт 1,5 л/га, “Абам экстра” 0,2 л/га, “Ортус” 0,75 л/га, “Флумаит” 0,2 л/га, “Абама супер” 0,2 л/га, “Гексамек” 0,4 л/га, “Вертимайк Дуо” 0,175 л/га, “Химголд” 0,5 л/га миқдорида кўрсатилган препаратларнинг бирини белгиланган тартибда куннинг салқин пайтида ишлов бериш тавсия қилинади.

Кўрсатиб ўтилган тавсияларга тўла амал қилган ҳолда сояни парваришlash агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилганда, ундан сифатли ва мўл ҳосил етиштириш мумкин.

Равшанбек СИДДИҚОВ,

Дон ва дуққакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., профессор,

Абдували МЎМИНОВ,

қ.х.ф.н., лаборатория мудири.



КОНСТИТУЦИЯ — ҲАММАМИЗНИКИ



Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон қишлоқ
хўжалиги ва агротехнология-
лар институти ректори,
қишлоқ хўжалиги фанла-
ри доктори, профессор,
Қорақалпоғистон
Республикасида хизмат
кўрсатган фан арбоби.



Эркин ШАПТАКОВ,
Қорақўлчилик ва чўл
экологияси илмий-
тадқиқот институти
директори,
қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори

Янги Конституция лойиҳасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича алоҳида аҳамиятга эга махсус модда киритилмоқда. Шунинг билан таъкидлаш лозим-ки, Давлат Оролбўйи минтақаси экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриш бўйича модданинг киритилиши мазкур минтақага кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир. Мазкур модда Оролбўйи минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон аҳолиси учун катта ҳисобланишини ҳар бир фуқаро ва халқимиз тўғри тушуниб, Конституцияни тўла қўллаб-қувватлашига чин дилдан ишонаман.



Шунингдек, янгилаётган Конституциямизда «Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга», деган банди ҳар бир олий таълим муассасасининг ўз йўналишлари доирасида энг ривожланган давлатлар таълим технологиялари асосида рақобатбардош, замон билан ҳамнафас, фақат ўз йўналишидагина эмас, балки ҳар томонлама етук, дунёқараши кенг кадрлар бўлиб етиштириш учун тўла имкониятлар эшигини очиб беради.

Қолаверса, янги Конституция лойиҳасида юртимиз аҳолисининг 60 фоизи, аниқроқ қилиб айтганда, 18 миллиондан ортиқ ёшлар масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар учун алоҳида бобнинг ажратилиши тарихий воқеаликдир. Давлатнинг эртанги куни учун, миллат келажиги учун ёшларга эътибор қаратиш энг тўғри йўл, деб биламан. Шунинг учун ҳам барча ходимларимизнинг, талабаларимизнинг бу тарихий ҳужжатни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашига ишончим комил. Чунки Конституция – ҳаммамизники.

Янгилаётган Конституция-мизнинг 49-моддасида “Ҳар ким қулай атроф-муҳит, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриш” белгиланган. Бунда давлатнинг бугунги ва келажак авлод олдидаги бурчи таъкидланмоқда.

Шунингдек, Конституциянинг 53-моддасида “Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади”, деб белгилаб қўйилган. Натижада, илм-фан юксалиб, мамлакат жадал равақ топади.

Шу боис, мен Республикамизда экологик ҳолатнинг яхшиланишига ва илм-фани ривожига бефарқ эмасман. Жорий йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтадиган тарихий референдумда жамоамиз билан, албатта, иштирок этиб, янгилаётган конституция учун овоз берамиз.



ВАҚТДАН ЎЗГАН ИНСОН

Қобилжон Абидов қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллар меҳнат қилиб, билимдон мутахассис, одамларни катта мақсадлар йўлида бирлаштира оладиган ташкилотчи, малакали кадрларни тўғри танлаб, жой-жойига қўядиган ва ходимлар меҳнатини қадрлаб, қўллаб-қувватлайдиган жонкуяр раҳбар бўлиб танилди.

1951 йилнинг 20 апрелида Хонобод шаҳрида таваллуд топган Қобилжон ака 1972 йили Андижон пахтачилик институтини тамомлаб, иш фаолиятини “Андижон сув қурилиш трести”да бошлади.

У Марҳамат тумани ҳамда Андижон шаҳрида биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йиллари саноат, қишлоқ хўжалиги, маданий-маиший, тиббиёт ва таълим соҳасини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Андижон шаҳрининг қайси томонидан кириб келинса ҳам, катта-ю кичик йўлларда баҳордан кузгача гуллар очилиб тургани овоза бўлиб кетди. Мустақиллигимизнинг илк йилларида бу ташаббус кўшни вилоятларга ибрат бўлди.

Қ.Абидов Андижон вилояти ҳоқими лавозимида ишлаган йилларда ғалла билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, дон етиштиришни тизимли ташкил этишга киришди. Бунинг учун аввало уруғчиликни изга солиш, серҳосил навларнинг маҳаллий шароитга мослашувини илмий жиҳатдан ўрганиш, қисқаси, селекция мактабини яратиш зарур эди. Етиштирилган дон ҳосилини тозалаш, саралаш, зараркунандаларга қарши ишлов беришгача бўлган жараёнга Германия технологияси жорий этилди, саккиз жойда уруғлик тайёрловчи «Петкус» русумли универсал технологиялар ўрнатилди. Бу ташаббус мамлакатда ғалла барқарорлигини таъминлашга пойдевор бўлди.

Ўша йиллари пахта мавсуми уч-тўрт ойлаб давом этиши натижасида харажатлар ортиб, даромад камайиши, пахтакорлардан тортиб пахта теримига жалб этиладиган минглаб одамларнинг, ҳатто қишгача далада қолиб кетиши одатий ҳолга айланганди. Қ. Абидов бошчилигида чигитни плёнка остига экиш, пахтанинг эртапишар навларини яратиш, қайта ишловчи корхоналар технологияларини такомиллаштириш ишлари

амалга оширилди. Тинимсиз изланиш ва фидойи меҳнатлар самара берди - август ойидаёқ 40 дан зиёд хўжалик ва айрим туманлар пахта тайёрлаш режасини бажариши, вилоят миқёсида эса сентябр ойидаёқ мўлжалдаги хирмоннинг яратилиши оддий воқеликка айланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун Қ.Абидов 1995 йилда «Меҳнат шухрати» ордени, 1998 йили эса «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ҳамда «Олтин юлдуз» медали билан тақдирланди.

Қ.Абидов нафақага чиққан бўлса-да, меҳнат, изланиш, эзгу ишларга ҳисса қўшишга одатланган инсон сифатида ҳозирги кунда ҳам эл-юрт равнақи йўлида камарбаста. У 2016 йилда Андижон ўрмон хўжалигига раҳбар этиб тайинланганда, хўжалик 2 минг гектар ер майдонига эга бўлиб, йиллик даромади 430 миллион сўмни ташкил этар, 100 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиларди. Адирликлар, дарё ва сой қирғоқларини ўзлаштириш эвазига 2020 йилга келиб ўрмон хўжалигининг ер фонди 10 минг гектарга етди. Ялпи даромад 8,2 миллиард сўм бўлиб, бунинг ҳисобига мустаҳкам моддий-техник база яратилди, доимий ва мавсумий ишловчилар сони 700 нафардан ортди.

– Мен ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини тотган бир инсон сифатида юртимизда қабул қилинаётган янги Конституцияда инсон, унинг кадр-қиммати улуғланаётганини гувоҳи бўлиб турибман ва 30 апрель куни бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этман, – дейди Қобилжон ака. – Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни мазкур тарихий тadbирда фаол бўлишга қаҳраман. Кимки янги Конституция учун овоз берса, у мамлакатнинг фаровон келажаги учун овоз берган бўлади.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.

ИНСОН УЛУҒЛАНАЁТГАН ҲУЖЖАТ



Янги Конституцияга кирган энг муҳим ўзгартиришлардан бири бу 115-модданинг 2-бўлимидаги барқарор иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай инвестициявий муҳит яратиш, ҳудудларни комплекс ва барқарор ривожлантириш бўйича чоралар кўради.

Ўз ватани учун қайғурадиган инсонлар янгиланаётган Конституцияга бефарқ эмаслар. Мен ҳам янги Конституция лойиҳасини ўқиб чиқдим.

Бутун умрим давомида, аниқроғи, 45 йилдан бери олий таълим тизимида фаолият кўрсатиб, талабаларга илм бериб келмоқдаман. Янгиланган конституциянинг 51-моддасига асосан “Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга” бўладилар. Дарҳақиқат, бундай сўзлар биринчи марта конституцияга киритилмоқда.

Бугун мамлакатимиздаги бир қатор олий таълим университетлари ва институтларида академик эркинлик берилмоқда, университетлар қабул квоталарини ўзларининг имконларидан, яъни мавжуд аудитория бинолари, таълим берувчи профессор-ўқитувчилари жамоаси таркибидан келиб чиқиб белгилайди. Олдингидек юқоридан қабул режасини кутиб ўтирмайди, давр талабидан келиб чиқиб, янги йўналишлар очади. Чет эллардаги турдош таълим масканлари билан ҳамкорлик қилади. Ўқитувчиларини чет элларга юбориб уларнинг малакасини оширади ва ҳоказолар. Ўзлари олийгоҳ фаолияти учун керакли бўлган ишлаб чиқариш цехлари, қайта ишлаш корхоналарини очиб,

талабалар билимини амалиёт билан боғлайди.

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалик ходимлари фидокорона меҳнат қилишади. Бу соҳа вакилларининг бош вазифаси – мавжуд экин майдонларидан қўрғоқчиликка чидамли, серҳосил экин навларини тўғри танлаб, янги агротехнологиялардан амалда фойдаланиб, экологик тоза, органик маҳсулотлар етиштириб, республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Унумдорлиги пасайиб, шўрланиб бораётган тупроқлар янада чўллашиб кетишининг олдини олиб, экин майдонларидан оқилона фойдаланиш натижасида айрим тур озиқ-овқат маҳсулотларининг экспортга эришиш натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига эришилади.

Юқоридаги Конституция моддаларида келтирилган аниқ ва қимматбаҳо фикрлар ҳақиқатан ҳам қатор моддаларда мустаҳкамланганлиги ўзгаришлар ва янгиланган замонда яшаётган республикамиз учун конституцияга ўзгаришлар киритилиши тўғри эканлигини кўрсатади.

Дилором ЁРМАТОВА,
профессор.

МАҲАЛЛАДОШЛАРИГА

ЎРНАК БЎЛАЁТГАН ТАДБИРКОР



Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги “Туяқуш тиллолари” оилавий корхонаси раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси Айжомал Ҳайтова озиқ-овқат маҳсулотларининг нечоғлик муҳим эканлигини, айниқса, парранда гўштининг фойдали томонларини инobatга олган ҳолда ушбу корхонани ташкил этган эди.

У дастлаб 2010 йилда “Оқ кўл жозибаси” бройлер-паррандачилик хусусий корхонасини ташкил этиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

2018 йилда Фарғона вилояти Риштон туманидан 15 бош 5 кунлик туяқуш жўжаларини олиб келиб, паррандачилик фермаси ташкил қилди. Кейинчалик туяқуш паррандачилик фермасини янада ривожлантириш мақсадида банкдан 180 млн. сўм кредит маблағлари олиб, 90 бош туяқуш жўжаси олиб келиб, парвариш қила бошлади. Ҳозирги кунда келиб Айжомал опанинг хўжалигида тухум қўядиган 12 бош туяқуш, 13 та хўроз мавжуд бўлиб, бундан ташқари, у ўз назорати остида қўлда очирилган 8 ойлик 6 та туяқуш жўжаларини боқиб парваришлаб келмоқда.

Корхона ҳисобидан яна 4 та оила тўлиқ иш билан таъминланган. Хўжаликда, бундан ташқари, 10 дан ошиқ мавсумий ишчилар ҳам ишлаб келмоқдалар. Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ҳам мавжуд бўлиб, унда бўрдоқига боқилаётган мол, қўй ҳамда тухум берадиган наслдор товуқлар ҳам парваришланмоқда. Шунинг билан бир қаторда, хўжаликда 2 та тухум очириладиган инкубаторда ўрдак тухумини очириш йўлга қўйилган. “Бибизайнаб” маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва А.Ҳайтова биргаликда маҳаллада яшовчи кам таъминланган ва темир дафтарга киритилган оилаларга ўрдак жўжалари тарқатишни режалаштириб туришибди.

А.Ҳайтова изланувчан, интилувчан тадбиркор

бўлганлиги сабабли унинг хўжалиги доимий равишда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими мутахассислари билан ҳамкорлик қилиб, эмлаш ва даволаш ишларини ҳам бамаслаҳат олиб боради.

Айжомал Ҳайтова кўп йиллардан буён амалга ошириб келаётган тадбиркорлик юмушлари, қийналган оилаларга кўрсатаётган ижтимоий ёрдами ён-атрофдаги маҳалладош, ҳамқишлоқ инсонларга ўрнак бўлмоқда. 8 март байрами арафасида давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан у “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

Бахтиёр ЭСАНОВ,
ўз мухбиримиз.

● Президентимизнинг 2023 йил 6 мартдаги “8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабатин билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида биноан кўплаб хотин-қизлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.



Олима аёлларга хурмат ва эҳтиром

Тақдирланганлар орасида «Дўстлик» ордени билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фандари номзоди, катта илмий ходим Екатерина Аян ҳам бор.

У ўзига берилган мукофот ўз ишига янада жиддийроқ ёндашишга ундаганини, зиммасига жуда катта масъулият юклаганини тилга олади.

— Давлатимиз раҳбари кўлидан “Дўстлик” ордени олаётганимда жуда ҳаяжонландим, — дейди Екатерина. — Хурсандман, буни институтимиз жамоасига берилган юксак мукофот, ҳамкасбларимнинг ҳам муваффақияти деб биламан. Мен Ўзбекистон дея аталмиш диёрда яшаб, кадр топдим. Бу хурмат, эҳтиромдан жуда мамнунман. Қолаверса, бу менга жуда катта масъулият юклайди.

— Мени олим-агроном бўлишимни ота-онам кўпроқ исташарди, — дея сўзини давом эттиради ҳикоямиз қаҳрамони. Мен Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида 40 йил ишладим. Кўплаб устозлардан сабоқ олдим. Олимларга эътибор сусайган пайтлари баъзи одамлар кетиб қолди. Шароит яратиб берилгач, қайтиб келганлари ҳам бор. Мен эса институтида қолдим, изландим, селекция бўйича, очиқ далада ва иссиқхонада тажрибалар

ўтказдик. Энг муҳими, бугунги кунга қишлоқ хўжалиги соҳасига, жумладан, илмий тадқиқот олиб борадиган олимларга эътибор кучайди. Изчил ислохотлар ўз самарасини бераётгани учун ҳам муваффақиятларга эришяпмиз.

Лян Екатерина 1981 йилда иссиқхона сабзавотчилиги лабораториясида лаборант вазифасида иш бошлаб, кичик илмий ходим, аспирант, лойиҳа раҳбари, бугунги кунда эса иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири лавозимида меҳнат қилаяпти. Лян Екатерина “Иссиқхоналарда етиштириш учун яроқли помидор, аччиқ қалампир, ширин қалампир, бақлажон, қовун, бодрингнинг юқори ҳосилдор, таъмли, касалликларга чидамли нав намуналарини яратиш” мавзусидаги илмий дастурга ҳамда “Қовуннинг иссиқхонада ўсадиган ҳосилдор ва экспортбоп янги навларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳага раҳбарлик қилиб келмоқда.

Унинг шогирдларидан ёш илмий ходим Жамил Тўраевнинг таъкидлашича, Лян Екатерина шогирдларига жуда талабчан. Уларнинг илмий изланишлари натижасида қовуннинг истиқболли 2 та дурагайи, бақлажон, ширин қалампир, бақлажоннинг 7 та дурагайлари ажратиб олинди. Лян Екатерина помидорнинг 10 ортиқ – Гулқанд, АВЕ-Мария, Субҳидам, F₁Сайхун, Черри Марварид, F₁Турон, F₁Баҳор, черри Умид, черри Янтарный нав ва дурагайлари муаллифи ва ҳаммуаллифидир.

Яратилган нав ва дурагайлар республикаимизнинг деҳқончилик хўжаликларидagina эмас, балки Қозоғистон Республикаси, Россиянинг Қрим, Новгород шаҳарларида, Приморск ўлкасида ва Петров-Павловск ҳамда Камчатка ўлкаларида ҳам етиштириляпти.

“Устоз-шогирд” аънанасига содиқ қолган олиманинг бир шогирди АҚШнинг Калифорния штати, ОХФОРД университети “BAYER” компанияси ходими, яна бир шогирди Тошкент давлат аграр университети доценти, яна 2 нафар докторантга раҳбарлик қиляпти.

Лян Екатерина илмий тадқиқот ишларини олиб боришдан ташқари ҳимояланган майдонларда етиштирилаётган сабзавот экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, қасалликлардан ҳимоя қилиш бўйича етук мутахассис ҳисобланади. У томонидан соҳа бўйича 180 дан ортиқ илмий мақолалар, шунингдек, 7 та тавсиянома ва 1 монография, шулардан 7 таси чет элларда чоп этилган.

Маъмуржон КОМИЛОВ,
ўз мухбиримиз.

Яқиндагина ўтган 8 март айёми арафасида “Дўстлик” орденига муносиб кўрилган чўпон Нурбиби Сариева 1970 йилнинг ёзида Конимех туманида чўпон оиласида дунёга келди. “Қуш уясида кўрганини қилади” деганларидек, ёш Нурбиби ҳам ота касби чўпонлик билан шуғуллана бошлади. Бу касбни танлар экан, у ўзини чўпонликнинг барча қийинчиликларига, иссиқ ва совуқнинг инжиқликларига тайёрлаб борар эди. Ва шундай бўлди ҳам. Опа ва унинг оиласидагиларнинг меҳнат фаолиятига назар ташлар экансиз, уларнинг ҳаммаси ҳам чўпонлик билан боғлиқлигини кўрасиз.



ЧЎПОНЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ВАКИЛАСИ

Нурбиби опанинг ота-онаси ҳам, сингиллари ҳам чўпон, қайнота-қайнонаси ҳам чўпон бўлган ва унинг турмуш ўртоғи Нуркен ака Исмаилов ҳам чўпон.

Нурбиби опа ва унинг турмуш ўртоғи Нуркен Исмаилов ўз фарзандларининг мактабда ва ундан кейинги даврда илм-фан сирларини эгаллашларига имконларида бўлган, қўлларидан келган барча шароитларни яратиб беришди. Бунинг натижасини кўриш мумкинки, уларнинг ўғли Ерғали Идирисов мактабда ўқитувчилик қилаётган бўлса, қизи Бекзат Идирисова тадбиркорлик йўлини танлади. Уларнинг кенжа қизи Акниет

Идирисова эса ҳали мактабда ўқишни давом эттиряпти.

Оила ҳаловатини, хотиржамлигини, тотувлигини Нуркен ака ва Нурбиби опа учун бахт формуласи, дейиш мумкин.

Биз халқимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишига ўзларининг кечаю кундузлик меҳнатлари билан ҳиссаларини қўшишаётган бу чўпонлар сулоласига, хусусан, уларнинг вакиласи ҳисобланган Нурбиби опага давлатимизнинг нуфузли мукофоти “Дўстлик” ордени муборак бўлсин, деб қоламиз.

Бахтиёр АБДУРРАҲИМОВ.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



TOMCHI

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН

SFR ДАСТУРИ ЯРАТИЛДИ

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш, сув ресурсларининг ҳисоби ҳамда мониторингини юритиш бўйича турли хил алгоритм ва компьютер дастурлари мавжуд. АҚШнинг EOSDA Crop Monitoring, Россиянинг СПБУ - Дастурлаштирилган экинларни етиштириш тизими, Украинанинг “Ўсимлик – иқлим – тупроқ намлиги” симуляцион моделлари, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг CropWAT, AquaCrop дастурлари шулар жумласидандир.

Мазкур дастурлар маълумот базалари, онлайн видеокамералар, сув сатҳи ва тезлигини ўлчаш воситалари, ерусти ва ерости сувлари сифати аниқловчи датчиклар, иқлим параметрларини ўлчайдиган асбоблар билан боғланган бўлиб турли алгоритмлар ёрдамида фойдаланувчининг талаби бўйича сувдан фойдаланиш режасини тузиш, сув ресурсларининг ҳисоби ва мониторингини юритишда қўлланилади.

Мамлакатимизда ҳам Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш” миллий лойиҳаси (II-босқич) доирасида портатив SFR дастури яратилди ҳамда сув хўжалиги ташкилотларида жорий қилинди. Дастур таркиби қуйидагилардан иборат:

“База” – компьютер дисплейида акс эттирилмаган дастурнинг бир қисми бўлиб, у икки компонентдан иборат:

“Гидромуль район” компонентида гидромулунинг барча қийматлари вилоятлар кесимида келтирган;

“Суғориш режими” қуйи компонентида асосий экинларни суғориш режимлари тўғрисида маълумот жойлаштирилган.

Фойдаланувчининг мониторида акс этган «Кириш жадваллари» қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув истеъмоли, гидромелиоратив тармоқларининг техник параметрлари ва бошқалар тўғрисидаги дастлабки маълумотларни ўз ичига олган.

“Чиқиш жадваллари” - стандарт SFR жадвалларидан иборат.

Дастур портатив бўлганлиги учун уни электрон почта, Telegram, What's up ва бошқа ижтимоий тармоқлар ёки флешка ёрдамида кўчириш имкони мавжуд.



Дастур қуйидаги афзалликларга эга:

- 1 маълумотларни фойдаланувчилар орасида энг қулай усул (электрон почта, Telegram, What's up ва бошқа ижтимоий тармоқлар ёки флешка) ёрдамида тезда ўзаро алмашиш;
- 2 киритилган маълумотларда камчилик ёки хато бўлган шароитда тажрибалироқ фойдаланувчи томонидан таҳрир қилиш;
- 3 ягона алгоритм бўйича ҳисоблар олиб бориш, сув ресурсларининг горизонтал ва вертикал бошқарувини таҳлил қилиш;
- 4 замонавий сув тежовчи технологияларни қўллашда SFR ҳисобини юритишда ҳудуд бўйича ягона ёндашувни шакллантириш имкониятини беради.

Дастур портатив бўлганлиги учун уни электрон почта, Telegram, What's up ва бошқа ижтимоий тармоқлар ёки флешка ёрдамида кўчириш имкони мавжуд.

Шунингдек, SFR бўйича маълумотлар алмашишни янада осонлаштириш мақсадида тайёр ҳисоботлар ҳажми кичик бўлган махсус файл сифатида хотирага олиниб, ушбу файлни бошқа компьютерларда SFR дастури ёрдамида очиш мумкин.

“Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш” миллий лойиҳаси (II-босқич) доирасида SFR дастурининг онлайн версияси бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Унинг такомиллаштирилиши чекланган сув ресурсларини мақбул ва шаффоф тақсимлашда имкониятларни кенгайтиради.

Рустам МУРАДОВ,
Биродаржон БУРХОНЖОНОВ,
Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик
агентлиги мутахассислари.

ҚАШҚАДАРЁЛИК СУВЧИЛАР 860 МИНГ ТУПДАН ЗИЁД КЎЧАТ ЭКИШДИ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятидаги барча сув хўжалиги ташкилотлари томонидан канал, ариқ, гидрост, гидротехник иншоотлар ва хизмат уйлари атрофларида манзарали ҳамда мевали дарахт кўчатларини экиш, кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди. Ҳозирда бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, янги кўчатларни суғориш, парваришлашга эътибор қаратилаяпти.

– Дарахт экиш бўйича ўтган йилнинг куз фасли ва жорий йилнинг баҳор мавсуми давомида сувчилар томонидан 860 минг тупдан ортиқ кўчатлар ўтқазилди, – дейди Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Азиз Турсунов. – Шундан 313 минг туп мевали ҳамда 144 минг туп манзарали дарахт кўчатлари, 72 минг туп терак қаламчалари, 144 минг туп тут, 119 минг туп тол ҳамда 68 минг туп жийда кўчатларидан иборат. “Яшил макон” бўйича тадбирлар вилоятдаги барча сув хўжалиги ташкилотларини қамраб олди.

Аму-Қашқадарё ИТХБ матбуот хизмати.



САМАРА БЕРАЁТГАН ИЛҒОР УСУЛ

Жиззах вилоятида бундан икки йил аввал 4 та лойиҳа доирасида 10 та насос станцияси, 22 та сугориш қудуқлари ва машина-каналлари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инвесторлар ихтиёрига ўтказиб берилган эди. Мана, орадан маълум муддат вақт ўтди.



Ҳақли савол туғилади: хўш, сув иншоотларидан унумли ва оқилона фойдаланиш мақсадида амалга оширилган ушбу чора-тадбирларнинг самараси қандай бўлмоқда?

Тўғриси, бу иш ташаббускор сармоядорлар учун ҳали “очилмаган кўриқ” мисоли эди. Чунки инвестор ким – у бирон-бир ишдан фойда кўришни истаган тадбиркордир. Қандайдир насос станциясини ўз ҳисобига олиб, бу ишдан даромад кўриш эса, ҳар қандай ишбилармоннинг ҳам режасига мос келмаслиги аниқ. Масалан, Жиззахда жорий этилиши кўзда тутилган ва умумий қиймати 244 миллиард 428 миллион сўмни ташкил этган лойиҳаларда дастлабки икки йилнинг ўзидаёқ ташаббус эгаларидан 9 миллиард 343 миллион сўм инвестиция киритилиши талаб қилинади.

Хуллас, шу каби қатор залворли шартларга қарамасдан, жиззахлик “ДХШчилар” прогноз-режаларни уддалашди. Улар соҳага 2021 йилнинг ўзидаёқ 758 миллион сўм, 2022 йилда эса, 8 миллиард 585 миллион сўм инвестиция киритишга муваффақ бўлдилар. Бунинг устига, насос станцияларини реконструкция қилиш, эскирган насос агрегатларини янгисига алмаштириш борасида ҳам эътирофга лойиқ натижалар қайд этилди.

– “Оқтош” насос станциямизни тўлиқ реконструкция қилиб, 3 та насос агрегатини янгилашга эришдик, – дейди “Ғаллаорол” хусусий қурилиш-таъмирлаш корхонаси бош муҳандиси Ҳамидулла Ҳайитбоев. – 20 фоизгача электр энергияни тежашнинг уddасидан чиқаётганимизни ҳам ижобий ишларимиз қаторига қўша оламиз.

Янгича усулда ишлаётган мутахассиснинг ўз сўзларига қўшимча қилиб айтишича, бугун ушбу корхонада 60 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Аҳил жамоа ўзига тегишли барча насос станцияларини янги вегетация мавсумига муддатидан олдин шай қилиб қўйибди.

Қисқа муддат ичида ана шундай яхши натижаларни қўлга киритган Зарбдор туманидаги

“Насосчилар чорваси”, Зомин туманидаги “Мега савдо ФМС” масъулияти чекланган жамиятлари, Янгиобод туманидаги 22 та мелиоратив қудуқни ўз тасарруфига олган “Эгамов Ашурали” фермер хўжалиги вакиллари ҳам иш юритишнинг илғор усулига ўтиб, тўғри йўл танлаганликларига шубҳа қилишмайди.

– Биринчи “қалдирғоч” ташаббускорларнинг давлат-хусусий шериклик асосида иш юритишга ўтиб, муваффақият қозонаётгани бошқа тадбиркорларга намуна бўлмоқда, – дейди Сирдарё-Зарафшон ИТХБнинг ДХШ лойиҳаларини шакллантириш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Шоҳруҳ Муртозаев. – Айни пайтда Мирзачўл ва Дўстлик туманларидаги 4 та канал, 19 та мелиоратив қудуқларни илғор усулга ўтказиш учун барча лойиҳа ҳужжатлари тайёр бўлган. Тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосаларини олганданок, ушбу режаларни амалга оширишни ҳам бошлаб юборамиз...

Халқимизда “Қовун қовунни кўриб ранг олади”, деган нақл бор. Жиззах вилоятидаги илк сув иншоотларининг давлат-хусусий шериклик тамойилида фаолият юритишга ўтиши ва бу ишнинг яхши самара бераётгани кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Жумладан, Шароф Рашидов ва Пахтакор туманлари ирригация бўлимлари тасарруфидаги объектлар, Бахмал туманидаги 3 та насос станциясини хусусий-шерикларга бериш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: “Ғаллаорол” хусусий қурилиш-таъмирлаш корхонасига қарашли насос станциялари бугун мана шундай кўркам тус олган.

АМУДАРЁДАН ЭСГАН САБОЛАР

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани 1927 йилнинг 3 июлида ташкил этилган бўлиб, 1962 йилда Тўрткўл туманига қўшиб юборилади. 1964 йил декабрда эса у яна қайта тузилган. Туман Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган Эллиққалъа, Қораўзақ, Тахтақўпир туманлари билан, жануб томонидан Хоразм вилояти билан чегарадош. Аҳолиси сони 296000 кишидан иборат. Шимол томонида Қизилқум чўллари, ғарбий қисмида Султон Увайс тоғи жойлашган. Жанубий томонидан Амударё оқиб ўтади. Оқчақўл, Амиробод қўллари, Бўз-ёп канали мавжжуд. Амударёдан Шимом-ёп, Қозоқ-ёп, Бештом, Найман каналлари чиқарилган. Ҳозир туманда Найман-Бештом насос станцияси ишлаб турибди.

Туман ирригация бўлими тасарруфида 22 та канал бўлиб, уларнинг жами узунлиги 323,2 км.га тенг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги қарори асосида “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.



— Бу лойиҳа асосида туманда суғориладиган ерларда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, каналларнинг фойдаланиш иш коэффицентини кўтариш, Амударёдан сув кўтариб бераётган Беруний насос станциялари бошқармаси ҳисобидаги насос станциялари ва фермер хўжаликлари ҳисобидан 400 дан ортиқ насос агрегати тўхтатилиб, электр энергияси ва фойдаланиш харажатларини иқтисод қилиш кўзда тутилди, — дейди Беруний тумани ирригация бўлими бошлиғи Жасур Эшчанов.

Юқорида айтилган лойиҳа доирасида тумандаги жами 217 км. узунликдаги 12 та хўжаликлараро каналларни реконструкция қилиш учун Жаҳон банки томонидан 30 млн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча маблағ ажратилган. Жумладан, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ хўжалиғи ва аҳоли ерларини сув билан таъминловчи Бештом каналининг

23,4 км, Қозоқёп каналининг 38,4 км, Найман каналининг 23,5 км. узунликдаги қисми реконструкция қилиниши натижасида сув келиши оғир бўлган ҳудудларнинг таъминоти яхшилانган.

Бугунги кунда ирригация бўлимининг маъмурий биноси ҳам шинам ва ораста иш масканига айланди. Бинони тубдан реконструкция қилиш учун 1 млрд. сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Бу ерда 109 та ишчи-ходим меҳнат қилади. Бўлимдаги биринчи тоифали муҳандис-гидротехниклар Баҳодир Бойбўсинов, Гулимбай Умирбаев, Аҳмад Аханов, Ботир Кенжаев, Жўрабек Аллашевларни ўз ишининг фидойилари деб айтса, тўғри бўлади. Бўлимнинг “Махсус хизмат” гуруҳида 23 ходим меҳнат қилади. Бугунги кунда унинг 13 та бош гидроучасткаси бошлиғи ҳудудлараро назоратни кўлга олиш ва фермер хўжаликлари сувини ҳисоб-китоб қилиш ишларини бажармоқдалар.

Бўз-ёп каналининг жами узунлиги 65 км. бўлиб, реконструкция ишларидан кейин қолган 16,29 км. қисми Шимом-ёп ва Қозоқ-ёп каналларига қўшиб юборилади. Бўз-ёп каналининг 5 км. қисмида бетонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Март-апрель ойлари деҳқон ва сувчилар ҳаётида ўзига хос масъулиятли давр ҳисобланади. Деҳқон баҳори, сувчи нигоҳини тўлдиргувчи кўклик муҳаббати ҳар биримизга муборак бўлсин. Кузга замин ҳозирловчи эл фарзандлари ниятларига етиб яшасинлар!

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) ишчи-ходим Рашид Қозоқов, “Махсус хизмат”нинг шартнома бўйича бош мутахассиси Зафарбек Шомуротов, туман ирригация бўлими бошлиғи Жасур Эшчановлар сув йўллари харитасига нигоҳ ташламоқдалар;

САБОТЛИ МЕҲНАТ – ТЎКИНЛИК ОМИЛИ

Ғалла – халқимиз ризқ-рўзи, фаровонлиги омили саналади. Шу боис, ҳар мавсум дон етиштиришда ғалла майдонларини озиклантиришга, агротехник тадбирларни кечиктирмай, ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиб келинади. Айни кунларда Булунғур туманида баравж ўсаётган ғаллани кўриб кўзингиз қувнайди. Майсанинг ҳозирги ҳолатиданоқ ҳосил чўғини чамалаш мумкин ва бундан тумандаги фермерларнинг кўнгли тўқ.

“ — 2022-2023 йил ғалла ҳосили учун дастлабки ишларимизни ғалла майдонларини тайёрлашдан бошлаган эдик. Экин ва ундан кейинги жараёнларни ҳам барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб бордик. Бугун кўм-кўк бўлган майсадан умидимиз катта, — дейди “Баҳор” фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Халилов.



Суратда:
(чапдан) Фермер Саъдулла Халилов ва
ҳудуд ММТП раиси Бахтиёр Эрназаров



Суратда:
(чапдан) Фермерлар Аҳмад Абдужалилов
ва Абдумўмин Бердиназаровлар

“ — Хўжалигимизда аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, уруғ ерга қадалгандан бошлаб, агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бормоқдамиз. Бу борада туман ирригация бўлими томонидан ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, унинг исроф бўлишига йўл қўймаслик мақсадидаги тадбирлар олиб борилди. Бугун барча қилган меҳнатларимиз самараси бўлган ғалламизнинг авжи яхши. Гектаридан камида 70 центнердан ҳосил олишни кузлаб турибмиз, — дейди “Ҳоликхон далалари” фермер хўжалиги раиси Аҳмад Абдужалилов.

Дарҳақиқат, тумандаги фермерлар эрта баҳордан ғаллани ўғитлаш, суспензия сепиш, суғориш каби тадбирларни ўз вақтида бажараётгани бўлажак мўл ҳосил омили бўлиб турибди.

Шунингдек, тумандаги “Небўса Туронбой даласи” фермер хўжалиги аъзолари ҳам бу йилги меҳнат маҳсули бўлган майса авжидан илҳомланиб, янада шижоат билан агротехник тадбирларни олиб боришмоқда. Фермер хўжалиги раҳбари Абдумўмин Бердиназаров жорий йил ғалланинг ҳар гектаридан 60-70 центнердан ҳосил олишни кўзлаб турибди.

Албатта, нон ўзбекнинг дастурхони кўрки бўлгани ҳолда, унинг хомашёси ҳисобланган дон етиштириш миришкорларимизнинг ҳар йилги саботли вазифаси бўлиб, унинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган бободехқонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эрта ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади, деб умид қилиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

Сўнги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, тармоққа бозор механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада хўжалик юретишининг янги шакллари бўлган агрокластерлар ҳамда кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги бирлашмалари тузилмоқда. Туманларда ташкил этилаётган ғаллачилик кластерлари ҳам ана шу тамойилга асосланган лойиҳалардан бири.



ҒАЛЛАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Навоий вилоятида ҳам ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, дон етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ғаллачилик кластерлари ташкил этилмоқда.

Навбаҳор туманидаги “Сарой уни” ғаллачилик кластери ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин аллақачон истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мазкур кластер бугун тумандаги 214 та фермер хўжалиги билан шартнома имзолаб, ҳамкорликда 8 минг 400 гектар майдонда ғалла етиштирмоқда. Айни кунларда кластер хўжалигининг далаларида баравж ўсаётган ғалла — бўлғуси мўл ҳосил бўй кўрсатиб турибди.

— Ғаллачилик кластери ташкил этиб, Туркия технологияси асосида кунлик қуввати 60 тонна бўлган ун заводини ишга туширдик ва шу билан 100 нафардан зиёд аҳолини янги иш ўринлари билан таъминладик, — дейди мазкур кластер иш бошқарувчиси Азиз Қурбонов. — Ҳозирги кунда чорва молларига озуқа сифатида омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзлаб турибмиз. Мақсадимиз амалга ошиши билан яна 20 нафар одам ишли бўлади. Бугунги долзарб вазифамиз ғалла парвариши агротехник тадбирларини оби-тобида олиб бориш. Яқин келажақдаги вазифамиз эса бошоқли дон экиладиган майдонларимизда сувни тежайдиган, инновацион технологияларни жорий этиш, кластер хўжалигимизда ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳосилдорликни оширишни йўлга қўйиш.

Дарҳақиқат, бу каби ғаллачилик кластерларининг фаолияти фермер хўжаликларида қўшимча агротехник тадбирларни ўтказишга талаб этиладиган маблағларни етарли миқдорда йўналтириш орқали юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлашга, моддий манфаатдорликни ва самарадорликни оширишга замин яратади. Шу билан бирга, маҳсулотни қайта ишлаш орқали қўшимча иш ўрни яратишига ва нарх-наво барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Нурота пистазорлари



Суратда: Нурота Давлат ўрмон хўжалиги аъзолари

Ўлкамизнинг иқлим шаронтига мос, тоғ ва тоғолди ҳудудларда етиштириладиган писта меваси хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Маълумотларга кўра, писта дарахти минг йилгача ҳосил беради. Унинг қурғоқчиликка чидамлилиги ҳам қулай. Айниқса, сув чиқиши қийин бўлган ҳудудларда писта боғлари яратиш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда бугун На-
воий вилояти Нурота
туманида Юртбошимиз
ташаббуси билан амалга
оширилган лойиҳа асоси-
да Нурота Давлат ўрмон
хўжалигининг «Чуя» ва
«Сентоб» ҳудудларидаги
4000 гектардан ортиқ май-
донларида писта кўчатлари
етиштирилмоқда.

Мазкур писта плантация-
лари такомиллашган техноло-
гиялар асосида барпо этилган
ва ушбу технологияда экилган
писта 7-8 йилда ҳосилга

киради. Унинг бир тупидан
1,5-2 килограмм ҳосил олиш
мумкин. Ҳозирда писта
кўчатлари билан бирга улар-
нинг орасига қурғоқчиликка
чидамли ва экспортбop
коврак ўсимлиги экилмоқда.
Маълумот ўрнида қайд этиш
лозимки, писта дарахти тоғ
ён-бағирларини емирилишдан
сақлайди, сувсиз жойларда
ҳам мева беради, баргидан
илдизига қадар инсон сало-
матлиги учун фойдалидир.
Шу билан бирга, хандон писта
юқори диетик маҳсулот бўлиб,

унинг мағзида 49 фоиздан
60 фоизгача ёғ, 15-20 фоиз
оқсил, 3-8 фоиз қанд ва бошқа
микроэлементлар мавжуд. Шу
сабабдан ҳам меваси нафақат
ички, балки жаҳон бозорида
ҳам юқори баҳоланади.

Демак, яхши парвариш,
меҳнат билан Нурота тумани
адирларида бўй чўзаётган
ниҳоллар бир неча йиллардан
сўнг серҳосил дарахтларга ай-
ланиб, меваси жаҳон бозорига
чиқишига шубҳа йўқ.

Ўз мухбиримиз.

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ...



Суратда: “Зарнигорой-Вазираой” фермер хўжалиги раҳбари Машраб Маҳмудов.

“

— Экин далалари-мизда ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Ғалладан ташқари, эр-таки картошка, сабзи ва экспортбop маҳсулот саналган гулқарам етиштиришни йўлга қўйганмиз. Баъзи далаларда ҳали деҳқончилик бошланмасдан биз плёнка остига кўчатларни етиштирамиз, шу аснода эртачи маҳсулотимизни май ойидан бошлаб, бозорга ва экспортга чиқарамиз. Хўжалигимиз аъзолари билан қилаётган тинимсиз меҳнатимиз асосида хўжалигимизнинг даромадини оширишга эришяпмиз, — дейди фермер Машраб Маҳмудов.

”

Утаётган ҳар бир йил юртимизда деҳқончилик маданияти яхшиланишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг кўпайишига, ерлар унумдорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Бугунги деҳқон ўзгача, унинг ерга бўлган муносабати кундан-кунга тубдан ўзгармоқда ва у ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, дастурхонларимизнинг обод, бозорларимизнинг тўкин бўлишига ҳисса қўшяпти.

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги фермерлар ҳам ерни қадрлайдиган уста миришкорлар ҳисобланади. Аҳамиятлиси, бугун тумандаги қай бир фермер даласига борманг, бирор қарич ернинг бўш турганини кўрмайсиз. Туман фермерлари нафақат ерни, балки томчи сувни ҳам қадрлайдиганлардан. Тумандаги “Зарнигорой-Вазираой” фермер хўжалиги раҳбари Машраб Маҳмудов 49 гектар ерда деҳқончилик қилиб келади. Шундан 26 гектар ғалла, 10 гектар ток, 2 гектар тут ва қолгани полиз экинлари. Эътиборли жиҳати, фермер

хўжалиги далаларида бугун униб чиққан илк ҳосил нишонлари бўй кўрсатиб турибди ва кейинги ойда бозорларга сабзи, қарам, картошка чиқиши кутилмоқда.

Албатта, юртимизнинг ҳар бир қарич ери бебаҳо. Унда меҳнат қилган киши кам бўлмайди, ўз ризқини топади. Машраб Маҳмудов сингари ер билан тиллашадиган уста миришкорлар меҳнати сабаб, бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари сероб бўлади, янги иш ўринлари яратилади, иқтисодиёт равнақ топади.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДАГИ ШИЖОАТ

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасининг асосий бўғини — фермер. У ер эгаси, у мулкдор.

Фермерларнинг ютуқлари замирида уларнинг шижоати мужассам. Улар мамлакатимизнинг пахта-ғалла хирмониغا ўз ҳиссасини қўшибгина қолмай, бошқа соҳаларда ҳам янгиликка интилаётганлардан десак, хато бўлмас.

Фермерлари оқилу-доно, қайсар, ўрни келганда фидойи-жонқуяр. Мулкдорман деб гердаймайди, ерга бўлган меҳри бошқача. Ахир, ер бизни тўйдирадиган, кийдирадиган манба, ундан фойдаланиш асосий вазифамиздан биридир дейишади жиззахлик фидойилар.

Азалдан менга дилдош бўлган Дўстлик тумани заҳматкашлари билан учрашгим келди. Туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Жаҳонгир Шарипов билан маслаҳатлашиб, ушбу тумanning илғор фермерларидан бири, “Олмос Гамбой” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамза ака Ботиров билан буғдой пайкаллари оралаб, майсаларга маҳлиё бўлиб дилдан суҳбатлашдик. 2000 йилдан буён фермер мақомини олган Ҳамза ака ер билан тиллашиб, ўзгача иштиёқ билан иш бошлаганлардан.



Суратда: (чапдан) Дўстлик тумани қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Жаҳонгир Шарипов ва “Олмос Гамбой” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамза Ботиров

Ерни обдон ўрганиб чиқди, маҳаллий ўғитлар билан чиниктирди. Қачон қандай ишлов бериш йўллари уста бободехқонлардан ўрганди, илмий китоблардан фойдаланди. Қарабсизки, бугун энг илғор фермерга айланди.

Алмашлаб экиш ҳам ерни тоблайти, чиниктиради, — дейди Ҳамза ака, — қолаверса, бегона ўтлардан тозалаш ҳам ҳосилдорликнинг

ошишига ёрдам беради. 2022 йили 60 гектар ер майдонидаги пахтадан 41 центнердан, 40 гектардаги ғаллазордан 75 центнердан ҳосил йиғиб, режаларни ортиғи билан бажардик. Ер майдонининг атрофини ҳайдаб, юмшатиб, ниҳол кўчатлар эдик. Хуллас, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланяпмиз.

Ўн минг туп терак, 1,5 гектар майдонда турли хил мевали боғ, 300 бош товуқ, 120 қути асаларилар, 25 бош соғин сигир, 200 бош қўй ҳам фермерга қарашли бўлиб, даромаду буромад ҳам шунга яраша. — Ўғлим Ҳусниддин чорвачиликни бошқаради, иккинчи ўғлим Нуриддин иш юритувчи, кенжатоимиз Акмалжон техникаларни назорат қилиш билан бирга ҳисоб-китобни ҳам жой-жойига қўяди, — дейди Ҳамза ака. — Хуллас, оилавий бирлашиб, маслаҳатлашиб дала ишларини юритяпмиз. Ахир, айтишади-ку, аҳилликда, бирликда барака бўлади деб.

Ғаллаоролликлар ҳам менга бегона эмас, кўп бор уларнинг ҳузурида бўлганман, оромбахш булоқ сувларидан ичганман, кўнгилга хуш ёқувчи гўзал қир адирларидан ором олиб, баҳор фаслида полазорларини кезиб чавандозлару, чўпонлари билан дилдан гурунглашганман. Хуллас, самимиятни дилга жо қилган дала фидойилари ҳақида ҳўп ва кўп ёзганман.

Бу гал ҳам эски кадрдонлардан бири бўлмиш “Шодмонбек” фермер хўжалиги раҳбари Ортиқбой Шодмонқулов билан бир пиёла чой устида гурунглашдик.

— Ҳар бир инсон, у ким бўлмасин, халқини, Ватанини севмоғи керак, — дейди Ортиқбой ака. — Шундагина обрў-эътибор топади, Аллоҳ ёрдамида юксалади, режалаган ишларини бажаради, бой-бадавлат бўлади. Айрим ғаламисларнинг баъзи гапларини эшитиб, хафа бўлиб кетаман. Бирор ишни кўнгилдагидай бажара олмайди-да, раҳбарларга, халқига тош отади, гўёки, у билимдон, зўр эмиш-да.

Бекорчи, бефойда гапларни эшитмай, фақат олға интилиб, бор меҳрини ерга бахшида этиб тонналаб ҳосил олаётган Ортиқбой ака 335 гектар лалми майдонининг 160 гектарига буғдой экиб, 20 центнер ҳосил йиғиб олибди. 600 миллион сўм даромад топибди.

150 бош қўй, 40 бош бўрдоқчиликка атаб боқилган моллар учун лалми ерларидан ўтўланлар йиғиб олган.

Даромаддан 300 ўринли чойхона, катта юк машинаси бинонинг томига 5 киловаттли қуёш панеллари ўрнатибди.

Келажақда 2 гектар ерга павловния дарахт кўчатларини экиб парваришламоқчи.

Туман кенгаши депутати, “Қашқарбулоқ” қишлоқ фуқаролар йиғини раисига нуронийлар бўйича маслаҳатчи, “Саховат ва кўмак” ва бошқа кўрак нишонлари соҳиби.

Ортиқбой ака ҳақида ёзсак, қоғозларга сиғмайди. Республикаимиздаги барча фермерларнинг ғайрат-шижоатларининг сахий-саховатли қалбининг намунаси у.

— Пандемия даврида камбағал, ночорларга 60 миллион сўм пул тарқатдик, айтиш ноқулай, аммо фақат ўзларини ўйловчи айрим бойваччаларга ўрناق бўлса деб гап-ряпман-да, — дейди фермер.

“От ўрнини той босар” деганларидай, ўғиллари Шоҳобиддин, Жамолжон, Жавлон оталаридай меҳнаткаш, тарбияли бўлиб улғайибди. Ҳар бирининг ўз иши, ўз вазифаси бор. Асосийси, эл суйган фарзандлар. Ҳавас қилса, арзийди.



Суратда: (ўнгдан) Ғаллаорол тумани “Шодмонбек” фермер хўжалиги раҳбари Ортиқбой Шодмонкулов ва ўгли Жавлонбек Шодмонкулов

Мирзачўл туманида ҳам илғор, саховатли фермерлар бисёр. Ушбу туманнинг “Холосов Холос” фермер хўжалиги раҳбари Аббос Наврўзов туячилик йўналишида фаолият олиб боради.

2018 йил 30 бош туя билан иш бошлагандик. Айни кунда 138 бошга етди. Туянинг сути турли хил беморларнинг соғлигини тиклашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Аббос ака. — Айниқса, жигар касаллигида, қандли диабетда, қоидаларга амал қилиб ичиб турилса, бутунлай соғайиб кетиши мумкин.

Барча қулайликларга эга, дам олиш ором-гоҳида бир ойда 100 нафар бемор дам олиб,

шифо топиб кетиши мумкин. Жойида туяларни соғибоқ беморлар иссиқ ҳолда ичсалар кони фойда экан. Аввало, Худодан, қолаверса, унинг беминнат хизматида хурсанд, соғайиб кетаётганларни кўриб, биз ҳам мамнун бўлдик. Хайрли, савобли фаолиятига омад тиладик.



Суратда: Мирзачўл тумани “Холосов Холос” фермер хўжалиги раҳбари Аббос Наврўзов

Мирзачўл туманидаги соғломлаштириш бораида қилинаётган савоб ишлардан қувониб, беморлар билан хайрлашиб, Бахмал тумани томон йўл олдик.

Бахмал туманининг ҳам мақтаса арзигулик фермерлари борлигини сафар фаолиятида кўп кузатганман. Ҳеч иккиланмай, баҳорий кайфият билан қадри баланд қадрдонлар томон ошиқдим.

Туман раҳбарлари “Олмос” фермер хўжалиги раҳбари Шермат Каримовнинг фаолиятини ёзишимни тавсия қилишди. 100 гектар лалми ерининг 50 гектари ғалла майдонидан иборат бўлиб, унда буғдой кундан-кун бўй чўзиб, далаларни яшилликка айлантирмоқда. 20 гектари беда, 30 гектари озуқабоп экинлар бўлиб, агротехник ҳолатларга амал қилганлиги боис ривожланиш авжиди. 50 бош қорамол, 150 бош қўй-эчки, 6 бош отни ҳам рацион асосида парваришламоқда. Ўғиллари Аъзамжон, Зафарбек, Учқунжонлар оталарига доимо ҳамроҳ, кўмакчи.

Ишнинг осон-енгли йўқ, фақат, онгли бошқара олишда, — дейди фермер. — Билмаса, ўрганмоқ керак. Сўраганнинг айби йўқ, ёшларга маслаҳатлашиб, меҳнатдан қочмай, изланинг, доимо олға қадам қўйинг, яхши ният билан иш бошласангиз, албатта, ютуқларга эришасиз, дейман.

Қалби дарё, шижоатли дўстларим, ҳорманг энди.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
ўз мухбиримиз.

Юртимизнинг қайси вилоятида бўлманг, у ердаги ўзгаришлардан кўнглингиз яйрайди, халқимизнинг ғайрат ва шижоат билан баҳорни қаршилайётганига амин бўласиз. Тошкент вилояти миришкорлари яхши ниятлар билан деҳқончилик йилини бошлаб юборишди. Дала фидойилари ҳалол пешона тери билан топаётган даромадини яшириб ҳам ўтирмайди, хўжалиги аъзоларининг бахти, келажаги учун аямай сарфлашади, борини баҳам кўришади.

Вилоятнинг Ўрта Чирчиқ тумани деҳқонлари ҳам юртимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлардан, қишлоқ хўжалиги ҳам барча соҳалар қатори замон билан ҳамқадам ривожланаётганлигидан қувониб, янада яхшироқ ишлашга, астойдил меҳнат қилишга бел боғлаганлар Улардан бири ушбу туманнинг “Ўрта Сарой агро инвест” фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Тошхўжаев тиним билмас дала заҳматкашларидан. Унинг туман аҳлига намуна бўлаётган кўп йиллик фаолияти ҳақида олдин ҳам эшитганмиз. Менга ҳамроҳлик қилган туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муҳиддин Муродов қаҳрамонимиз ҳақида илиқ сўзларни кўп бор такрорлади:

— Ҳар йилги пахта ва ғалла режаларини ортиғи билан бажариб келаётган А. Тошхўжаев 2022 йилда ҳам 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 41 центнердан, 80 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан эса 66 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиб,

ЯХШИ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

туманда пешқадамлар сафидан жой олгани бор гап. Ўғиллари “кексалик гаштини суриб” уйда ўтиринг, дея ҳоли жонига қўйишмайди. “Мен уйда ўтирсам касал бўлиб қоламан, умр бўйи далада юрдим, тупроқ тафтидан куч-қудрат оламан”, дея жавоб беради Абдулла бобо.



Суратда: (ўнгдан) Ўрта Чирчиқ туманидаги “Абдулатиф агро” номли фермер хўжалиги раҳбари Абдумавлон Қўлматов, Сағдуллохўжа Абдуллахўжаев ва туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муҳиддин Муродов

Ота меҳнатига ҳавас билан боқувчи фермерлар туманда бисёр. Ушбу туманнинг “Абдулатиф Азим агро” фермер хўжалиги раҳбари Абдумовлон Қўлматов ҳам меҳнат қилиб чарчамайдиган, изланувчан фермерлардан.

Ўтган йили 54 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиб олган бўлса, 80 гектар ғалла майдонининг гектаридан 65 центнердан хирмон кўтарибди. “Устоз отангдай улуғ” дейишади. Устозим Абдулла ака

ўғитларига амал қилиб, кам бўлмадим, бир неча бор туман раҳбарларидан мукофотлар олдим. Келгусида ўзимни балиқчиликда ҳам синаб кўрмоқчиман. Ўғлим Абдуазим менга ёрдамчи”, дейди у.

Тошкент тумани фермерлари ҳам қаловини топиб, қорни ёндиргувчи марду-майдонлардан. Қиш бўйи дала юмушларининг ками-кўстини бажариб, баҳорга пешвоз чиққан “Жамшид асл чорво” фермер хўжалиги раҳбари Санжар Содиқов билан дала шийонида бир пиёла чой устида гурунглашдик.

— Меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтилмаган. 2022 йил ўртасида туман Халқ банкидан 2 млрд. сўм кредит олиб, Эстония давлатидан дастлаб 60 бош, йил охирида эса яна 59 бош наслдор молдан олиб келдик. Хуллас, изланиб имкон топяямиз-да, опа. — дейди фермер. — Тилсиз жониворлар тилини топиб парвариш-лаяпмиз, ҳар бирига алоҳида меҳр бериб қараяпмиз.



Суратда: (ўнгдан) Тошкент туманидаги “Жамшид асл чорво” фермер хўжалиги раҳбари Санжар Содиқов ва туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Фахриддин Файзуллаев

Яқинда Қирғизистон Республикасидан 400 бош ҳисори қўйларни келтиришни мақсад қилганмиз.

Тошкент туманида “Қирариқ” номли маҳалла бор. Исмоил жисмига монанд ариқлари, қирли ерлари бисёр. Ажойиб маскандаги “Тамарахоним Зиё нур” фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Дўстмухаммедовни ҳам тиним-тинчимас, обрў-эътиборли, маҳалласининг фахри десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Уни таниган билганлар элдошларига маслаҳатчи, кўмакчи, дея таърифлашди.



Суратда: Тошкент туманидаги “Тамарахоним Зиё нур” фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Дўстмухаммедов

Кўп тармоқли фермернинг 1,60 сотихдаги помидор кўчатлари бир текис бўй чўзмокда. 2 гектар майдондаги олма, ўрик, олхўри гуллаб, боғ нафис гўзалликка бурканган, чиройига сўз ожиз. 8 гектар ташландиқ ернинг тошларини териб, буғдой экибди. Ажойиб майсалар шамолда тербаниб, далага кўрк бериб, жилоланиб, кўкка бўй чўзмокда. Бир ойлик 10 минг бош жўжаларни парваришлаб, катта қилиб, сотиб, яна ўрнига жўжалар

келтиришар экан.

Ҳалол меҳнат қилдим, елиб-югуриб изландим. Ўғилларим Муроджон, Воҳиджон, Зокиржонларнинг ўз вазифалари бор. Улар ҳам фермерликнинг ҳадисини олиб, доимо мен билан меҳнат қилиб пишишяптида, — дейди у.

Пискент аграр соҳада салоҳияти юқори туман. Яхши ниятлар билан иш бошлаб, анчагина ютуқларга эришадиган фермерларга ҳавас қилсангиз арзийди. Ушбу тумanning “Ҳайдаров Музаффар” фермер хўжалиги раҳбари Ҳасанбой Ҳайдаров билаги меҳнатда тобланган эканлигини унинг ҳатти-ҳаракатидан билиш қийин эмас.

Тракторни ўзи бошқариб келган фермер чаққонгина тушиб, биз билан сўрашди. Ҳасанбойни суҳбатга тортдик.

— Яхши тракторчини топиш қийин, қизиқиш, техникага бўлган иштиёқда бу ҳам. — дейди у “ҳорманг” деган иборамизга жавобан. — 34 гектар пахта майдонини кузда шудгорлаб, 27 гектарли ғалла майдонига ишлов беришни бошладик.



Суратда: (ўнгдан) Пискент туманидаги “Ҳайдаров Музаффар” фермер хўжалиги раҳбари Ҳасанбой Ҳайдаров ва мутахассис Озод Дадаев

Ҳар йилги режаларни ортиги билан бажарамиз. Ерга меҳр берсангиз, яхшилаб агротехник ҳолатига қараб, вақтида сув, ўғитига эътибор қаратсангиз, у саховатини аямайди. Менинг фикримча, ернинг тилини билиб, ҳар қаричини авайлаб-асраганлар фермер бўлса арзийди.

Ундан қолишмай, меҳнат қилаётган яна бир фермер хўжалигида ҳам бўлдик.

“Маъмур” номли фермер хўжалиги раҳбари Мирзоҳид Азимовни далада учратдик.



Суратда: Пискент туманидаги “Маъмур” номли фермер хўжалиги раҳбари Мирзоҳид Азимов

— “Яхши ният – ярим давлат”, дейишади доноларимиз. Худойимдан мўл ҳосил бер деб сўрайман. Вақтида ишлов берамиз, ер билан гаплашамиз. Дилини, тилини тушуниб, меҳр берсангиз, у сизни алдамайди. 32 гектар пахта, 46 гектар ғалла майдонимиз бор. Режани туманимизда биринчилардан бўлиб бажарамиз, — дейди фермер.

Тошкент вилоятининг фидойи фермерлари билан уларга бахт, омад, хирмонларига барака тилаб хайрлашдик.

Раъно ЮСУПОВА.
ўз мухбиримиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЗАМОНАВИЙ ЭМАС, ЗАМОНДАН ОРТДА ҚОЛМАЙДИГАН СОҲА

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасининг иккинчи йўналишида, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга, ёшларни касб-хунарларга қизиқтириш, ёшларда эркин ва креатив фикрлашни шакллантиришга қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шундай экан, ёшларни ўзлари танлаган касбига қизиқтириш ва уларга шу касбни мукамал эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш бу Янги Ўзбекистон келажагини қуриш ва унда барча соҳаларида туб ўзгаришлар қилиш демакдир.

Мамлакатимиздаги иқтисодий тармоқлардан бири бўлган қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан бири бўлиб, у деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш билан биргаликда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ хўжалигининг бир неча тармоқларини хомашё билан таъминлайди.

Бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифаларидан бири бу озиқ-овқат хавфсизлиги масаласидир. Бугун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва экинларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўрни бекиёсдир.

Ҳозирги кунда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошмоқда ва қишлоқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари ривожланмоқда. Бунга яққол мисол тариқасида Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали фаолиятини кўрсатишимиз мумкин. Филиалда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасининг кўплаб тармоқлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда талаба-ёшлар учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб берилган. Ана шундай имкониятлардан бири бу “Устоз-шогирд” анъанасидир.



Филиалдаги иқтидорли талабаларга малакали профессор-ўқитувчилар бириктирилган бўлиб, ўзларининг илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ана шундай илмий тадқиқот ишларидан бири бўлган “Нўхат экинини етиштириш технологияси” мавзусида устозим, қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори, доцент Бобоқулов Зариф Райимкулович раҳбарлигида илмий тадқиқот ишимизни олиб бормоқдамиз.

Илмий тадқиқот ишимизнинг мақсади Зарафшон водийси шароитида кеч кузда нўхат экинни етиштириш, тупроқлар унумдорлигини ошириш ҳамда органик деҳқончиликни ривожлантиришдан иборат.

Мазкур тадқиқотимиз доирасида халқаро ва Республика конференцияларида фаол қатнашиб келмоқдамиз. Бу эса филиалимизнинг яна бир ютуқларидан биридир.

Биз талаба-ёшлар қишлоқ хўжалиги соҳасида таҳсил олаётганимиздан ва шу соҳада фаолият олиб бориб, кўплаб ютуқларга эришаётганимиз ўз соҳамизни ривожлантираётганимиздан хурсандмиз ва фахрланамиз.

Қишлоқ хўжалиги замонавий эмас, замондан ортда қолмайдиган касбдир.

Жасмина ТЎХТАМИШОВА,
Тошкент давлат аграр университети
Самарқанд филиали талабаси.

Илмий тадқиқот ишимиз натижасида қўйилган натижалар қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли технологиялари яратилади;
- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чоралари-га яъни органик деҳқончиликка кенг эътибор қаратиш амалга оширилади;
- қишлоқ хўжалик экинлари туруни тўғри танлаган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларида оқсилга бўлган эҳтиёжи қондирилади;

- тупроқ унумдорлигини оширувчи, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш-ни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқилади;
- нўхат ва такрорий экин сифатида дон, ғўза ва сабзавот экинларини етиштиришнинг ресурстежам-кор агротехнологиялари ишлаб чиқилади;
- қишлоқ хўжалиги соҳа мутахассисларига халқаро даражадаги органик деҳқончилик соҳасида фаолият юритишлари учун кенг имконият яратилади.

ЭКИШ МУДДАТИ, МАЪДАН ЎЎГИТЛАР МЕЪЁРИ ВА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ЎСИМЛИК БЎЙИ, УМУМИЙ ВА МАҲСУЛДОР ПОЯЛАР СОНИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси тақирсимон (Қарши тумани) тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Зимница», «Гозгон» навларининг экиш муддати, суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёрининг ўсимлик бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсири бўйича олинган илмий маълумотлар таҳлили келтирилган.

Аннотация. В статье представлен анализ данных о влиянии сроков посева, режима орошения и нормы внесения минеральных удобрений на высоту растений, общее количество и количество продуктивных стеблей озимой пшеницы сортов Зимница, Гозгон в условиях takyрных почв степного региона Кашкадарьинской области (Каршинский район).

Annotations. The article presents an analysis of data on the effect of sowing time, irrigation regime and application rate of mineral fertilizers on plant height, total number and number of productive stems of winter wheat varieties Zimnitsa, Gozgon in the conditions of taky soils of the steppe region of Kashkadarya region (Karshi district).

Маълумки, ўсимликлардан олинадиган ҳосилдорлик унинг бўйи баландлиги, кўчат қалинлиги, шохланишига, кузги буғдойда эса асосан тупланишига боғлиқ бўлади. Кузги буғдой ҳосил қиладиган поялар сони умумий тупланиш дейилади [1; 2; 3]. Бир туп ўсимликдан чиққан пояларнинг ҳаммаси ҳам ҳосил тўпламайди. Шунинг учун ҳам бир туп ўсимликда ҳосил тўплайдиган, яъни бошоқ шаклланган поялар сони унумли тупланиш ёки маҳсулдор тупланиш деб аталади [4; 5].

Кузги буғдойда тупланиш ҳолатини таҳлил қилишдан олдин унинг бўйи баландлиги тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этамиз.

Қарши чўлининг тақирсимон тупроқлари шароитида ўтказилган (2015-2017 й.) тажрибанинг дастлабки йилида олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойнинг иккала нави ҳам экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг таъсири бўлганлиги кузатилди.

Маълумотларга кўра, кузги буғдойнинг «Зимница» нави 01-05.10 муддатида экилганда унинг бўйи баландлиги 107,5-113,2 см, умумий поялар сони 523,6-803,0 м²/дона, маҳсулдор поялар сони 332,3-448,0 м²/донани ташкил этган бўлса, бошоқли пояларнинг шаклланиши умумий пояларга нисбатан 55,1% дан 66,0% ни ташкил

эти. Экиш муддати 15-20.10 бўлган вариантларда эса мазкур кўрсаткичлар тегишли равишда 104,8-111,6 см; 484,5-778,8 м²/дона; 297,5-412,8 м²/дона ва 53,0-64,0% бўлганлиги аниқланди. Кузги буғдойнинг «Гозгон» навида ҳам мазкур қонуниятлар кузатилди.

Кузги буғдойнинг экиш муддатлари бўйича хулоса қилинганда, уни 01-05.10 муддатида экилганда 15-20.10 муддатида экилганига нисбатан бўйининг баландлиги 2,2-2,9 см.га, умумий поялар сони 24,2-46,2 м²/донага, маҳсулдор поялар сони 34,8-37,9 м²/донага, бошоқли поялар шаклланиши 1,7-2,8% га кўп ва юқори бўлади.

Энди кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланишига унинг парваришида қўлланилган маъдан ўғит меъёрларининг таъсири бўйича олинган маълумотлар таҳлилин қиламиз. Маълумотлар таҳлил қилинганда кузги буғдойнинг «Зимница» нави 01-05.10 муддатда, ЧДНСга нисбатан 70-75-60% суғориш тартибида маъдан ўғитлар НРКнинг 100:75:50; 180:120:90 ва 250:175:125 кг/га меъёри қўлланилган (1; 2 ва 3) вариантларида ўсимликнинг бўйи тегишли равишда 107,5; 110,6; 112,3 см, умумий поялар сони 523,6; 709,8; 776,6 м²/дона; маҳсулдор поялар сони 332,3; 418,9; 428,2 м²/дона, бошоқли поя шаклланиши даражаси 63,5; 59,0; 55,1% ни ташкил этди.

Демак, ўғит меъёрининг NPK 100:75:50 кг/гадан 180:120:90 кг/га.га оширилиши ўсимлик бўйини 3,1 см.га, 250:175:125 кг/га оширилиши эса 4,8 см.га, тегишли равишда умумий поялар сонини 186,2; 253,0 м²/донага, маҳсулдор поялар сонининг эса 86,6; 95,9 м²/донага кўп бўлишига замин яратди. Бошоқли поялар шаклланиши эса маъдан ўғитлар меъёри паст меъёрларда қўлланилган вариантларда кузатилиб, улар юқори ўғитланган вариантларга нисбатан 2,2-2,6% га юқори бўлди.

Ушбу қонуният 15-20.10 экиш муддатида ва суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 75-80-70% бўлган вариантларида ҳамда кузги буғдойнинг “Ғозғон” навида ҳам кузатилди.

Ўсимликни ўз вақтида сифатли равишда суғориш ишларини олиб бориш келгусида юқори дон ҳосили олишга замин яратади. Ушбу ҳолат мазкур тадқиқотда ҳам кузатилди.

Суғориш тартибларининг кузги буғдойнинг мазкур ҳосил элементларига таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойнинг «Зимница» нави 01-05.10 муддатда, ЧДНСга нисбатан 70-75-60% суғориш тартибиде маъдан ўғитлар NPKнинг 100:75:50; 180:120:90 ва 250:175:125 кг/га меъёри қўлланилган (1; 2 ва 3) вариантларида ўсимликнинг бўйи тегишли равишда 107,5; 110,6; 112,3 см, умумий поялар

сони 523,6; 709,8; 776,6 м²/дона; маҳсулдор поялар сони 332,3; 418,9; 428,2 м²/дона, бошоқли поя шаклланиш даражаси 63,5; 59,0; 55,1% ни ташкил этган бўлса, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 75-80-70% бўлган 4; 5 ва 6-вариантларида ўсимликнинг бўйи тегишли равишда 108,6-112,2 см, умумий поялар сони 538,9-803,0 м²/дона, маҳсулдор поялар сони 355,5-448,8 м²/дона ва поянинг бошоқланиш даражаси 55,8-66,0% ни ташкил этганлиги аниқланди.


Кўринадик, кузги буғдой парваришида суғориш тартибининг юқори бўлиши қуйи суғориш тартибига нисбатан ўсимлик бўйини 0,9-1,1 см.га, умумий поялар сонини 15,3-26,4 м²/донага, маҳсулдор поялар сонини 19,8-23,2 м²/донага ошириб, поянинг шаклланиш даражаси эса 0,7-2,5% га юқори бўлади.

Кузги буғдойнинг 15-20.10 экиш муддати ва “Ғозғон” навида ҳамда 2016, 2017 йилларида ўтказилган тажрибалардан олинган маълумотларда ҳам юқоридаги каби қонуниятлар аниқланди.

Маълумотлар 1-диаграммада келтирилди.

Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкин, Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси тақирсимон тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдой 01-05.10 муддатида экилганида

15-20.10 муддатида экилганига нисбатан бўйининг баландлиги 2,2-2,9 см.га, умумий поялар сони 24,2-46,2 м²/донага, маҳсулдор поялар сони 34,8-37,9 м²/донага, бошоқли поялар шаклланиши 1,7-2,8% га, ўғит меъёрини NPK 120:80:60 кг/гадан 180:120:90 кг/гага оширилиши ўсимлик бўйини 3,1 см.га, умумий поялар сонини 186,2; 253,0 м²/донага, маҳсулдор поялар сонини эса 86,6; 95,9 м²/донага, суғориш тартибининг юқори бўлиши қуйи суғориш тартибига нисбатан ўсимлик бўйини 0,9-1,1 см.га, умумий поялар сони



1-диаграмма. Экиш муддати, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибининг кузги буғдой ўсимлик бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сони ҳамда поя шаклланиши даражасига таъсири (Чўл минтақаси тақирсимон тупроқлари, 2015 й.)

ни 15,3-26,4 м²/донага, маҳсулдор поялар сонини 19,8-23,2 м²/донага ошириб, поянинг шаклланиш даражаси эса 0,7-2,5% га юқори бўлади.

Нормунин ЁДГОРОВ,
қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти,
Баҳодир ХАЛИКОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ганджаева Л.А. Кузги буғдой навларининг ўсиши ва риволанишига экиш муддатларининг ва озиклантириш меъёрининг таъсири // Ж. “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси”. -Хоразм, 2018. -№1. – Б. 45-49.
2. Зарипов Ҳ., Тоғаев А. Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига кам шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқли шароитда сув ва минерал ўғитларнинг таъсири // “Агро илм” журнали. -Тошкент, 2022. -№1. – Б. 6-7.
3. Ирназарова Н. Кузги буғдойни азот билан озиклантириш // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. -Тошкент, 2016. -№3. – Б. 42.
4. Халиков Б.М., Бозоров Х. Кузги буғдой етиштиришнинг муҳим омиллари // “Ўзбекистон жанубида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-техник анжумани мақолалар тўплами, Қарши-2013 й. 87-89-б.

УЎТ: 635.1:631.5:631.53.04

ТАДҚИҚОТ

КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА МОСЛАШУВЧАН ПОМИДОР НАВЛАРИНИ ЭКИШ ТАРТИБИ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

Annotation. The article presents the results of studying the influence of various planting patterns and standing density on growth, the formation of leaf surface area, tops, root system, yield and productivity of selected tomato hybrid varieties. It was found that the optimal planting pattern was 90x25 cm, with a density of 44.4 thousand plants per 1 ha, where it provided a high yield (27.7-82.1 tons).

Бухоро вилояти тупроқ-иклим шароитида помидор экиннинг ҳосилдорлигини ошириш кўп жиҳатдан юқори маҳсулдор, шўрга, касаллик-зараркунанда ва бошқа экстремал омилларга чидамли мослашувчан навларни танлашга, уларни ўстириш агротехнологиясининг асосий элементлари — қулай экиш схемаси ва туп қалинлигини белгилашга ва амалиётга кенг жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан ҳисобланади[4,5].

Тадқиқот мақсади - Бухоро вилояти кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида помидорнинг ажратилган нав-дурагайлари турли экиш қалинликларида ўсиши, маҳсулдорлиги, умумий

ва товар ҳосилдорлигини аниқлаб, қулай экиш тартиби ва туп қалинлигини белгилаш орқали ўстириш агротехнологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Дала тажрибалари 2021-2022 йиллар мобайнида қуйидаги йўналишларда Бухоро вилояти Жондор тумани “Хамроев Халил Бозорович” фермер хўжалиги суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида ўтказилди. Тажриба битта контурда ўтказилиб, тажриба участкаси тупроғида гумус миқдори 0,97-1,12%, ялпи азот-0,102-0,115%, фосфор 0,171-0,188%, калий эса 1,96-2,03%, сувли сўрим — кучсиз ишқорий рН=7,2-7,3, шўрланиш даражаси-кучсиз хлорид-

ли (0,310-0,412% хлор иони) эканлиги билан характерланди.

Помидорнинг ажратилган нав-дурагайлари 90х30 см (назорат), 90х25 см, 90х20 см экиш схемаларида 36,6, 44,4 ва 55,5 минг туп қалинликларида ўзаро таққосланди.

Десянканинг майдони экиш схемаси бўйича 144 м², нав-дурагайлар бўйича 36 м², такрорлар сони 3 та бўлди. Экиш 5-7 чинбаргли кўчатлар билан 12 апрелда амалга оширилди.

Тажриба участкасидаги барча кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди[1,2,3].

Барча тажрибалар битта контурда ўтказилиб, тажриба участкаси тупроғида гумус миқдори 0,97-1,12%, ялли азот—0,102-0,115%, фосфор 0,171-0,188%, калий эса 1,96-2,03%, сувли сўрим — кучсиз ишқорий pH=7,2-7,3, шўрланиш даражаси — кучсиз хлоридли (0,310-0,412% хлор иони) эканлиги билан характерланди.

Шўрланган ерларда помидор ҳосилдорлигини белгилайдиган асосий агротехнологик омиллардан бири экиш тартиби ва туп қалинлиги ҳисобланади. Чунки, шўр ва ноқулай иқлим омиллари таъсирида туп қалинлигини сақлаш, таъминлаш ва тупроқда намликни қулай даражада ушлаб туриш кўп жиҳатдан қатор ораси кенглиги ва экиш схемасига боғлиқ. Шунинг учун биз, қатор ораси кенглиги 90 см қилиб (кўп нам тўпланиши, ўсимлик бўғизи тупроқ билан таъминланиши (тўлиши)ни ҳисобга олиб) 90х30 (назорат), 90х25 ва 90х20 схемаларда гектарида туп қалинлиги 36,6, 44,4 ва 55,5 минг кўчат қилиб, ажратилган помидор Red stone, Bobcat F₁, Lojain F₁ нав-дурагайлари "Мустақиллик-28", "Волгоградский-5/95" навлари билан таққослаб ўргандик.

Тадқиқотдан натижаларга кўра, ажратилган помидор нав-дурагайлари 90х20-25 см экиш схемаларида 44,4-55,5 минг туп қалинликларда экилганда кўчатларнинг тутувчанлиги 97,6-98,7% ни ташкил этиб, ўсиши, баргланиши, барг сатҳи шаклланиши, бақувват илдизли палак ҳосил бўлиб, маҳсулдор ўсимликлар ривожланиши кузатилди. Йирик мевали товар ҳосил барча ажра-

тилган помидор нав-дурагайларида экиш 90х25 см схемада 44,4 минг туп қалинликда олинди. Шунда пишган мева вазни энг йирик бўлиб, навлар бўйича 85-214 граммни, ҳосилдорлик эса 27,7-82,1 т/га ни ташкил қилди.

Экиш 90х20 схемада 55,5 минг туп қалинликда ҳосилдорлик юқори бўлди, лекин тажриба хатоси ичида бўлиб (ЭКФ₀₅=1,6-2,4 тонна) қўшимча ҳосил 2,5 т/га дан ошмади.

Шундай қилиб, кучсиз шўрланган суғориладиган ерларда помидор ажратилган нав-дурагайлари мақбул экиш схемаси 90х25 см бўлиб, 44,4 минг туп қалинлиги ҳисобланди. Шунда барча ўрганилган навлар ўсимликлар баланд бўйли (52,6-71,7 см), сербаргли ва барг сатҳили (0,44-0,72 м²) бўлиб, бақувват илдиз (160-178 грамм) ва палакли (511-556 грамм) маҳсулдор (610-1827 грамм) ўсимликлар шаклланиб, гектаридан энг юқори 27,1-82,1 тонна ҳосилдорликни таъминлаши кузатилди.

Демак, кучсиз шўрланган суғориладиган тупроқлар шароитида помидор ҳосилдорлигини белгилайдиган асосий агротехник омиллардан бири экиш тартиби ва туп қалинлиги ҳисобланиб, шўр ва ноқулай иқлим омиллари таъсирида туп қалинлигини сақлаш, таъминлаш ва тупроқда намликни қулай даражада ушлаб туриш кўп жиҳатдан қатор ораси кенглиги ва экиш схемасига боғлиқ. Ажратилган мослашувчан помидор нав-дурагайлари (Bobcat F₁, Lojain F₁ дурагайлари ҳамда "Red stone", "Мустақиллик-28", "Волгоградский-5/95" навлари) ни 90х25 см схемада 44,4 минг туп қалинлигида экилганда, мевалар вазни йирик бўлиб, 85-214 г, ҳосилдорлик эса 27,1-82,1 т/га ни ташкил қилди. Чунки, барча ўрганилган нав-дурагайларда ўсимликлар баланд бўйли (52,6-71,7 см), сербаргли ва барг сатҳили (0,44-0,72 м²), бақувват илдиз (160-178 г) ва палакли (511-556 г) бўлиб, маҳсулдор туплар (610-1827 г) шаклланди.

Тоштемир ОСТОНАКУЛОВ, профессор,
Гулшода САИДОВА, СПЭКИТИ докторанти,
Алишер ИСМОЙЛОВ,
Самарқанд илмий-тажриба станцияси
директори, қ.х.ф.ф.д.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002. –Б. 217.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985.-С. 351.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ПОРЕЙ ПИЁЗИ ЕТИШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада порей пиёзининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига оид маълумотлар келтирилган.

Аннотация. В данной статье приводятся данные о росте, развитии и урожайности лука-порей.

Annotation. This article provides information on the growth, development and productivity of leeks.

Кириш. Инсонлар бир неча минг йиллардан буён пиёзнинг ҳар хил турларини озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилиб келмоқда. Порей пиёзини қадимги мисрликлар милoddан олдинги 3000 йилда озиқ-овқат ўсимлиги, яъни сабзавот сифатида етиштирган. Ҳозирги кунда порей пиёзи дунё мамлакатларида 0,126 млн. га майдонга экилиб, 2,1 млн. тонна ялпи ҳосил этиштирилади. Порей пиёзи кўп етиштирувчи мамлакатлар Индонезия (0,5 млн. т), Туркия (0,2 млн. т), Белгия (0,18 млн. т), Франция (0,16 млн. т), Хитой (0,15 млн. т) каби мамлакатлар ҳисобланади. Дунё бўйича порей пиёзидан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 16,9 т/га бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик (38,5–46,2 т/га) Жанубий Корея, Германия, Хитой, Швеция ва Белгияда олинади.

Порей пиёзи маданий экин сифатида икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили майда, узунчоқ, йўғонлашган сохта пояга туташган бошпиёз ва узун ясси барглар ҳосил қилади. Иккинчи йил пиёзбошдан гулпоя чиқариб, йирик гул тўплам уруғ беради.

Порей пиёзининг тезпишар навларидан Каратанский, Kolambus, Vesta, Хобот слона, Goliaf, Килима, ўртапишар навларидан Djolant, Kazimir, Kamus, Tango, Bastion, кечпишар навларидан Elefant, Бандит, Осенний гигант, Asgeos, Merkuriy hamda Linkolin F₁, Chinuk F₁, Cherokee F₁, Takrima F₁ каби дурагайлари тарқалган.

Бизнинг тажрибаларимизда порей пиёзининг нав ва дурагайлари комплекс ўрганилиб, эрта ҳосил олиш учун мақбул экиш муддатлари ҳамда экиш схемалари ва озиқланиш майдони аниқланди.

Тажрибада порей пиёзининг танланган 2 та Linkolin F₁ ва Bolgarskiy F₁ дурагайлари 3 та экиш муддатларида (20 апрел, 1 май (назорат), 10 май) ва 3 та экиш схемаларида (70×5 см,

70×10 см, 70×15 (назорат) см) экиб ўрганилди. Натижалар назорат варианты билан таққосланди. Ҳар бир вариант 4 қатор, 4 қайтариқда жойлаштирилди. Эгат узунлиги 10 м. Ҳар бир делянка майдони 28 м² Ҳар бир дурагай ва экиш схемаси бўйича қайтариқларнинг майдони 112 м² ни ташкил этди.

Тадқиқотларимизда порей пиёзининг Linkolin F₁ ва Bolgarskiy F₁ дурагайлари 3 та экиш муддати, яъни 20 апрел, 1 май (назорат), 10 май экиш муддатларида кўчатларидан экиб ўстирилганда ўсимлик бўйи 82,3–86,2 см ни, сохта поя узунлиги 16,0–16,5 см ни, сохта поя диаметри 3,7–4,0 см ни ташкил этди. Ушбу биометрик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижа 20 апрел муддатида экилганда олинди. Тажрибаларда ўрганилган Linkolin F₁ ва Bolgarskiy F₁ дурагайларида ушбу муддатда экиб ўстирилган ўсимликлар вегетатив қисмларининг ўртача вазни бўйи ча ҳам юқори натижа кўрсатиб, бир дона порей пиёзи ўсимлиги вазни 313,8–341,9 граммни, товар маҳсулот ҳисобланган сохта поя вазни 182,2 – 198,3 граммни, бир дона порей пиёзининг барглари вазни 105,8–110,9 граммни, илдиз вазни эса 25,8–32,7 граммни ташкил этди.

Порей пиёзи кўчатларини турли экиш муддатлари бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинганда ушбу ўрганилган иккала дурагайда вариантлараро ўртача ҳосилдорлик гектаридан 21,9–25,1 тоннадан иборат бўлди.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижа 20 апрелда экилган муддатда олинди, ўртача гектаридан 23,9–25,1 тоннани ташкил этди.

Тажриба мақсад ва вазифаларини бажариш доирасида порей пиёзининг давлат реестрига киритилган Linkolin F₁ ва истиқболли Bolgarskiy F₁ дурагайлари турли экиш схемаларида ҳам экиб ўстирилди. Бунда порей пиёзининг иккала

танланган дурагайлари 70×5 см, 70×10 см, 70×15 (назорат) см схемаларда экиб ўрганилди. Экиш схемалари бўйича олиб борган тажрибаларимиз натижалари шуни кўрсатдики, ўсимлик бўйи, сохта поя узунлиги, сохта поя диаметри, ўсимлиги вазни, сохта поя вазни, барглари вазни, илдиз вазни бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич порей пиёзининг кўчатлари 70×5 см схемада экилганда қайд этилди. Ушбу экиш схемасида гектардан энг юқори ҳосилдорликка эришилиб, ўртача 35,7-38,4 тоннани ташкил этди.

Хулоса. Демак, порей пиёзининг Linkolin F₁ ва истиқболли Volgarskiy F₁ дурагайларини 20 апрел муддатида 70×5 см схемада экиш ўсимлик бўйи, сохта поя узунлиги, барглари сони ҳамда сохта поя диаметрининг ортишини ва юқори товар ҳосил чиқимини таъминлаб, гектаридан 35,7-38,4 тонна сифатли ҳосил олинди.

Собир САНАЕВ, профессор,
Ғайрат САНАЕВ, тадқиқотчи,
ТДАУСФ.

АДАБИЁТЛАР

1. Асатов Ш.И., Қодирхўжаев О., Мирзасолиев М.М. Пиёзни такрорий экин сифатида кўчатидан етиштириш технологияси. Тавсиянома. Т., Наврўз., 2018. Б. 22.
2. Мирсолиев М.М., Боликулов Ф.О. Порей пиёзи етиштириш. Қўлланма. Т., 2021.
3. Остонақулов Т.Е., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Дарслик. Т., 2018.
4. Санаев С.Т., Қурбонов Ҳ.У., Санаев Г.Ш., Ж.Ш.Юсуфов. экиш муддатлари ва экиш схемасининг порей пиёз ҳосилдорлигига таъсири. Илмий-амалий конференция. 142-145 бетлар. Самарқанд., 2022.
5. <https://agro-olam.uz>.

УЎТ: 632.937.727.937

ТАДҚИҚОТ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЧИГИРТКАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда чигирткалар мониторингида рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари ҳақида маълумот келтирилган. Чигирткаларни мониторинг қилишда ГИС технологияларининг ишлатилиши ва Фарғона водийсида ГИС орқали ўтказилган чигирткалар тарқалишини мониторинг қилиш натижалари келтирилган.

Аннотация. В статье представлены данные о перспективе применения цифровых технологий при мониторинге саранчовых в Узбекистане. Показано использование ГИС методов для мониторинга саранчовых и приведены результаты мониторинга саранчовых с помощью ГИС технологий в Ферганской долине.

Annotation. The article presents data on the perspectives of using digital technology in locust monitoring in Uzbekistan. Shown materials about using GIS methods for locust monitoring and the results of locust monitoring using GIS technology in the Ferghana Valley

Чигирткалар сонини бошқаришнинг энг самарали усули бу чигирткалар тарқалган ўчоқларни доимий кузатувга олишдир. Лекин сарҳадларимизда тарқалган тўда ҳосил қилувчи чигирткаларнинг ўчоқлари қишлоқ хўжалик экинлари экилган жойдан анча йироқда, баъзан инсон ва техника бориши қийин бўлган ҳудудлардадир.

Бу ўчоқларни мониторинг қилиш чигирткаларга қарши курашиш отрядларининг доимий муаммосига айланган. Шунинг учун ҳам ажратилган маблағнинг каттагина қисми чигирткаларни доимий мониторинг қилиш учун сарфланади ва мониторинг натижаларига асосланган ҳолда қарши кураш ишлари ҳажми белгиланади.

Бу борада рақамли технологиялардан фойдаланиш мониторинг ишларини анча енгиллаштиради. Мониторингда қуйидаги рақамли технология сифатида геоинформацион система (кейинги ўринларда ГИС) назарда тутилади. ГИС 5 та компонентлардан ташкил топган, улар техник ускуналар, дастурий таъминот, ахборотлар, кадрлар ва услублардир. Чигирткаларни мониторинг қилишда ГИСдан фойдаланиш учун унинг қуйидаги компонентлари муҳим ўрин тутати: Техник ускуналар - бу ГИС дастури ўрнатилган қўшимча техник воситалардан иборат. Дастурлар ўрнатилган компьютер эса замонавий ва интернет тармоғига уланган бўлиши лозим. Қўшимча техник воситалар сифатида географик ахборотларни компьютерга киритиш учун зарур бўлган дегитайзер, GPS ва сканерлар, яратилган янги хариталарни қозоғга чиқариш учун принтерлар ва плоттерлар керак. Дастурий таъминот - географик ахборотларини киритиш, сақлаш, таҳлил ва визуализация учун зарур бўлган функцияларга эга программалар. Таъкидлаш жоизки, ГИС дастурлари сифатида Google Earth, ArcGIS, QGIS ва шу кабилар бўлиши мумкин, бу дастурий маҳсулотларнинг асосий компонентларига географик ахборотларни киритиш ва уни бошқариш воситалари, ахборотлар базасини бошқариш тизимлари (АББТ), таҳлил ва визуализация қилиш воситалари, фойдаланувчига дастур функцияларини осон ишлатиш имконини берувчи график интерфейсдан иборат. Ахборотлар - ГИСнинг энг муҳим компоненти бўлиб, ходимлар томонидан чигиртка тарқалган ҳудудлар ёки ҳудудлар бўйича ахборот билан таъминловчи ташкилотлардан олинади. Географик маълумотларни бошқариш жараёнида ГИС уларни бошқа турдаги маълумотлар билан бирлаштиради. Кадрлар ГИСдан фойдаланувчилар системани яратувчи ва уни ишлатувчи техник мутахассислар ва ҳудудларда мониторинг қилувчи мутахассислар бўлиши мумкин. Услублар - ГИС технологиясидан фойдаланишнинг муваффақияти ва самараси (шу жумладан, иқтисодий самараси) кўп жиҳатдан тўғри тузилган иш режаси ва қоидаларига боғлиқ. Бу режа ва қоидалар ГИСдан фойдаланувчи ҳар бир корхонанинг иш фаолияти ва ечилинадиган масалалар хусусиятларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади[2]. Республикамиз қишлоқ хўжалигида ГИС дан фойдаланиш ишлари дастлаб Урганч давлат университе-


тида 2000 йилларда бошланган. Бу даврда университет Германиянинг Бонн университети олимлари билан ҳамкорликда дастлабки ГИС лабораторияси ташкил этилган. Ҳозирги кунда университетнинг ГИС лабораториясида тажрибалар олиб борилмоқда[2]. 2008 йил Вайоминг университети профессори А.В.Лачининский томонидан Оролбўйида Осиё чигирткасининг тарқалишини мониторинг қилишда сунъий йўлдош суратларидан фойдаланиш имкониятлари бўйича илмий иш олиб борилди. Унга кўра, Осиё чигирткасининг Оролбўйи популяциясида чигирткалар тарқалишининг асосий манбаи бўлган қамишзорлар ўсган ҳудудни сунъий йўлдош орқали аниқлаганда чигирткаларнинг тухум қўйиши мумкин бўлган ҳудудларни қамишзор билан боғлиқ равишда ўрганиш ва шунга асосланган ҳолда ГИС ёрдамида 74 фоиз аниқлик билан чигирткалар тарқалиш ҳудудларини белгилаш мумкинлигини кўрсатган[1]. 2013 йилда ФАО ташаббуси билан Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтида МДХ давлатлари бўйича чигирткалар ривожланиши мониторинги бўйича ГИС семинар ташкил этилди. Бу семинарда республика олимлари ва барча чигирткаларга қарши кураш хизмати раҳбарлари қатнашди. Семинарда қозоғистонлик мутахассислар томонидан яратилган ФАО дастурига киритилган дастурнинг имкониятлари ўрганилди. Дастур зарарли чигирткаларнинг биологияси, тарқалиши ва ривожланиши борасида маълумотлар базасини яратиш ва шу маълумотлар асосида чигирткаларга қарши кураш ишларини ўз вақтида олиб боришга йўналтирилган. Бу дастурнинг номи “Маълумотлар йиғишнинг автоматизациялашган системаси” (ASDC) бўлиб, у Қозоғистон Республикаси Коинот техникаси ва технологияси Институтида (Алмата) ишлаб чиқилган. Дастурга асосан чигирткалар бўйича маълумотлар ASDC, ФАО (БМТ) нинг чигирткалар популяцияси тўғрисидаги стандарт сўровномаси бўйича йиғилади[3]. Унга қуйидаги маълумотлар кирази: Кузатиш олиб борилган жой ва вақти; Ривожланиш стадияси - етук ҳашарот, личинка, тухум босқичлари ва уларнинг ривожланиши тўғрисида маълумот; Популяция ривожланиш фазалари тўғрисида маълумот ва уларнинг хатти-ҳаракати; Зарарланган майдон кўрсаткичи (ҳашарот тарқалган умумий майдон, личинкалар зичлиги, ишлов берилган майдон); Ҳашарот ва унинг зичлиги (ҳар кв.м. личинка

ва кўзача сони); Киритилган маълумотлар марказлашган базага юборилади ва умумлаштирилади[2]. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти чигирткаларга қарши кураш хизмати мутахассислари билан ҳамкорликда бу системани Ўзбекистон шароитида фойдаланиш мумкин эканлигини дала шароитида олиб борилган ишларда исботлаб беришди. Фарғона водийси ва жанубий Оролбўйи ҳудудларида зарарли чигирткалар тарқалиш ўчоқларини аниқлаш ва шу тариқа уларга қарши кураш чоралари самарасини янада ошириш учун олиб борилган тадқиқотлар асосида Осиё ва Марокаш чигирткаси тарқалган майдонлар ҳажми аниқланиб, маълумотлар харитага туширилган. 2018 ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, Google Earth дастури ёрдамида сунъий йўлдошдан олинган суратлар асосида Фарғона водийсида чигирткаларнинг тарқалиш ўчоқлари ўрганилди. Маълумотлар марокаш ва италия чигирткаларининг Наманган вилоятидаги тарқалиши мумкин бўлган ҳудудларини ўрганиш борасида олиб борилди (1-2-расмлар).

Қирғизистон Республикасининг Жалолобод областининг Олабуқа, Караван, Ахсу, Қизилжар районлари билан Наманган вилоятининг Уйчи тумани 17 км, Чортоқ тумани 26 км, Учқўрғон тумани 38 км, Косонсой тумани 41 км, Чуст тумани 46 км, Янгиқўрғон тумани 79 км., жами вилоятнинг чегара ҳудуди 247 км. ташкил этиши қайд этилди. Республикаимизнинг Наманган вилояти Уйчи, Чортоқ туманларининг Қирғизистон

Республикасининг Жалолобод областининг чегарадош туманларида, чегаравий ҳудудларда зарарли чигирткалар ёппасига кўпайиб қишлоқ хўжалик экинларига хавф соладиган жойлар харитага туширилди. Наманган вилояти ва Қирғизистон Республикасининг Жалолобод областининг чегарадош ҳудудларида ўтказилган тадқиқотларимизда денгиз сатҳидан 550 метр баландликдан 850 метр баландликкача бўлган яйловларда чигирткаларнинг тарқалиш ўчоқлари мавжудлиги аниқланди. Илмий изланишлар натижасида Наманган вилояти Чортоқ тумани ҳудудида 7138 гектар яйловда чигирткаларнинг тарқалиш ўчоқлари мавжудлиги белгилаб олинган бўлса, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод туманининг мамлакатимиз билан чегарадош ҳудудларида 33 минг 748 гектар яйловларда зарарли чигирткалар тарқалиши мумкин бўлган майдонлар мавжудлиги аниқланди ва ГИС ёрдамида харитага белгиланди (1-2-расмлар). Наманган вилояти билан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод области билан чегарадош бўлган ҳудудларида денгиз сатҳидан 800 метр баландликдан 1080 метр баландликкача бўлган жойларда чигирткаларнинг тарқалиш ўчоқлари мавжудлиги аниқланди.

Мониторинг натижасида Наманган вилоятининг Уйчи тумани чегаравий ҳудудларида 820 гектар яйловда чигирткаларнинг тарқалиш ўчоқлари белгилаб олинди, харитага туширилган бўлса, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод областида Наманган вилояти билан чегарадош бўлган ҳудудларида умумий ҳисобда



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг Наманган вилояти Чортоқ тумани ва Қирғизистон Республикасининг Жалолобод области билан чегаравий ҳудудларда чигирткаларнинг тарқаладиган майдонлари (Google.earth дастурининг ГИТ тизими орқали амалга оширилган сурат).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси Наманган вилоятининг Уйчи ва Қирғизистон Республикасининг Жалолобод области билан чегаравий ҳудудларда чигирткаларнинг тарқаладиган майдонлари. (Google.earth дастурининг ГИТ тизими орқали амалга оширилган сурат).

1427 гектар майдонда тарқалиш ўчоқлари аниқланди ва ГИС ёрдамида харитага белгиланди. Бу харитани ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш чигирткаларга қарши курашувчи давлат хизмати ходимларининг фаолиятини

сезиларли даражада енгиллаштиради.

Санжарбек УСМАНОВ,
қ.х.ф.ф.д.(PhD), доцент,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Нуржанов А.А., ва бошқалар. Зараркундаларга қарши курашда геоахборот тизими технологиясидан фойдаланиш. Урганч. 2018. 72 б.
2. Отчёт Технического Семинара по Саранчовым на Кавказе и в Центральной Азии. Ташкент. Узбекистан, 11-15 ноября, 2013 г. 48 с.
3. Туфлиев Н.Х., ва бошқалар. Ўзбекистоннинг трансегаравий ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларга қарши илмий асосланган кураш тизимини ишлаб чиқиш. Оралиқ ҳисобот. 2018, 2019 й. Тошкент. 96 б.
4. Ramesh Sivanpillai, Alexander V. Latchinsky. Can late summer Landsat data be used for locating Asian migratory locust *Locusta migratoria migratoria* oviposition sites in the Amudarya River delta, Uzbekistan? // *Entomologia Experimentalis et Applicata* 128(2):346-353. May 2008
5. Usmanov, S., & Gapparov, F. (2020). Biological Efficiency Of New Insecticides Against Harmful Locusts In Uzbekistan. *The American Journal of Applied sciences*, 2(09), 299-303.

УДК: 632

ИССЛЕДОВАНИЕ

АКТУАЛЬНОСТЬ ИНТРОДУКЦИИ И АККЛИМАТИЗАЦИИ ПЕРСПЕКТИВНОГО ВИДА ИЗ СЕМЕЙСТВА TRICHOGRAMMATIDAE

Аннотация. В этой статье представлена информация о важности внедрения специализированного вида трихограммы для лесного биоценоза и биоэкологические характеристики энтомофага. Определено влияние абиотических факторов в лабораторных условиях на развитие интродуцированного вида - *Trichogramma dendrolimi*.

Annotation. This article provides information on the importance of introducing a specialized type of trichogram for forest biocenosis and bioecological characteristics of the entomophage. The influence of abiotic factors in laboratory conditions on the development of an introduced species - *Trichogramma dendrolimi* was determined.

Экологические проблемы, возникающие во всем мире, неразрывно связаны с лесным биоценозом и сельским хозяйством и требуют разработки новых технологий и системы экологической борьбы, научных исследований и внедрения. Возрастание в последующие годы эффективных биологических методов при защите растительного мира от вредителей и борьбы с ними привело к необходимости к дальнейшему совершенствованию существующих технологий, биологической борьбы и в частности поиска новых видов полезных насекомых, и также привело к их внедрению на практику технологий

интродукции и размножения.

На сегодняшний день, более ста видов представителей отряда чешуекрылых наносят большой экономический ущерб не только на сельскохозяйственные культуры, но и на лесные биоценозы нашей республики. Существует несколько видов эффективных паразитических энтомофагов этих вредителей, которых можно обнаружить в сельскохозяйственных культурах. Некоторые из которых разводятся в биолaborаториях и широко используются в борьбе с вредителями. Но не существуют в нашей стране паразитических энтомофагов, которые эффек-

тивно воспроизводятся в биологических лабораториях против представителей отряда Lepidoptera, которые встречаются в наших лесных биоценозах. Поэтому, внедрение эффективных видов паразитических энтомофагов этих вредителей в лесные биоценозы, размножение в биологических лабораториях, а также разработка технологий их применения против вредителей и оценка биологической эффективности представляют собой важное, научное и практическое значение.

Известно, что учеными мира было проведено много исследовательских работ по интродукции полезных энтомофагов.

Согласно таким исследованиям, в 1910 году И.В.Васильев и в 1912 году А.Ф.Радецкий провели исследования по применению вида трихограмма *embryophagum* в садоводческих хозяйствах Самарканда и Ташкентской области, которую привели из Астрахани.

В 1970-х годах в научно-исследовательском институте защиты растений, где *Trichogramma minutum* Riley интродуцировано из Америки и применялась против хлопковой совки но эффективность была относительно низкой.

А также, проведены исследования по использованию этого вида в Таджикистане против хлопковой совки из расчета 100 тыс. на гектар, но биологическая эффективность этой трихограммы составила всего 32,9-46,0%. А при внесении 65-70 тыс. на гектар местных видов биологическая эффективность составила 38,0 - 67,1%.

В последующие годы плотность популяции представителей отряда чешуекрылых в лесном биоценозе нашей страны увеличивается из года в год и наносит значительный экономический ущерб. Несмотря на то, что работа в этом направлении ведется, масштабы ущерба от этих вредителей расширяются.

Настоящее время в лесных биоценозах нашей республики наблюдается повышение вредоносности представителей отряда Lepidoptera который наносит большой экономический ущерб и это создает необходимость внедрения новых перспективных видов трихограмм. Причина этого считается в отсутствии специализированных видов трихограмм против представителей отряда Lepidoptera, обитающих в лесных хозяйствах. Исходя из актуальности, начали научные и практические исследования по интродукции вида *Trichogramma dendrolimi* из Китайской Народной Республики с целью эффективного

управления численностью представителей отряда чешуекрылых, чтобы уничтожить их еще в фазе яйца. Основной целью был выбор оптимального вида из представителей семейства Trichogrammatidae, эффективного в управлении численностью представителей отряда чешуекрылых, широко распространенных в настоящее время в лесном биоценозе нашей страны, а также наносящего значительный экономический ущерб.

Мы решили интродуцировать *Trichogramma dendrolimi*, который считается наиболее эффективным яйцевым паразитом из 18 поколений семейства Trichogrammatidae против вредителей как ореховая плодожорка - *Erschoviella musculana* Ersch., яблонная моль - *Yponomeuta malinellus* Zell., непарный шелкопряд - *Lymantria dispar*, златузка - *Euproctis chrysorrhoea* и другие.

Trichogramma dendrolimi была интродуцирована из Китайской Народной Республики в лабораторию «Научно-исследовательский центр биологической защиты растений» Ташкентского государственного аграрного университета под руководством профессоров Х.Х.Кимсанбаев и Р.А.Жумаевым. Интродуцирование проводился в 10 этапов. Затем были проведены исследования по изучению биологических характеристик этого вида.

Trichogramma dendrolimi широко используется в лесных биоценозах во многих странах Азии и Южной Америки как Пакистан, Бангладеш, Таиланд, Япония, Китай, Малайзия, Индонезия, а также в Гавайских островах в управлении количеством вредных совок.

Trichogramma dendrolimi была впервые идентифицирована японским ученым Матсумарой (1926).

Trichogramma dendrolimi соответствует виду *Trichogramma chilonis* по размерам тела и составляет 0,4-0,5 мм, окраска тела коричневая, начало брюшной части темно-коричневое. Усы самки 5-членистое, покрыты редкими волосками, усы самца имеют 3-членистое и относительно определяется густыми длинными волосками.

Есть передние и задние крылья, слегка выступающие из тела. Передние крылья широкие, покрыты мелкими волосками. На передних крыльях есть настоящие, выпуклые и вогнутые жилки. Жилки передних крыльев которые считаются подкрыльями жилками в основном прикреплены к телу. Задние пары крыльев узкие, покрыты

волосками. В середине заднего крыла имеются густые, линейно расположенные волоски.

Брюшко широкое, верхняя часть округлая. Яйцо откладывает скрыто, яйцокладка расположена в нижней стороны брюшка. Самцы очень похожи по внешнему виду на самки. Описание следов волос усиков и крыльев вида *Trichogramma dendrolimi* считается одним из его основных морфологических признаков. По этой причине отмечается, что при определении вида необходимо использовать в основном морфологические признаки и генеталии самца и самки.

Trichogramma dendrolimi зимует в лесных биоценозах главным образом в яйцах стволовых вредителей, листовёрток, а также листогрызунов. Перед уходом в диапаузу трихограмма ищет яйцо вредителя, которое ему нужно в природе. Однако в некоторых случаях другие виды бабочек впадают в спячку в своих яйцах. Трихограмма отправляется на зимовку в конце октября и покидает зимовку в первой декаде апреля.

Нижний температурный критерий для развития энтомофага *Trichogramma dendrolimi* со-

ставляет +5-7°C. Сумма полезных температур составляет 210-220°C.

В период 2018-2020 годов в биолaborатории Ташкентского государственного аграрного университета был проведен ряд экспериментов с целью определения биологических показателей и характеристик *Trichogramma dendrolimi*.

С целью определения биологических показателей *Trichogramma dendrolimi* в лабораторных условиях было проведено несколько экспериментов на яйцах зерновой моли (*Sitotroga cerealella*) при температуре воздуха +27-28 °C и относительной влажности воздуха 65-70% (таблица 1).

Эксперимент был проведен в 3 раза по 15 повторений. Среднее количество яиц трихограммы составило 55,2 штук. Продолжительность жизни самки длилась 11 дней.

В биолaborаторных условиях определено влияние абиотических факторов на соотношение полов в развитие трёх поколений лесной трихограммы-*Trichogramma dendrolimi*. Определили влияние различных температур и

Таблица 1.

Средние биологические показатели *Trichogramma dendrolimi* в разных видов хозяина при температуре +27-28°C и влажности 65-70 % ТашГАУ, Биоцентр 2018-2020 гг.

№	Плодовитость (шт)	Продолжительность жизни самки (день)	Развитие с яйца до имаго (день)	Соотношение полов ♂: ♀
1	40	11.7	9.3	1:5
2	62	12.3	8.6	1:4
3	56	11.0	10.8	1:7
4	52	7.6	9.0	1:4
5	66	8.5	8.5	1:6
6	50	13.5	9.2	1:8
7	45	9.8	11.5	1:5
8	57	13.2	8.5	1:6
9	59	13.6	10.0	1:5
10	60	10.7	9.0	1:8
11	63	11.3	8.3	1:6
12	56	7.4	11.5	1:4
13	50	12.8	8.0	1:7
14	46	8.6	9.4	1:6
15	67	13.9	8.2	1:5
Среднее	55.2	11.0	9.3	1:6

влажности воздуха на соотношение полов для каждого поколения.

Заражение яиц этим видом проводилось в условиях низкой температуры +15°C, высокой +28°C и при относительной влажности воздуха 50, 60, 70%.




Рисунок 1. Влияние абиотических факторов на соотношение полов в развитие *Trichogramma dendrolimi*.

Согласно результатам, подвижность трихограммных пород была значительно замедлена, когда первому поколению *Trichogramma dendrolimi* была назначена температура воздуха +15°C, а относительная влажность воздуха со-

ставляла 70%, и степень повреждения яиц была низкой - 22,4%.

Для развития второго поколения температура воздуха составляла +20°C, и когда относительная влажность воздуха была установлена 60%, уровень зараженности яиц трихограммой составлял 56,7%, а соотношение полов составляло 3:8.

Когда температура воздуха была установлена на +28°C для третьего поколения и относительная влажность воздуха составляла 50%, повреждение яиц 80,9%, а соотношение полов (♂:♀) 2:6. Период развития одного поколения составило 11,2 дней.

Вывод. При размножении вида *Trichogramma dendrolimi* в биолaborаториях установлено, что температура воздуха +27-

28±3°C и относительная влажность воздуха 50±2% благоприятны для развития яйцеедов.

Азиза РАХИМОВА,
Андижанский институт сельского хозяйства
и агротехнологий.

ЛИТЕРАТУРА

1. Адашкевич Б.П. Биофабрикаларда трихограммаларни кўпайтириш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 1987. – №5. – Б. 44.
2. Анорбаев А.Р. Трихограмминг турли популяцияларини ўзаро таққослаш // Ж. Ўзбекистон Миллий Университети хабарлари. – Тошкент, 2015. – №3/2. – Б. 23-26.
3. Атамирзаева Т.М. Фауна и экология трихограммы. (Hymenoptera, Trichogrammatidae, Trichogramma) Автореферат. – Ташкент, 1994. – С.21.
4. Бачинская О. Оптимизация структуры культур чешуекрылых насекомых для программ биологического метода защиты растений. Диссертация на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. – Харьков, 2005. – С. 53-55.
5. Жумаев Р.А. Массовое размножение трихограммы на яйцах хлопковой совки в условиях биолaborатории и ее применение в агробиоценозах // Халқаро илмий-амалий конференция "Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги" мақолалар тўплами. —Тошкент, 2016. – Б. 193-196.
6. Кимсанбаев Х.Х., Рахимова А.А., Жумаев Р.А. *Trichogramma dendrolimi* турининг систематикаси, биоэкологияси ва экстремал шароитга мослашувчанлиги // "Agro Kimyo Himoya va o'simliklar karantini" илмий-амалий журналы. — № 6, 2020. – Б. 4-5.
7. Сулаймонов Б.А., А.Рахимова., Ш.Эсанбаев., Жумаев Р.А. Фитофаги и виды энтомофагов, встречающиеся в лесном биоценозе //Ж.Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2021. – №1. – С.64-68.
8. Rakhimova Aziza The Relevance Of The Issue Of Introduction And Acclimatization Of A Promising Species Of The Family Trichogrammatidae NeuroQuantology December 2022 Volume 20. Issue 16. Page 3962-3967.

ҚОРА ПОЛИЭТИЛЕН ПЛЁНКА ТЎШАЛГАН ЭГАТЛАРДА ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ САМАРАСИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришида суғориш сувини тежамкор агротехник усули, яъни уни қатор ораларига плёнка билан тўшалган эгатлардан суғориш, шунингдек, плёнкатўшагич машинасини конструктив тузилиши ҳамда ушбу суғориш усулининг самараси баён этилган.

Аннотация. В статье излагается экономичный агротехнический способ полива сельскохозяйственных культур, т.е. полив его по бороздам междурядия, уложенных пленкой, а также конструкция машины для укладки пленки и эффективность этого способа полива.

Annotation. The article describes an economical agrotechnical method of watering crops, i.e. watering it along the furrows of the row spacing laid with film, as well as the design of the film laying machine and the effectiveness of this irrigation method.


Республикамызда сув танқислиги табора намоён бўлмоқда ва келажақда яна кескинлашиши эҳтимоли бор. Шу сабабли, сувни тежаш, ундан оқилонга фойдаланишга доир масалаларнинг ечимини топиш ва уни амалга ошириш зарур. Экинларни пала-партиш суғориш, суғориш меъёрига эътибор бермаслик оқибатида ортиқча сув сарф қилиниши билан бирга, ҳосилдорликка кўплаб зиён етказилади ҳамда экин майдонларида қўлмақлар, ботқоқлар пайдо бўлади. Натижада, экология ёмонлашади.

Ҳозирда далаларни эгат орқали суғориш усули ўзининг соддалиги туфайли энг кўп тарқалган бўлиб кенг қўлланиб келмоқда. Суғоришнинг бу усулининг бир неча ноқулай томонларига қарамаздан биронта янги суғориш усули уни сиқиб чиқара олгани йўқ ва эгатлар орқали суғориш барча суғориладиган майдонлар учун, ҳозирча ягона усул бўлиб қолмоқда. Эгатлар орқали суғоришнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Энг асосий камчилиги ғўзани эгатлар орқали суғориш усули механизациялашмаган. Сувни эгатларга тақсимлаш мураккаб бўлиб, фақат қўлда бажарилади. Бундан ташқари, ҳар бир сувдан кейин намликни сақлаш учун қатор ораларига култиваторлар билан ишлов берилади.

Эгатдан сув оқаётганда тупроқ емирилиши (эрозия) ҳосилдор қисмини ювилиб кетиши кузатилган. Сувнинг самарасиз буғланиши натижасида ҳар бир гектар майдонида 2,0-2,5 м³ сув бекорга сарф бўлади. Плёнка ғўза қатор ораларига оралатиб (расмга қаралсин), тракторнинг орқа ғилдираклари ўтадиган эгатларига махсус плёнка тўшагич машинаси ёрдамида тўшалади. [1]

Қора полиэтилен плёнка билан мулча-лаб суғориш усулини кўп йиллар давомида хўжаликларда ўтказилаган дала тажрибалари натижалари ҳамда ғўзани парваришlash технологияларида эгатларни мулчаламасдан суғоришга нисбатан мавсумий суғориш меъёри иқтисод қилиниб, ҳосилдорлик ошганини кўрсатади.

Пахтачилик илмий-тадқиқот институти томонидан анъанавий суғоришнинг салбий оқибатларини бартараф этадиган қора полиэтилен плёнка тўшалган эгатларда суғориш технологияси ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқариш синовларининг ижобий натижаларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги ушбу суғориш сувини тежайдиган технологияси пахтачиликда жорий этишга тавсия этилган.



Оралатиб плёнка
тўшалган эгатлар

Мазкур суғориш технологияси республика-мизнинг Сирдарё, Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларида ишлаб чиқариш синовларида ўтказилган ва унинг самарадорлиги юқори эканлиги исботланган. Синовлар натижаларида маълум бўлдики, янги суғориш технологияси сув сарфини 10-15% га камайтириш, пахта ҳосилдорлигини эса гектар ҳисобига 5-6 центнерга ошириб бериши яққол намоён бўлди. [1].

Шу билан бирга, тадқиқотларда ғўзани қора полиэтилен плёнка тўшалган эгатлардан суғоришнинг экологик самараси бўйича ҳам кузатишлар олиб борилган. Ўтказилган тажрибаларда плёнка остида кам миқдорда парник гази буғланиши ва мутаносиб ҳолда тупроқ нематодлари сонининг камайиши, мулчаланган тупроқда карбонат ангидрид ва метан газларининг юқори концентрацияси пайдо бўлиши ҳисобига ғўзабоп озувчий режим яхшиланиши кузатилган. Шунинг билан бирга, суғоришнинг мазкур технологияси куйидаги афзалликларга эга:

Тупроқнинг эгат узунлиги бўйича бир хил намланиши таъминланади;

Қатор ораларига ишлов бериш сони камайиши ҳисобига ёнилғи-мойлаш материаллари ҳам иқтисод қилинади.

Дала юзасининг 50% плёнка билан ёпилган ҳамда қора полиэтилен плёнка остига қуёш нури

тушмаслиги натижасида бегона ўтлар нобуд бўлади ва минерал ўғитларнинг йўқотилиши камаяди;

Ќўзанинг суғориш меъёрлари ва сув истеъ-моли камаяди;

Ќўзанинг вегетация даврида мулчаланган тупроқнинг сув-физик хоссалари мақбул даражада бўлиши таъминланади;

Тупроқда биохимик жараёнларни жадаллашуви натижасида унинг биологик ферментатив фаолияти ошади ҳамда ғўзадан сифатли ва юқори ҳосил олишга қулай шароит яратилади.

Ќўза қатор ораларига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғориш сувга бўлган талабни ва энергия харажатларини камайтирадиган ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш имконини берадиган сувтежамкор технология бўлиб, олимларнинг ўтказган илмий тадқиқотлар натижалари ҳамда ишлаб чиқаришда ўтказилган ҳўжалик синовлари натижалари билан асосланган ишончли реал технологиядир.

Ќўзанинг суғориладиган эгатларига плёнка тўшашга қилинадиган сарф-харажатлар сув ва ёнилғини тежаш, қатор оралиғига ишлов беришнинг камайиши ҳамда қўшимча ҳосил олиш ҳисобига ўзини қоплайди.

Жавлонбек ИРГАШЕВ,
ҚХМИТИ мустақил тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Безбородов Г.А. ва бошқалар. Ќўзани сув тежовчи технологиялари ва суғориш муддатлари-ни тензиометр ёрдамида аниқлаш усуллари бўйича тавсиялар. ЎЗПТИ. – Тошкент, “HILIOI MEDYA” МЧЖ, 2009, 19-б.

2. Бойметов Р.И., Безбородов Г.А., Абдулхаев Х.Г., Исақова З.Х. Ќўзани полиэтилен плёнка тўшалган эгатлардан суғориш. – Тошкент, “Фан ва технология”, 2015, 24-б.

УЎТ: 633.8 (575.151)(043.3)

ТАДҚИҚОТ

ТАЖРИБА ДАЛАСИ ТУПРОВИНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИ

Аннотация. Ушбу мақолада тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлигини аниқлаш ва ерларнинг мелиоратив шароитлари яхшилашда тупроқдаги турли ўзгаришлар тупроқдаги умумий озиқа миқдори, хар бир жойнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, тупроқнинг чекланган дала нам сизими бир биридан кескин фарқ қилади. Экин экилган даладан сарф бўладиган сув қўнгина омиларга илдиз жойлашган қатламдаги намлик миқдорига, сув сарфи эса суғоришнинг тез-тез қайтарилишига, тупроқдаги нам захираси, об-ҳаво шароити ва сифатли ўтказиш даражасига ҳам боғлиқ. Замонавий ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш имкониятлари, муаммоларни ечиш

бўйича таҳлиллар, ортиқча сув йўқотилишига барҳам бериш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Аннотация. В данной статье для определения водопроницаемости почвы опытного поля и улучшения мелиоративных условий, различных изменений в почве, количества общих элементов питания в почве, почвенно-климатических условий каждого места и ограниченная полевая влагоемкость почвы резко отличаются друг от друга. Количество воды, потребляемой с обрабатываемого поля, зависит от многих факторов, количества влаги в слое, где находятся корни, а расход воды зависит от частой возвратности полива, запаса влаги в почве, погодных условий и т.д. уровень качества передачи. Применение в современном производстве, анализ решения проблем, устранение избыточных потерь воды – главная задача сегодняшнего дня.

Annotation. In this article, to determine the water permeability of the soil of the experimental field and to improve the land reclamation conditions, various changes in the soil, the amount of total nutrients in the soil, the soil and climatic conditions of each place, and the limited field moisture capacity of the soil are drastically different from each other. The amount of water consumed from the cultivated field depends on many factors, the amount of moisture in the layer where the roots are located, and the water consumption depends on the frequent return of irrigation, the moisture reserve in the soil, weather conditions, and the level of quality transmission. Applications to modern production, problem solving analysis, elimination of excess water loss is the main task of today.

Кириш. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, унинг ҳажмий массаси, ғоваклиги, механик таркиби ҳамда сув ўтказувчанлигига бевосита таъсир этади.

Механик таркиби енгил тупроқларда сув ўтказувчанлик юқори бўлса, механик таркиби оғир тупроқларда эса анча паст бўлади. Тупроқларнинг ушбу хусусияти муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик томонидан озика элементларининг ўзлаштирилиши, аэрация мухитининг яхшиланишида, илдиэ тизимининг баравж ривожланишида катта роль ўйнайди. Дала тажрибаси ўтказилган майдонда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди.

Тажриба даласида мавсум боши ҳамда мавсум охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқлаб борилди. Мавсум бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги умумий фонда аниқлаш учун 3 та нуқтада 6 соат давомида кузатувлар олиб борилди. Бунда, 6 соат давомида $865,1 \text{ м}^3$, икки соатда эса ўртача $152,5 \text{ м}^3$ сув сингдирилганлиги кузатилди. Таҳлил қилинганда, дастлабки 3 соатда сув ўтказувчанлик анча тез кечиб, $91,3 \text{ мм/мин}$ га, кейинги 3 соатда эса $18,3 \text{ мм/мин}$ га тенг бўлди. Демак, вақт ўтиши билан тупроқ зичлашиб, унинг сув ўтказувчанлиги пасайиб боради. Кузга бориб қатор ораларига ишлов

бериш ва бошқа тадбирлар таъсирида ҳайдов ва ҳайдовости қатламларида тупроқнинг ҳажмий массасининг ортиши, ғовакликнинг эса пасайиши туфайли тупроқ сув ўтказувчанлигининг кескин камайганлигини эътироф этишимиз мумкин (1-жадвал).

Тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги унинг муҳим сув-физик хоссаларидан бири ҳисобланади. Бу бевосита суғориш сувлари меъёрлари ва қатор орасига ишлов бериш сонига боғлиқ ҳолда ўзгариб, амал даври бошидан охирига қараб турлича кўрсаткични ташкил этади.

Ўзанинг ўсув даврида ўтказилган суғоришлар ва қатор орасига берилган ишловлар натижасида тупроқ зичлашиши натижасида, унинг сув ўтказувчанлиги оддий эгат орқали суғорилган 1-назорат варианты ва оддий эгатдан фертигация усулида суғорилган 2-вариантда 6 соат давомида жами $723,8 \text{ м}^3/\text{соат}$, эгилувчан қувурлар ёрдамида фертигация усулида суғорилган 4-7 вариантларда 6-соатда жами $763,4 \text{ м}^3/\text{соат}$ ни ташкил этган бўлса, эгатни қора полиэтилен плёнка тўшаб суғорилган 3, 6 ва 9-вариантларда бу кўрсаткич мос ҳолда жами $860,7 \text{ м}^3/\text{соат}$ га тенг бўлди.

Маълумки, тупроқнинг ҳажмий массаси ортган сари унинг ғоваклиги пасаяди. Бизнинг тадқиқотларимизда, ўзанинг амал дав-

1-жадвал.

Ўзанинг ўсув даври бошидаги тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/соат (2020-2022 й.)

Аниқлаш муддатлари	Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м ³ соат						Ўртача 6 соат давомида
	1	2	3	4	5	6	
09.04.2020 й.	448,3	151,3	91,3	72,6	52,7	48,9	865,1
06.04.2021 й.	440,6	152,6	94,8	71,5	54,9	47,7	862,1
07.04.2022 й.	443,6	153,6	86,6	68,9	55,6	46,5	854,8
Ўртача 3 йилда	444,2	152,5	90,9	71,0	54,4	47,7	860,7

2-жадвал.

Ўзанинг ўсув даври охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/соат (2020-2022 й.)

Сугориш усуллари	Тупроқнинг сув ўтказувчанлигини кузатув соатлари						Ўртача 6 соат давомида
	1	2	3	4	5	6	
2020 йил							
Одий эгатдан	350,3	122,2	93,1	63,8	46,8	41,2	717,4
Очик эгатдан	353,3	125,6	96,7	51,2	49,7	38,8	715,3
Плёнка тўшалган эгатдан	370,6	132,7	108,5	52,6	45,3	41,7	751,4
2021 йил							
Одий эгатдан	352,6	126,3	98,4	66,8	47,5	36,3	727,9
Очик эгатдан	362,5	133,4	112,7	56,4	45,5	33,4	743,9
Плёнка тўшалган эгатдан	375,1	130,1	111,3	62,4	48,7	39,9	767,5
2022 йил							
Одий эгатдан	359,3	131,3	101,7	53,4	41,8	38,6	726,1
Очик эгатдан	363,6	130,7	106,5	55,4	43,5	37,7	737,4
Плёнка тўшалган эгатдан	362,4	138,4	111,9	58,5	44,5	36,9	752,6

ри бошида тупроқнинг ғоваклиги 0-30 см ҳайдов қатламида 50,3% ва 30-50 см ҳайдов остида 49,6% ҳамда 50-70 см ва 70-100 см қатламларида ўртача 48,5% ташкил этди. Ўсув даврининг охирига келиб, азотли ўғитлар анъанавий усулда қўлланилганда тупроқнинг ғоваклиги ҳайдов ва ҳайдовости (0-30 ва 0-50 см) қатламларида 46,2 ва 47,0% ундан пастки қатламларида ўртача 46,6% га тенг бўлди.

Азотли ўғитлар фертигация усулида қўлланилганда ғоваклик ўсимликнинг илдизи асосан тарқалган (100 см) қатламда эса бирмун-

ча юқори бўлиб ўртача 47,7% ташкил этди.

Шунингдек, тупроқ ғоваклигининг энг яхши кўрсаткич фертигация қўлланилган пленка тўшалган вариантларда қатламлар бўйича 48,5%, 48,1%, 47,7 ва 47,4% га тенг бўлди. Бу плёнка тўшалмаган эгатларга нисбатан эгат орасига техника билан кам ишлов берилганлигида ҳамда сўғоришда сув қора полиэтилен плёнка билан мулчаланганлиги сабаби тупроқнинг ғоваклиги ортиши кузатилди.

Абдуқодир БУТАЯРОВ, т.ф.ф.д.,(PhD)

Термиз мухандислик-технология институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Decree No. PF-6024 dated July 10, 2020 of the President of the Republic of Uzbekistan «On approval of the concept of water management development of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030».

2. Butayarov A.T. Improvement of water use in farms in the territory of «Amu-Surkhan» ITSB. // «AGROILM» magazine special issue 4.(60). -Tashkent, 2019. -B. 79 - 81.

3. Butayarov A and Serikbaev B «CONMECHYDRO-2020» PRIME pacific rim meeting 2020 october-4-9.2020.10-18p. "Operational responsibility and operational reliability of cotton drip irrigation systems".

4. Butayarov A.T., Serikbaev B.S. Improvement of water use in farms in the territory of Amu-Surkhan ITXB. Scientific bulletin of TerDU is a scientific-methodical journal. #1.(01) September. -Termiz, 2019. p16-19.

5. Butayarov A.T. Status of water use in the Amu-Surkhan irrigation system basin administration. International conference of innovative science and education. November 2020 «Sbornik nauchnyx trudov Pavlodar, Kazakhstan» November, 2020 -St. 132-139.

6. Postel, S. Drip Irrigation Expanding Worldwide [Электронный ресурс] // National Geographic. URL: <http://newswatch.nationalgeographic.com> 2012/06/25/drip-irrigation-expanding-worldwide/ (дата обращения: 06.08.2012). –Pp. 171.

7. Handbook of ecology - climatic characteristics. g. Moscow. A.A. Isaeva. MGU, 2005. Pp.-412.

8. Butayarov A.T. Improvement of water use in farms in the territory of «Amu-Surkhan» ITSB. // «AGROILM» magazine special issue 4.(60). -Tashkent, 2019. -Pp. 79 - 81.

9. Бутаяров А.Т. Пахтачиликда сув ресурсларини тежайдиган технологиялардан фойдаланиш. // "AGRO ILM" jurnali 5(62) son. –Тошкент, 2019. –Б. 75 - 76..

UO`T: 338.1

TADQIQOT

QISHLOQ XO'JALIGIDA SUG'ORISHNING EKOLOGIK VA IQTISODIY XUSUSIYATLARI

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada qishloq xo'jaligida suv resurslaridan samarali foydalanish haqida fikr-mulohazalar keltirilgan. Qolaversa, qishloq xo'jaligida sug'orishning ekologik va iqtisodiy xususiyatlari ochib berilgan.*

O'zbekiston suv resurslarining kelgusi balansiga mintaqaning asosiy daryolari shakllanadigan muzliklarning jadal erishi, iqlim o'zgarishining boshqa jihatlari, shuningdek, aholining suvga ortib borayotgan ehtiyojlari va sanoatning rivojlanishi ta'sir ko'rsatadi.

Butun Markaziy Osiyodagidek, O'zbekistonga ham iqlim o'zgarishi, avvalo, hududning asosiy daryolarini shakllantiradigan tog' muzliklarining erishi bilan tahdid soladi. So'nggi 50-60 yil davomida muzliklar maydoni taxminan 30 foizga qisqargan. Taxminlarga ko'ra, harorat 2 darajaga ortganda muzliklar hajmi 50 foizga, 4 darajaga isiganda – 78 foizga kamayadi.[5]

Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish tizimlarining qabul qilingan klassifikatsiyasiga ko'ra, sug'oriladigan qishloq xo'jaligi gidroliz tuzilmalari yordamida sun'iy sug'orish asosida, mavsumiy yog'inlar yetarli bo'lmagan hududda qishloq xo'jaligi deb tushuniladi. Shu bilan birga, sug'orish namlik yetishmasligini boshdan kechirayotgan

maydonlarga suv yetkazib berish, unumdorligini oshirish maqsadida tuproqning ildiz qatlamida uning zaxiralari ko'payishi deb hisoblanadi. [1]

Qishloq xo'jaligida sug'orishning asosiy maqsadi – chorvachilik mahsulotlarini yetishtirishni ko'paytirish va shu orqali yetarli sondagi aholini atrof-muhitga mos oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash, shu asosda aholi salomatligi holatini mustahkamlash, shuningdek, yer resurslaridan qayta tiklash va ratsional foydalanish, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining tabiiy va iqlimiy omillarga bog'liqligini kamaytirishdan iborat.[2]

Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining kuchayishida sug'orishning salbiy ta'siri quyidagi sohalarida amalga oshiriladi:

1) Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yerlarda sifat jihatidan yaxshilanish mavjud.

2) Iqtisodiy aylanma tabiiy va iqlim sharoitlari tufayli (birinchi navbatda, kam namlik ta'minoti) yomg'ir bilan oziqlangan, qishloq xo'jaligida

qo'llanilishi mumkin bo'lmagan yerlarni o'z ichiga oladi.

3) Suv-havo rejimi tomonidan tuproq va sirt havosini sun'iy tartibga solish iqlim omillarining hosildorligiga salbiy ta'sirini kamaytiradi.

4) yetishtiriladigan ekinlar oraliq'i kengayib bormoqda, bu esa qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini diversifikatsiyalashga hissa qo'shmoqda.

5) Tuproq aloqasi kuchayadi, bu shamol, yaylov va antropogen eroziyaning salbiy ta'sirini kamaytiradi, shuningdek, qishloq xo'jaligi yerlarining sho'rlanishi va cho'llanishining oldini olishga yordam beradi.[3]

MDH olimi akademik A.N.Kostyakov sug'oriladigan qishloq xo'jaligida suv resurslaridan foydalanish samaradorligining kamayishini belgilovchi asosiy tashkiliy-texnik omillar sifatida quyidagilarni keltiradi:

1) Fermer xo'jaliklararo va fermer xo'jaligida tarqatish kanallari hamda quvurlarining qoniqarsiz texnik holati, shuningdek, sug'orish tizimlarida gidravlik konstruksiyalar.

2) Sug'orish suvlarini tashish masofasining ortishi.

3) Sug'orish rejimiga rioya qilmaslik, suv ta'minoti jadvali, sug'orish va sug'orish standartlaridan oshib ketishi.

4) Fermer xo'jaliklariga suvni vaqtsiz yetkazib berish.

Fermer xo'jaliklari va fermer xo'jaliklaridagi taqsimot kanallarining texnik holati sug'orishda suv yo'qotishlarining asosiy sababi bo'lib, ular umumiy hajmining katta qismini tashkil etishi mumkin

Tadqiqotchilar fikricha, sug'orish suvidan samarasiz foydalanishning asosiy sababi uning qoniqarsiz texnik holat bilan kanal to'shagi orqali

infiltratsiya natijasida yuzaga kelgan yuqori yo'qotishidir. Sug'orish suvlaridan irratsional foydalanish nojo'ya oqibatlarning paydo bo'lishiga va sug'oriladigan yerlarning ekologik holati yomonlashuviga olib keladi. Bu ularning sho'rlanishi, suvsizlanishi, yerosti suvlari sathining ko'tarilishi, eroziya jarayonlari bilan ifodalanadi.[4]

Shu bilan birga, S.Ya.Bezdninaning tadqiqotlarida ta'kidlanganidek, sug'oriladigan yerlarning unumdorligini saqlab qolish uchun atrof-muhit va resurslarni tejash chora-tadbirlarini doimo amalga oshirish zarur.

Resurslarni tejash sug'oriladigan qishloq xo'jaligi samaradorligini oshirishda asosiy omillardan biri bo'lib, uning asosiy xususiyati resurslar intensivligini oshirishdir. Sug'orishda yuqorida muhokama qilingan suv iste'molining sezilarli miqdordan tashqari, sug'orish suvini quyish uchun ham katta miqdorda elektr energiyasidan foydalanilmoqda. Bu esa yomg'irli qishloq xo'jaligiga qaraganda gektar ekiladigan yerlarni yetishtirish uchun xarajatlarning sezilarli darajada yuqori bo'lishiga sabab bo'ladi.

Suv xo'jaligining turli huquqiy maqomiga ega bo'lgan sug'oriladigan fermer xo'jaliklari faoliyatining muhim xususiyatlari suv xo'jaligi kompleksini boshqaruvning yirik shakllari asosida rivojlantirishning muhimligini ko'rsatadi. Sug'oriladigan qishloq xo'jaligini tiklash, ko'plab tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, faqat davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash evaziga amalga oshirilishi mumkin emas. Suv xo'jaligi kompleksini qayta tiklashda eng muhim rolni suvdan foydalanuvchilarning o'zlari o'ynashlari kerak.

Sayfullo AXMEDOV,

i.f.n., Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mustaqil tadqiqotchisi.

ADABIYOTLAR

1. Ерхов Н.С. Мелиорации сельскохозяйственных земель: сущность, методология, концепция / Н.С. Ерхов // Мелиорация и водное хозяйство, 2003. №1. С. 13-16.
2. Костяков, А.Н. Основы мелиорации / А.Н. Костяков. - М.: Сельхозиздат, 1960. - 621 с.
3. Шумаков, Б.Б. Мелиорация и водное хозяйство. Орошение; справочник / под. ред. Б.Б. Шумакова. - М.; Колос, 1999. - 432 с.
4. Сметанин А.Ю. Разработка и обоснование системы платежей за использование водных ресурсов в орошаемом земледелии. Дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов, 2012 г.
5. <https://kun.uz/uz/25862028>

КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари кенг ёритилган. Қолаверса, рақамли иқтисодиёт ривожланиши шароитида, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга биноан корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини таъминлаш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Аннотация. В данной статье широко освещаются динамика и современное состояние обеспечения экономической безопасности промышленных предприятий. Кроме того, в условиях развития цифровой экономики выявлена важность обеспечения экономической безопасности промышленных предприятий и внесены предложения по обеспечению экономической безопасности промышленных предприятий.

Annotation. In this article, the dynamics and current state of ensuring the economic security of industrial enterprises are widely covered. In addition, in the conditions of the development of the digital economy, the importance of ensuring the economic security of industrial enterprises was revealed and suggestions were made for ensuring the economic security of industrial enterprises.

Кириш. Мамлакатимизда корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси бўлиб Қонунлар, Кодекслар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Низомлар ва йўриқномалар, Давлат солиқ қўмитаси томонидан чиқарилган йўриқномалар, тартиблар ва услубий кўрсатмалар, тушунтириш хатлари хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатларнинг асосларини қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин: бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари; солиқ маъмурчилиги; ҳисоб юритиш сиёсати.

Корхоналар молиявий ҳамда иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари деярли битта ҳисобланади. Корхоналар иқтисодий барқарорлигини баҳолашнинг ахборот базаси бўлиб айнан бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобланади.

Макродаражада мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган асосий меъёрий ҳужжат сифатида мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келтириш мумкин.

2022 йил 28 январда «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги

еттита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилинди[2]. Ушбу дастурда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш йўналишида қуйидаги мақсадларга эришишга қаратилган 133 та чора-тадбир белгиланган. Ушбу мақсадларга эришишда корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги ишлар таҳлил қилинганда молиявий нобарқарор корхоналар сони ошиб бораётганини маълум бўлди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1013-сонли қарори қабул қилинган. Унда давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари» — дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган бўлиб, айнан давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш учун маълум


мотларни тақдим этиш тартиби бўйича схемаси ҳамда Низоми келтирилган[3].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюция-сига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори қабул қилинган эди[4]. Унда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш йўлидаги Миллий мақсад ва вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби ташкил этилган, бу даврда мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йул харитаси» тасдиқланган. Бироқ ушбу ҳужжат 22 февралда

ўз кучини йўқотди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 32 моддадан иборат бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари, бухгалтерия ҳисоби субъектлари, объектлари, синтетик ва аналитик ҳисоб тушунчаси, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш йўллари, имзо ҳуқуқи, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва регистрларига нима кириши, активлар ва мажбуриятларни баҳолаши, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш тартиби, хусусий капитални ҳисобга олиш тартиби, молиявий ҳисобот шакллари, тақдим этиш, эълон қилиш тартиблари, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби атрофлича ёритиб берилган.

Тадқиқотимиз давомида саноат корхона-ларининг иқтисодий хавфсизлини таъминлаш мақсадида илмий-мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, анализ ва синтез, монографик тадқиқ этиш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаландик.



1-расм. Ҳисоботнинг асосий молиявий кўрсаткичлари.

Сўнгги йилларда Республикамизда солиқ соҳасини ислоҳ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва стратегияси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфёна айланма даражасини қисқартириш; хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш; солиқ тавakkалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш; давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш; давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш белгиланди.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш натижа-сида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан молия-хўжалик фаолиятини бухгал-терия ҳисоби ва счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган ва улар 21-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти сифатида тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган. 2004 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юри-тувчи субъектлар қатори сув истеъмолчилари уюшмалари ҳам ушбу стандартга тўлиқ амал қилиб келмоқдалар[5].

Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъект-ларнинг молиявий барқарорлигини ва хавфсиз-лигини таъминлашда мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати ҳам муҳим рол ўйнайди. Кейинги йилларда солиқ сиёсатига доир бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Жумладан, янги таҳрирда Солиқ кодекси қабул қилинди ва бугунги кунда солиқ солиш сиёсатининг муҳим дастаги бўлиб хизмат қилмоқда[6].

Завгородняя, Р.Л. Жамбекова, Н.А. Савин-ская, А.Кадиоровнинг илмий тадқиқотларида такомиллаштирилган[7]. Ушбу усулни қисқача тавсифлаб ўтишдан аввал, ҳисоботнинг асосий молиявий барқарорлик кўрсаткичларини кўриб чиқамиз (1-расм).

БМТнинг халқаро экспертлари молиявий барқарорлик коэффициентларини бешта тур-кумга ажратадилар:

- мустақиллик коэффициенти;
- қарз маблағларининг салмоғи;
- қарз ва хусусий маблағлари нисбати;
- дебиторлик қарзлари салмоғи;
- ўз маблағлари ва узоқ муддатли қарзга олинган маблағлар салмоғи.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги муло-ҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикри-мизча, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

1) корхона иқтисодий хавфсизлиги нафақат иқтисодий мувозанатни ушлаб туриш, балки корхонанинг ташқи таъсирлар остида янада барқарор ривожланиш тенденциясига ўтишини назарда тутати.

2) корхонанинг иқтисодий барқарорлиги турғун ривожланишидан фарқли улароқ жараён ҳисобланмайди ва иқтисодий мувозанатдан фарқли улароқ – ҳолат ҳисобланмайди. Кор-хонанинг иқтисодий хавфсизлиги – динамик тоифа бўлиб, у корхона хўжалик юритиш фа-олияти ҳолатининг вақт оралиғида ўзгариши билан боғлиқ ҳамда унинг мувозанатини тиклаш қобилиятини ўзида намоён этади.

Хусниддин УКТАМОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947- сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони, 3.2 банди \ lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. Лех.уз
3. Жамбекова Р.Л. Методология системной экономической диагностики предприятия: дис. д-ра экон. наук. СПб гос. ун-т экономики и финансов. СПб., 2020. 29 с.
4. Савинская Н.А., Багиева М.Н. Риски и устойчивость предприятия. –СПб.: Издательство СПбГУЭФ, 1999. -104 с.
5. <http://library.ziyounet.uz/uz/book/108532>.
6. <https://lex.uz/uz/docs/4106617>
7. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/39_A_Kadirov.pdf

ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хизматлар бозори самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган. Шунингдек, минтақада товар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш юзасидан ҳулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Аннотация. В данной статье показаны пути повышения эффективности рынка услуг в обеспечении экономической безопасности территорий. Также даны выводы, предложения и рекомендации по повышению эффективности рынка товаров и услуг региона.

Annotation. This article shows the ways to increase the efficiency of the service market in ensuring the economic security of the territories. Conclusions, suggestions and recommendations were also given regarding improving the efficiency of the market of goods and services in the region.

Кириш. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида минтақаларда товар ва хизматлар бозори алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки ундаги ислохотларни узил-кесил амалга ошириш орқали бозорнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодий фойда олиш, иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "...макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, ... ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир" [1].

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва босқичма-босқич рақобатбардошлигини ошириш стратегияси минтақа рақобатбардошлигини шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, асосий устувор йўналишлар ва мақсадли кўрсаткичларни асослаш ҳамда нисбий рақобат афзалликлари ва захиралар салоҳиятидан оқилона фойдаланишга асосланади.

Минтақада аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда товар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, товар ва хизматлар бозори мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда иқтисодий муносабатларни амалга ошириш асосида аҳолининг

хилма-хил товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда турли хизматларни кўрсатиш орқали бозорнинг самарадорлигини ошириш ҳолатларини кузатиш мумкин. Россиялик олимлардан Э.С.Кутяшова ҳудудий истеъмол товар ва хизматлари бозорини ўрганишда унинг ривожланиш ташхислари ва ҳудудий сиёсатни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратган [2]. В.А.Шумаев товар ва хизматлар бозори инфратузилмаси тизимини шакллантириш бўйича тадқиқотларни амалга оширган [3]. А.И.Давидюк ҳудудда истеъмол товар ва хизматлар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши борасида илмий изланишлар олиб борган [4].

Тадқиқотимизда монографик, қиёсий ва минтақавий, иқтисодий таҳлил, SWOT таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошликни оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади [5]:

- умуммиллий манфаатлар ва мамлакат миқёсида иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш;

- ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш ва минтақалараро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат, минтақа ва тармоқлар манфаатларининг мос келиши;

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишнинг принципаал тизими

I босқич	Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси	Турли ҳудудий даражаларда стратегияни амалга ошириш механизмлари
II босқич	Ўзбекистонни ҳудудий ривожлантириш стратегияси	
III босқич	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегияси	
IV босқич	Вилоятнинг туман ва шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси	

- ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг рақобат афзалликларини кластерлаштириш усули имкониятлари орқали ҳисобга олиш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг қонуний-ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини шакллантириш, турли минтақавий даражаларда рақобатбардошликни кучайтириш. Қуйида минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг принципаал тизими келтирилган (1-жадвал) [6].

Стратегияни ишлаб чиқиш борасида таклиф этилаётган ҳар бир босқичнинг ўз мақсад ва вазифалари, амалга ошириш механизмлари ва дастаклари, аниқ ишлаб чиқувчилари ва уни амалга ошириш лозим. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси бошқарув ва тартибга солишнинг турли даражаларида минтақаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Бу ўринда муҳтарам Президентимизнинг яна бир таъкидлаб ўтган сўзларини эътироф этиш жуда муҳим: “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи навбатдаги муҳим устувор йўналиш - асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси ва ҳудудий манфаатлар нуктаи назаридан вилоят рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги

мавжуд рақобат афзалликларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (енгил ва озиқ-овқат саноати, ёқилғи-энергетика мажмуаси ва бошқалар);

- минерал хомашё базани ҳисобга олган ҳолда бир қатор янги саноат тармоқларини ташкил этиш (металлургия, цемент саноати ва бошқалар);

- бой табиий-иқтисодий захиралар, авваламбор қишлоқ хўжалиги хомашёларидан, маҳаллий қурилиш материалларидан, ўсиб бораётган демографик салоҳият ва меҳнат бозоридан самарали фойдаланиш (маҳаллийлашган ва меҳнат кучини кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш);

- кўшни минтақалар, шу жумладан, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятидан, шунингдек, маҳсулот ва хизматлар (транспорт, туристик, рекреацион ва бошқалар) экспортини сезиларли даражада ошириш учун вилоятнинг қулай транзит имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш;

- минтақавий истеъмол бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобига аҳоли учун ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини босқичма-босқич ошириш учун шарт-шароитлар яратиш (аҳоли даромадларининг жадал ўсиши, ижтимоий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ривожлантириш ва бошқалар);

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш (ер, сув, минерал-хомашё захиралари ва бошқалар);

- вилоятнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун рағбатлантиришнинг самарали механизм ва шакллари жорий этиш (минтақавий кластер тизимларини ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш ва бошқалар).

Нодирбек ҚАРШИЕВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
магистри.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2020 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Хоразм ҳақиқати. 2020 йил 18 январь. № 5 (19351).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2002 - 117б.

4. Саидов О.С. ва бошқалар. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Фан, 2003. - 27 б.

5. Кутяшова Е.С. Региональный рынок потребительских товаров и услуг: экономическая диагностика развития и совершенствование региональной политики. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Ижевск; 2004 йил.

6. Шумаев В.А. Формирование системы инфраструктуры рынка товаров и услуг. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Москва; 2001 йил.

УО`Т: 338.1

SULI UNI QO‘SHISH ORQALI XAMIRNING REOLOGIK XUSUSIYATLARINI YAXSHILASH REJIMINI TANLASH

***Annotatsiya.** Suli uni qo‘shishda xamir reologik xususiyatlarini inobatga olingan holda foydalanish maqsadga muvofiqdir. Ma‘lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, un aralashmasiga suli uni mahsulotlarini qo‘shilishi unning suvni singdirish qobiliyatini oshirishga olib keladi va tayyorlashda yoriqlar paydo bo‘ladi. Bu bug‘doydan ko‘ra suli unining kraxmal donalarining tuzilishi, shuningdek, oqsil va klechatka tolasining yuqori miqdori, shu jumladan β -glyukanlar bilan bog‘liq.*

Suli doni tarkibida o‘rtacha 13,3% oqsil, 4,7% moy, 40,1% kraxmal, 13,2% klechatka, 4,0% kul, B guruhi vitaminlari bor. Suli donidan har xil yormalar va un tayyorlanadi.

Suli uni yuqori biologik qiymatga ega. Tavsiya etilgan texnologiya bo‘yicha olingan suli unidagi oqsil miqdori eng yuqori navli bug‘doy uniga qaraganda deyarli 40% yuqori. Suli uni tarkibida aminokislotalar tarkibida muvozanatli oqsil mavjud. Biroq, suli uni kam pishirish xususiyatlariga ega, chunki kleykovina hosil qiluvchi oqsillar deyarli yo‘qligi, shuningdek, murakkab erimaydigan uglevodlarning ko‘payishi.

Yuqorida aytilganlarni hisobga olgan holda, pishirishda suli uni faqat pishirish uniga qo‘shimcha sifatida ishlatilishi mumkin. Ushbu tadqiqotda, suli unidan tashqari, minerallar va vitaminlarning qo‘shimcha manbai bo‘lgan un kompozitsion aralashmasi tarkibiga boshqa komponentli yaxshilagichlar qo‘shish taklif etiladi.

Tadqiqotda birinchi va oliy navli bug‘doy unidan foydalanilgan.

Aniqlanishicha, tadqiqotda foydalanilgan bug‘doy uni sifati ham oliy navi, birinchi navi me‘yoriy hujjatlar talablariga javob beradi. Shu bilan birga, birinchi navli bug‘doy unini non pishirish sifati: namlik - 12,9%, xom kleykovina miqdori - 34%, IDK da kleykovina sifati - 72 birlik. RZ-BPL da oqlik ko‘rsatgichi 41 an‘anaviy birlik. Birliklar qurilma quruq moddalar bo‘yicha kul miqdori - 0,75%, kislotalilik - 2,3 daraja. Un kompozit aralashmalarini ishlab chiqish birinchi navli bug‘doy unini ikki komponentli aralashmada suli uni bilan pishirish uchun ruxsat etilgan almashtirish qiymatini aniqlashdan boshlandi: bug‘doy uni - suli uni taqqoslanadi. Buning uchun bug‘doy unining bir qismi un aralashmasida suli uni bilan almashtirildi va non tayyorlanadi. Nazoratga birinchi navli pishirilgan bug‘doy unidan non olindi.

Jadvaldagi ma‘lumotlardan kelib chiqadiki,

aralashmaga suli uni qo'shilsa, barcha non sifati ko'rsatkichlari yomonlashadi. Shunday qilib, aralashmaning tarkibiga 20% suli uni kiritish bilan maydalangan g'ovaklik nazoratga nisbatan 13% ga kamaydi. Qolipli nonning o'ziga xos hajmi va qolipli nonning o'lchov barqarorligi ham kamaydi. Qolipli non bo'laklarining namligi kamaydi.

Kislotaligi kichik o'zgarishlarga uchradi, ko'proq darajada suli unining yuqori kislotaliligi bilan bog'liq. Namlik va kislotalilikning massa ulushi bo'yicha nonning barcha namunalari me'yoriy hujjatlar talablariga javob beradi.

Bug'doy va suli unidan tayyorlangan nonlarning sifati, birinchi navbatda, kleykovina kompleksidagi o'zgarishlar tufayli aralashmadagi suli unining ulushi ortib boradi. Yuqoridagilarni tasdiqlash uchun aralashmadagi suli unining nisbati un aralashmalaridagi xom kleykovina miqdori va sifatiga ta'siri o'rganildi.

1-jadval.

Birinchi navli bug'doy uni va suli uni aralashmasidan tayyorlangan non sifatining fizik-kimyoviy ko'rsatkichlari

Sifat ko'rsatkichlari	Suli uni aralashmalari tarkibi %				
	5	7	10	15	20
Qolipli non hajmi	2.5	2.6	2.3	2.2	2.0
G'ovaklik	60	61	57	55	53
Kislotaligi °H	2.0	2.1	2.1	2.1	2.2
Namligi %	39.9	40.0	40.5	40.2	40.8
Qolipli non barqarorligi	0.41	0.42	0.43	0.39	0.39

Suli uni qo'shilishi aralashmadagi xom kleykovina miqdorining kamayishiga olib keladi. Bu aralashmada kleykovina hosil qiluvchi oqsil fraksiyalarining kamayishi bilan bog'liq. Yuqorida aytib o'tilganidek, suli oqsili boshqa donlarga qaraganda kamroq prolaminalarni o'z ichiga oladi. Bundan tashqari, suli glutelin molekullari oqsil molekullari o'rtasida ko'p sonli o'zaro bog'lanishlar

mavjudligi sababli xamirda uzluksiz tuzilish hosil qila olmaydi. Aralashmaga 20% dan ortiq suli uni qo'shilsa, aralashmadagi xom kleykovina miqdorining ayniqsa keskin kamayishi kuzatiladi.

Aralashmadagi suli unining ulushi ortishi bilan kleykovina sifati ham o'zgaradi. Aralashmaga suli uni qo'shish glyutenni kuchaytirishga xizmat qiladi. 20% yoki undan kam suli uni qo'shganda, yuvilgan kleykovina sifati I guruhga to'g'ri keladi, 25% suli uni qo'shganda, kleykovina sifati II guruhga to'g'ri keladi va aralashmaga 30% suli uni qo'shsa, bu uning pasayishiga olib keladi. Kleykovina sifati 30 an'anaviy birlikgacha. birliklar IDK, bu "qoniqarsiz kuchli" deb talqin qilinadi va III guruhga mos keladi. Aralashmada bug'doy unining bir qismini suli uni bilan almashtirish non sifatining organoleptik ko'rsatkichlarining o'zgarishiga olib keldi. Shunday qilib, un aralashmasiga 10% dan ortiq jo'xori uni qo'shganda, qobiqning yuzasi silliqdan bo'lingan bo'lib, qobiqning rangi och jigarrangdan kulrang-sariq rangga o'zgargan. Aralashmaga 10% dan ortiq uni uni qo'shilganda, non bo'laklari avval kulrang, keyin esa kulrang rangga ega bo'ldi, uning elastikligi yaxshidan o'rta, g'ovaklik o'Ichami o'rtadan maydagacha o'zgardi. Aralashmadagi 10% bug'doy unini suli uni bilan almashtirganda, jo'xori unining o'zgina ta'mi paydo bo'ldi, bu aralashmaga jo'xori uni ko'proq kiritish bilan kuchaydi. Aralashmada 10% bug'doy unini suli uni bilan almashtirganda, suli unining o'zgina ta'mi paydo bo'ldi, bu aralashmaga suli uni ko'proq kiritilishi bilan kuchaydi. Nonning hidi suli uniga xos yengil xushbo'y hidga ega bo'lib, suli unining 15 yoki undan ko'p foizini tashkil qiladi.

Olingan natijalarni hisobga olgan holda, non sifatini sezilarli darajada o'zgartirmasdan, bug'doy unini pishirish o'rniga un aralashmasiga 10% suli unini qo'shishni tavsiya etish mumkin.

Nilufar QOBILOVA, dotsent,

Muhlis DO'STQOBILOVA, magistrant,

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti.

ADABIYOTLAR

1. Солтан Осама Исмаилд Ахмед. «Разработка технологии овсяной муки и интенсивным увлажнением зерна и мучных композитных смесей ее основе» // дисс. С-87-88
2. Баитова, С. Н. Разработка технологии крупы и хлопьев из овса голозерного / С. Н. Баитова, Л. А. Касьянова, Т. А. Дубина // Хлебопродукты. – 2014. – № 5. – С. 59-61.
3. Баталова, Г. А. Формирование урожая и качества зерна овса / Г. А. Баталова // Достижения науки и техники АПК. – 2010. – № 11. – С. 10-13.
4. Кобилова Н. Х., Адизов Р.Х., Мажидов К.Х. Обогащение хлебных изделий биологически и технологически значимыми компонентами.// "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги". №10. 2020. С.32-34.

ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ НАУКЕ

“

**Арутюнова Люсик Григорьевна
являлась виднейшим ученым
селекционером-семеноводом
республики в области хлопка.**

”



Она родилась в 1908 году в с.Хачмач Аскеранского района Нагорно-Карабахской Автономной области Азербайджанской ССР, в семье служащего. С 1929 по 1932 годы она училась в Ташкентском сельскохозяйственном институте и после окончания института получила диплом селекционера-семеновода. С 1933 по 1935 г., работая старшим лаборантом одновременно училась в аспирантуре Союз НИХИ. С ноября 1934 по март 1936 года находилась в командировке в Ленинграде в Институте Растениеводства имени Вавилова, где завершила и защитила кандидатскую диссертацию. После защиты диссертации с 1936 по 1940 гг. она работала старшим научным сотрудником лаборатории Цитозэмбриологии и Анатомии Центральной селекционной станции Союз НИХИ, а 1940 по 1978 гг. – заведующей лаборатории цитогенетики.

За период своей научной дея-

тельности Л.Арутюнова многие годы посвятила биологии оплодотворения хлопчатника самонесовместимости и перекрестной совместимости при различных близких и отдаленных скрещиваниях. На основе полученных результатов сделаны соответствующие рекомендации к методике селекции и семеноводства хлопчатника.

Занимаясь много лет межвидовой гибридизацией Л.Арутюнова создала целую группу уникальных гибридов, сочетающих полезные признаки диких видов старосветского и новосветского хлопчатника и культивируемых видов нового света. Ею созданы такие сорта, как С-4507, С-4534, С-4589 и другие, а также селекционные материалы Л-177, Л-170, Л-182 и другие, которые широко используются в селекционно-генетических исследованиях.

По результатам исследования по генетике хлопчатника и цитогенетике его межвидовых гибридов ею опубликовано

свыше 70 научных статей, издана монография «Биология развития хлопчатника».

За долголетнюю и безупречную работу в институте Л.Арутюнова награждена двумя орденами «Знак Почета», медалью «За доблестный труд». Ей присвоено звание «Заслуженный деятель науки Узбекской ССР».

Добрая память о Люсик Григорьевне навсегда сохранится в сердцах её близких и родных, коллег и учеников.

Саодат КУЧКАРЕВА,
старший научный сотрудник,
НА НТМД Узбекистана.

ОЛИМ, ПЕДАГОГ, АДИБ

Ҳаёт узун йўлга ўхшайди. Ўз йўлини топиш маҳорати эса инсоннинг ўзига берилган. Ўзлик ҳақида ўйларкансан киши. Ҳазрати Навоийнинг

“Ўз вужудинга тафаккур айлагил,

Ҳар не истарсен ўзингдан истагил” сатрлари ёдга тушади.

Бугун олим, педагог, адиб Ҳабиб Сиддиқ ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритар эканман, устоз “ўз вужудига тафаккур қилиб”, “ўз имкониятларини ўзидан излаган ва топган, топишда давом этаётган синчков инсон дея баҳо берган бўлар эдим.

Негаки, унинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлаш, асарларини ўқиш асосида шу хулосага келасиз киши. Олимлик, адиблик, таржимонлик, журналистлик, устоз мураббийлик фаолиятининг серқирралиги билан Ҳазрат Навоий эътирофидаги ўзлигини топган комил инсон дея эъзоз этсак арзийди.

Ҳабиб Сиддиқ (Ҳабибжон Сиддиқов) 1953 йил 12 апрелда Андижон вилояти Андижон туманининг Бўтақара қишлоғида туғилган. 1976 йилда Андижон Пахтачилик (ҳозирги Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар) институти Гидромелиорация факультетини имтиёзли тамомлаган.

1976 йилдан мазкур институтда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиб келмоқда. Устоз адиб институтда ассистент, катта ўқитувчи, доцент, декан ўринбосари, маънавият ва маърифат маркази раҳбари, маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректор, “Қишлоқ оқшоми” маънавий-маърифий, ижтимоий оммабоп газетаси муҳаррири лавозимларида хизмат қилган.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтида аспиран-

турада 1990 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент тўрт юзга яқин илмий, илмий-оммабоп, маънавий-маърифий мақолалар муаллифи.

Маъруза ва амалий машғулотларни юқори услубий савияда олиб боровчи педагог сифатида жамоа орасида эътибор қозонган.

У шунингдек Ўзбекистон Журналистлар уюшмалари аъзоси.

Устоз адиб маънавий-маърифий йўналишдаги ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир мақолалари билан матбуот саҳифаларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Адиб асарлари асосида “Чўғ”, “Кичик корхонанинг катта хангомаси” видеофилмлари ва йигирмадан ортиқ телеминиатюралар тасвирга олинган. Ҳажвиялари рус, инглиз, турк, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ тилларида таржима қилинган.

Ҳозирда ҳам устоз адиб Ҳабиб Сиддиқ доимо ёшлар, ёш ижодкорлар орасида. 2022 йилдан Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлимини бошқариб келмоқда.

Устоз, 70 ёшингиз яна бир бор муборак бўлсин.

Абдусалом МАХСУТАЛИЕВ,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича 1-проректори.



Ҳабиб Сиддиқнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 августдаги Фармонида мувофиқ “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

Устоз Ҳабиб Сиддиқдан сиёҳи қуримаган, тўғрилиқ ва ҳидоят йўлига бошловчи, ҳаётимизнинг биз кўзимиз кўра олмаган, фикратимиз илғамаган ҳақиқатларни рангбаранг бўёқларда ёритувчи, кўнгил ойналарини ғам-ғуссалардан аритгувчи, юмор ва сатира йўғрилган, танқидий руҳдаги гўзал, ўқимишли асарларни қутиб қоламиз.

Қуйида журналхонларимиз эътиборига ҳажвчи адиб Ҳабиб СИДДИҚ ижодидан намуналарни ҳавола қилмоқдамиз.


УЗОҚҚА БОРОЛМАЙДИ



Ёш мутахассисларни тақсимлаш бўйича тайёргарлик ишлари бошлангач, декан ўқишни қийинчиликлар билан аранг битираётган йигитдан сўради:

- Ишга қаерга бормоқчисан?
- Институтда қолсаммикин, деб турибман.
- Нима?!
- Ҳа, нима қипти. Ахир, ўзингиз кўп марта айтгансиз-ку, домла, «бу билиминг билан узоққа боролмайсан» деб ...

ЖИННИ БЎЛГАНИ ЙЎҚ



- Кейинги пайтларда сал паришонхотирроқ бўлиб қолдим. Газга, чироққа, телефонга пул тўлаш эсимдан чиқиб қоляпти. Автобусга чиқсам, чипта олиш ҳаёлимдан қўтарилади.

- Унда ишхонангиз ғазнасидан маошингизни олиш ҳам эсингиздан чиқиб қолаётган бўлса керак.
- Йўғ-э. Жа-а унчалик жинни бўлганим йўқ.

ҒАМХЎРЛИК



- Бозорга борганда ҳам нуқул ўзингизни ўйлайсиз-да, дадаси. Мен эсингизга ҳам келмайман.

- Унақа дема, хотин. Полиз бошидаги қапада ётганимдаям, бозорда қовун-тарвуз сотганимдаям, носвойни отиб халёлга ботганимдаям сени ўйлайман. Агар сени ўйламасам, анави икки кути сода билан, тўртта совунни кимга обкелдим?..

ЯХШИРОҚ ЁНАДИ



Ёнғинга қарши кураш жамоасида ишлайдиган йигит қишлоқ хўжалик институтига сиртдан ўқишга кирмоқчи бўлибди.

- Сиз ўзи буғдой билан шолнинг фарқини биласизми? – сўради хужжатларини қабул қилаётган ходим.

- Албатта-да, - дадил жавоб қилди ўт ўчирувчи. – Буғдойзорда шолিপояга қараганда ёнғин чиқиш хавфи кўпроқ.

КЎНДАЛАНГ САВОЛЛАР

Ёмонлик қилиб яхшилик кутувчиларни янглишганлар қаторига қўшиш керакми?

Ҳар ким ўз ўрнини билиб ўтирса... бўш ўринлар кўпайиб кетмасмикин?..

Мажлисбозликни камайтириш ҳақида мажлис ўтказиш вақти келмадимикин?

Қирқоёқ кўпроқ қоқиладими саккизоёқми?

Бекорчида қачон бўш вақт бўлади?

Яхши гапдан кўра ёмони осонроқ тарқалади. Нега?..

Енгил-елпи қўшиқлари билан мухлислар эътиборини қозона олмаган хонандага енгил-енгил кийимлари ёрдам берармикин?

Интернет орқали топишган келин-куёвларнинг фарзандлари келажакда дадаларини интернет орқали излашларига тўғри келиб қолмасмикин?

Яхши ўринлар олдиндан банд қилиб қўйилади. Танловларда ҳамми?

Кимлардир бошқаларга чоғ қозиш бўйича ҳам мусобақалашимаяптими?

Ҳабиб СИДДИҚ.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIKARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Aziz VOITOV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2023-yil, aprel №4.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.

Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида.....1

М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ИБРАГИМОВ. Чигит экиш ва ғўза

ниҳолларига биринчи ишлов беришни сифатли ўтказиш.....3

Р.СИДДИҚОВ. Ғаллачиликдаги муҳим падла.....6

О.АМАНОВ, Д.ЖўРАЕВ, Ғ.УЗАҚОВ, Н.ЁДГОРОВ.

Омилкорлик — мўл ҳосил гарови.....8

Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Деҳқон даласида барақа унмоқда.....11

Р.СИДДИҚОВ, А.МЎМИНОВ. Соя экинг, бой бўлинг.....14

Конституция — ҳаммаизники.....17

У.МАМАЖОНОВ. Вақдан ўзган инсон.....18

Д.ЁРМАТОВА. Инсон улуғланаётган ҳужжат.....19

Б.ЭСАНОВ. Ўртак бўлаётган тадбиркор.....20

М.Комилов. Олима аёлларга ҳурмат ва эҳтиром.....21

Б.АБДУРРАҲИМОВ. Чўпонлар судоласининг вақиласи.....22

Р.МУРАДОВ, Б.БУРХОНЖОНОВ. Ўзбекистонда сувдан фойда-

ланиш режасини тузишда қўлланиладиган SFR дастури яратилди.....23

Қашқадарлик сувчилар 860 минг тупдан зиёд кўчат экишди.....24

Х.КАРИМОВ. Самара бераётган илгор усул.....25

Ш.ЖАББАРОВА. Амударёдан эсган саболар.....26

Саботли меҳнат — тўқилик омили.....27

Ғаллачилик кластерларининг истиқболи порлоқ.....28

Нурота пистазорлари.....29

Ш.НОРМУРОДОВ. Ер билан тиллашиб.....30

Р.ТОЖАЛИЕВА. Ютуқлар замиридаги шижоат.....31

Р.ЮСУПОВА. Яхши ниятлар ижобати.....33

Ж.ТЎХТАМИШОВА. Қишлоқ хўжалиги замонавий эмас,

замондан ортда қолмайдиган соҳа.....35

Н.ЁДГОРОВ, Б.ХАЛИКОВ. Экиш муддати, маъдан ўғитлар меъёри

ва сугориш тартибларининг кузги бугдой ўсимлик бўйи, умумий ва

махсулдор поялар сонига боғлиқлиги.....36

Т.ОСТОНАКУЛОВ, Г.САИДОВА, А.ИСМОЙЛОВ.

Кучсиз шўрланган ерларда мослашувчан помидор навларини

экиш тартиби ва туп калинлигини мақбуллаштириш.....38

С.САНАЕВ, Ғ.САНАЕВ. Самарқанд вилояти шаронтида

порей пиёзи естиштириш.....40

С.УСМАНОВ. Рақамли технологиялар асосида чигирткаларни

мониторинг қилиш истиқболлари.....41

А.РАХИМОВА. Ақтуальность интродукции и акклиматизации

перспективного вида из семейства Trichogrammatidae.....44

Ж.ИРГАШЕВ. Қора полиэтилен плёнка тўшалган эгатларда

ғўзани сугориш самараси.....48

А.БУТАЯРОВ. Тажиба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги.....49

С.АХМЕДОВ. Qishloq xo'jaligida sug'orishning ekologik

va iqtisodiy xususiyatlari.....52

Х.УКТАМОВ. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини

таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.....54

Н.ҚАРИШЕВ. Худудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда

хизматлар бозори самарадорлигини ошириш йўллари.....57

Н.ҚОБИЛОВА, М.ДО'СТҚОБИЛОВА. Сули уни қо'шish orqali

хамirning reologik xususiyatlarini yaxshilash rejimini tanlash.....59

С.КУЧКАРЕВА. Жизнь, посвященная науке.....61

А.МАХСУТАЛИЕВ Олим, педагог, адиб.....62

Jurnal O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2019-yil
10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

Manzili: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@mail.ru

Telegram: qxjurnal_uz

Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil
1-aprel. Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Ofset usulida ofset qog'oziga chop
etildi. Shartli bosma tabog'i — 5,5. Nashr
bosma tabog'i — 1,31. Buyurtma № 5.
Nusxasi 1300 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ

matbaa bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar —

B.ESANOV, A.TAIROV

Dizayner — **U.MAMAJONOV**



МАҚСАДИМ –

СУВ ХЎЖАЛИГИНИ

РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲИССА ҚЎШИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиш ва қизиқишларини раёбатлантириш, мустақил фикрлайдиган, зукко ва кенг дунёқарашга эга йигит-қизларни тарбиялаш борасидаги ишларга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилаёпти. Ана шундай ёшлар сафида мен ҳам бор эканлигимдан фахрланаман.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетининг Гидрометеорология факультети Гидрология йўналиши 4-курс талабасиман. Ўқиш баробарида талабалар ўртасида нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ўтказилаётган фан олимпиадалари, илмий-амалий семинарлар, учрашувларда фаол иштирок этиб келаяпман. Жумладан, 2021 йили Қозоғистон Республикасининг Л.Н.Гумелев номидаги Евроосиё миллий университетида талабалар ўртасида онлайн тарзда ўтказилган II халқаро Гидрология таълим йўналиши бўйича фан олимпиадасида фахрли 1-ўринни эгалладим. Ўтган йили ўтказилган ушбу мусобақада эса 2-ўринга лойиқ деб топилдим.

Бундан ташқари, ўтган йили “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида БМТнинг Барқарор ривожлантириш мақсадлари бўйича юртимиз талабалари ўртасида ўтказилган танловнинг республика босқичида 1-ўринга сазовор бўлдим. 2022 йилнинг 22-30 август кунлари Олмаота шаҳрида Қозоқ-Германия университети томонидан ташкил этилган “Ўрта Осиё ер ости сувларини бошқариш ва бошқаришга йўналтирилган IWRM бўйича Орол денгизидagi 4-ёзги мактаб” лойиҳасида муваффақиятли иштирок этганман.

2022 йилнинг 4 март куни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг олий ўқув юртлари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтган фикрлари мен каби ёшларни янада руҳлантириб юборди. Айниқса, битирувчи курс талабаларининг келгусидаги иш жойини белгилаб олиб, уларни ҳақ тўланадиган 3-4 ойлик амалиётга юбориш йўлга қўйилганлиги айтилди.

Гидрология, сув билан боғлиқ соҳада ўқиётганлигим туфайли, Сув хўжалиги вазирлигида нафақат амалиёт ўташ, балки ишга жойлашиб, халқимиз учун хизмат қилишни ният қилиб юрар эдим.

Сув хўжалиги вазирлиги 2022 йил сентябрь ойида олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклининг битирувчи курсида таҳсил олаётган қобилиятли ёшларни вазирлик ва унинг тизим ташкилотларига ишга олишдан олдин саралаш, уларнинг стажировкасини ташкил этиш мақсадида ўтказилган танловда қатнашиб, бугунги кунда вазирликнинг Ахборот-таҳлил ва ресурс марказида фаолият юритаяпман.

2022 йилнинг 29 декабрь куни Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев тизимда меҳнат қилаётган ёшлар билан учрашув ўтказди. Ушбу учрашувда мен ҳам қатнашиб, вазиримиз билан бир стол атрофида ёнма-ён ўтириб, тизимда ёшларга яратилган имкониятлар, шарт-шароитлар, истиқболдаги режалардан бохабар бўлиш баробарида, ўз фикр-мулоҳазаларимни ҳам билдирдим. Бу учрашувдан ўзимга кўплаб маънавий озуқа ва мотивациялар олдим, дунёқарашим янада кенгайди.

Бугунги кунда стажировка ўтаётган Ахборот-таҳлил ва ресурс марказига келган биринчи кунимданоқ, мени катта иш тажрибасига эга Рустам Саидовга бириктириб қўйишди. У киши билим ва тажрибаларини аста-секин ўргатяпти. Бу ерда ҳафтасига 5 кун, ўқишимга халақит қилмайдиган график асосида стажировка ўтамоқдаман. Ўқишга ҳам, стажировкага ҳам улгураётганимдан жудаям хурсандман.

Стажировка менга ўқишда олаётган билимларим келажагим учун қанчалар зарур эканлигини, худди “давлат хизматчиси”дек фикрлаб, аниқ ва пухта қарор қабул қилиш, ишга масъулият ва виждонан ёндашиш зарурлигини ўргатди.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган раҳнамоликларидан руҳланиб, ўзим танлаган соҳа – сув хўжалиги тизими янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшишга интиламан.

Абдуҳалил ХОЛМАТОВ



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



**CHANGAN LABO va KAMA BIZNES
PUL TOPAR MASHINALAR**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

Tel: (78) 148 09 11, (90) 806-46-67

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN